

81. 243Ш. Раҳматуллаев

453

Р-33

ЎЗБЕК ВА РУС
ТИЛЛАРИНИ
ҚИЁСЛАШ



81.243
443
P-33

ШАВКАТ РАҲМАТУЛЛАЕВ

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИНИ ҚИЁСЛАШ

(ҚИСҚАЧА БАЁН)

*Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги олий ўқув юртларининг
"Ўзбек тили ва адабиёти"
ҳамда "Ўзбек мактабларида
рус тили ва адабиёти"
ихтисосликлари бўйича таҳсил
кўраётган талабалари учун ўқув
қўлланма сифатида тавсия этган*

81.243
443
8/xi-2001 /8 (рус)

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI
Тошкент — "Ўзбекистон" — 1993
TOSNOV FILIALI ARM
№ 411.9

26/418

ўрганиш усули қиёсий-тарихий усулдан фарқлаш мақсадида чоғиштириш усули деб юритилади. Бундай усул билан ўрганиш натижасида дунёдаги тилларнинг морфологик таснифи амалга оширилади.

Асли ҳар икки усул ҳам қиёсга асосланади; фарқ шуки, бирид қардош тиллар қиёсланса, иккинчисида ноқардош тиллар қиёсланади, биринчисида тилларга мансуб ҳодисаларнинг адекватлиги (айнанлиги) исботланса, иккинчисида эквивалентлик (муқобиллик) даражаси белгиланади.

Ушбу қисқача баёнда ҳозирги ўзбек адабий тили билан ҳозирги рус адабий тилига хос энг муҳим ҳодисаларгина ихчам ва содда тарзда чоғиштирилади. Асосий мақсад — ўзбек ва рус тилларининг товуш тузумига, грамматик қурилишига хос хусусиятларни таъкидлаш. Шу сабабли қайси тил ҳодисасини олди ёки кейин баён қилишнинг аҳамияти йўқ. Тавсифлашда бир тилни олдин қўйиш маълум бир тилга мансуб ҳодиса бошқа бир тилга қандай таржима қилинишини аниқлашда муҳим. Бунда ёндашув икки тил қурилишини қиёсан баён этишнинг ўрнига боса олмайди.

ҚИЁСИЙ ФОНЕТИКАНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

УМУМИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Тилимиз — товуш тили. Нутқ товуши тилнинг қурилиш материаллари (ашёси) бўлиб хизмат қилади. Нутқ товуши — табиий, уни ёзувда акс эттирадиган ҳарф эса — иккиламчи, шартли. Маълумки, товушни эшитамиз, ҳарфни кўрамыз. Бундай ёндашувда товуш нутқ аъзоларининг маълум фаолияти натижасида юзага келадиган физиологик ҳодиса сифатида баҳоланади.

Тилда мавжуд ҳар бир товушга хос артикуляция кўникмаси тил хотирасида (мияда) маълум бир образлар (излар) тарзида тамғаланган бўлади. Шунини ҳисобга олиб нутқ товушлари тил бирликларига тенглаштирилади. Асли нутқ товушини тил бирликлари учун қурилиш бирлиги деб баҳолаш тўғрироқ. Чунки тил хотирасида бевосита ҳар бир товушга хос излар эмас, балки тил бирликларига хос излар (образлар) тамғаланади, ана шу тил бирликларига хос тамғалар учун товушларга хос излар қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади. Тил бирликлари деб морфемага, лексемага айтилади, нутқ товуши туб лексема ва морфема учун қурилиш ашёси бўлади.

Тил қурилишининг сатҳланишида остки сатҳ бирлиги устки сатҳ бирлиги учун қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан нутқ товушлари — бирламчи қурилиш ашёси. Лекин нутқ товушининг қурилиш ашёси сифатидаги табиати бошқа лингвистик бирликларнинг (лисоний бирликларнинг) шундай хизмати билан фарқ қилади: лексема билан морфеманинг бирлашуви оқибатда сўзформани (сўзшаклни), сўзшаклларнинг бирлашуви эса боғланмани юзага келтиради; лекин туб лексема ёки морфема товушларнинг бирлашуви натижасида юзага келади деб бўлмайди. Бу ерда лексема ёки морфема маълум товуш(лар)га маълум бир мазмунининг биркитилиши билан юзага келиши ҳақида гапирилади.

Хуллас, тил бирлиги маълум ифода плани (ифода жиҳати) билан маълум мазмун планининг (мазмун жиҳатининг) бир бутунлигидан иборат бўлади, ана шундай туб тил бирлигининг ифода жиҳати бўлиб нутқ товуши хизмат қилади. Нутқ товушлари тил хотирасида ўзича айрим-айрим жой олмайди, улар тил бирликларини акс эттирадиган тамғалар (излар) таркибида мавжуд бўлади. Нутқ товушларининг бундай қарам ҳолатини ҳисобга олсак, тилнинг алоҳида, мустақил фонетик сатҳи ҳақида гапириш ўзини оқламаслиги аён бўлади, тўғриси, тилнинг фонетик тузуми ҳақидагина гапириш ўринли бўлади.

Адабиётларда тилнинг фонологик сатҳи ҳам ажратилади. Асли фонетика ҳам, фонология ҳам нутқ товушларини текширади; фарқи шуки, фонетикада нутқ товушларига артикуляцион-акустик тавсиф берилса, фонологияда фонетикага суянган ҳолда нутқ товушларининг ижтимоий қиймати (яъни лисоний бирликларнинг ифода жиҳати бўлиб келиши) баҳоланади. Қуйида ўзбек ва рус тилларининг фонетик тузуми бўйича сўз юритилади, фонологик тузум эса энг зарур ўринлардагина тилга олинади.

Аввало, товуш ва ҳарфни бир-биридан аниқ фарқлаш лозим. Чунки кўпчилик алифбеларда, шу жумладан рус ва ўзбек алифбеларида, товуш билан ҳарф орасида "бир товушга бир ҳарф" тенглиги йўқ. Рус алифбесиди (ё ҳарфини ҳам ҳисобга олсак) 33 график шакл бор, шулардан 31 таси ҳарф, иккитаси белги. Маълумки, белги товуш кўрсатмайди. 31 та ҳарфдан тўрт ҳарф (е, ё, ю, я) ҳар икки вазифасида янги бир товушни эмас, балки алифбедаги бошқа ҳарфлар билдирадиган товушни кўрсатади: бир вазифада икки товушни — й + э, й + о, й + у, й + а товушларини — кўрсатишга хизмат қилса, иккинчи вазифасида э, о, у, а унлиларини кўрсата туриб, ўзидан олдинги ундошнинг юмшоқ эканини ҳам кўрсатади. Хуллас, бу тўрт графема ўзича алоҳида товушларнинг ҳарфи эмас. Демак, рус алифбесиди 31 ҳарф 27 товушни кўрсатишга хизмат қилади (фонемалар ҳисоби бошқача, албатта; буни қуйироқда гапирамиз).

Ўзбек алифбеси рус алифбеси асосида яратилгани сабабли юқоридаги тўрт ҳарф (е, ё, ю, я) бу ерда ҳам ўзича алоҳида товушни кўрсатмайди. Ўзбек алифбесининг ўзига хос бошқа томонлари ҳам бор:

- 1) тилда товуш бўла туриб, унга алифбеда ҳарф олинмаган; н товуши икки ҳарф (нг) билан кўрсатилади;
- 2) икки бошқа-бошқа товушни кўрсатиш бир ҳарфга юкланган: а) о ҳарфи ўзбекча о товушини ҳам, ўзлаштира сўзлар таркибида кириб келган русча о товушини ҳам кўрсатади;

б) ж ҳарфи аффрикат (қоришиқ) җ товушини ҳам, ўзлаштира сўзларда эса фрикатив (сирғалувчи) ж товушини ҳам кўрсатади;

3) ўзбек тили алифбесиди тўрт товуш учун махсус ҳарф қабул қилинган: ў, қ, ғ, ҳ;

4) рус алифбесидидаги икки ҳарф ўзбек алифбесига олинмаган: ш, щ.

Хуллас, ҳозирги ўзбек алифбесиди 33 ҳарф ва 2 белги мавжуд бўлиб, бу 33 ҳарф 32 товушни кўрсатишга хизмат қилади:


35 шакл	- 2 белги (ь, ъ)	= 33 ҳарф
33 ҳарф	- 4 ҳарф (е, ё, ю, я)	= 29 ҳарф
29 ҳарф	+ 2 товуш (о, з)	= 31 товуш
31 товуш	+ 1 товуш (нг)	= 32 товуш

Агар фақат ўзлашган сўзларда қатнашадиган ц ва о товушларини, шунингдек ж сирғалувчи товушини ҳам ҳисобга олмасак, ҳозирги ўзбек тилида 30 товушдан иборат товуш-тузуми мавжуд дейиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, товуш кўрсатиш нуқтаи назаридан е, ё, ю, я ҳарфлари ва ь, ъ белгилари ортиқча бўлса ҳам, лекин фонемаларни кўрсатиш нуқтаи назаридан рус графикаси учун бу ҳарфлар ва белгилар мутлақо зарур.

Энди товушларнинг умумий таснифи билан танишайлик. Барча тилларда товушлар дастлаб унли ва ундош деб иккига гуруҳланади. Бу — тўлиқ зидланиш эмас, албатта. Бундай гуруҳлашда аввало товушларнинг таркибий қисми бўлиб хизмат қиладиган овоз ва шовқиннинг қатнашуви ва миқдоридан келиб чиқилади, ички тасниф ҳам шу асосда давом эттирилади.

Рус ва ўзбек тилларида товушларнинг умумий таснифи қуйидагича берилади:



Назарий жиҳатдан товушларни биринчи босқичдаёқ уч гуруҳга бўлиш тўғрироқ бўлар эди:

Унлилар (гласные)		О ← Ош ← Шо ← Ш ←
Ундошлар (согласные)	Сонорлар (сонорные)	
	Жаранглилар (звонкие)	
Шовқиндилар (шумные)		

Мактабда сонор товушлар ажратилмай, жаранглилар ичидан берилади. Шунда ҳам товушларни бирваракайига учга таснифлаш қулай кўринади:

Унлилар (гласные)	О ← Ош ← Ш ←
Ундошлар (согласные)	
Шовқиндилар (шумные)	

Тил ўқитишдаги кўп асрлик анъана билан ҳисоблашиш туфайли биринчи тур тасниф ҳануз сақланиб келади.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИНИНГ УНЛИ ТОВУШЛАРИ

Адабий рус тилида 6 унли мавжуд, ана шу 6 унли ёзувда 10 ҳарф билан кўрсатилади: а, э, о, у, и, ы, я, е, ё, ю. Бу ерда охириги 4 ҳарфнинг бир вазифаси — унлини кўрсата туриб, ўзидан олдинги ундошнинг юмшоқ эканини ҳам кўрсатиш вазифаси — назарда тутилади.


Адабий ўзбек тилида ҳам унлилар 6 та. Ўзбек алифбесига асос қилиб рус графикаси олингани сабабли бу ерда ҳам 6 унлини кўрсатишда юқоридаги 10 ҳарф хизмат қилади. Лекин я, е, ё, ю ҳарфларининг унлини кўрсата туриб, юмшоқ ундошдан кейинги ёзилиши фақат рус тилидан ўзлашган сўзларда учрайди.

Шуни таъкидлаш керакки, унли товушларнинг ҳар икки тилда миқдоран тенг келиб қолиши — тасодифий ҳолат. Бундан қатъий назар, ҳар икки тилнинг унлилари сифат жиҳатидан ўзаро фарқларга эга.

Унли товушларга қуйидаги тўрт жиҳатдан тавсиф берилади: 1) товуш оралигининг ҳосил бўлиш ўрнига кўра (по ряду), 2) настки жағининг (тил билан биргаликда) ҳаракатига кўра (по подъему), 3) лабларнинг фаол иштирок этиш-этмаслигига кўра (по степени лабиализации), 4) товушнинг қисқа-чўзиқлигига кўра (по долготе звучания).

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар бир товушнинг талаффуз қилинишида нутқ аъзолари тўлиқ қатнашади, фақат ҳар бир товушнинг шаклланишида маълум бир нутқ аъзолари, нутқ аъзоларининг маълум бир қисми ҳал этувчи деб қаралади ва товуш шу фаол қатнашадиган нутқ аъзоси ёки шундай нутқ аъзосининг маълум бир қисми асосида номланади.

Рус ва ўзбек тилларининг унли товушларини уч бурчакка қуйидагича жойлаб кўрсатиш мумкин:



Ушбу уч бурчакларга суяниб қуйидагиларни айтиш мумкин:

- 1) рус тилида ўрта қатор ы унлиси бор, ўзбек тилида бундай унли йўқ;
- 2) ўзбек тилида ортқи кенг э унлиси бор (ёзувда о ҳарфи билан кўрсатиш қабул қилинган), рус тилида бундай унли йўқ;
- 3) рус тилида а унлиси ўрта қаторга мансуб дейилади, ўзбекча а унлиси эса олдинги қаторга мансуб; қиёсланг: русча *май* (ой номи) — ўзбекча *май* (шароб);
- 4) русча о ва ўзбекча ў унлилари ҳам сезиларли фарқ қилади: ўзбекча унли русча унлига қараганда бир оз олдингироқ, ёпиқроқ, лабланиш даражаси ҳам кучсизроқ; қиёсланг: русча *сом* (балиқ номи) — ўзбекча *сўм* (пул бирлигининг номи);

5) ўзбекча и унлиси русча и унлисидан жиддий фарқ қилади: ўзбекча унли бир оз ортқироқ ва анчагина қисқа; қиёсланг: русча *тишь* (тинчлик) — ўзбекча *тиш* (зуб);

6) ўзбекча у унлиси русча у унлисига нисбатан олдингироқ, лабланиш ҳам кучсизроқ; қиёсланг: русча *туз* (қарта ўйинида) — ўзбекча *туз* (модда номи);

7) энг оз фарқланиш русча ва ўзбекча э унлиларида: ўзбекча э унлиси олдингироқ;

8) айтилганлардан қатъи назар, ўзбек тили унлилари рус тили унлиларига нисбатан қисқароқ (ўзбекча сўзларда унлининг чўзиқлиги иккиламчи ҳодиса деб қаралади);

9) лабланмаган унлилар рус тилида тўрт аъзоли бўлса (и — ы — э — а), ўзбек тилида уч аъзоли (и — э — а); аксинча, лабланган унлилар рус тилида икки аъзоли (о — у), ўзбек тилида эса уч аъзоли (— ў — у);

10) тил олди ва тил орқа унлилари рус тилида иккитадан, ўзбек тилида эса учтадан;

11) рус тили ва ўзбек тили унлилари нутқ оқимида турли ўзгаришларга дучор бўлиши жиҳатидан ҳам кескин фарқ қилади; масалан, русча о унлиси билан ўзбекча ў унлисининг, русча а унлиси билан ўзбекча а унлисининг нутқда ўзгариш даражасини кўра олдингизга келтиринг. Умуман, ўзбек тили унли товушларида нутқ оқими таъсири билан рўй берадиган ўзгариш рус тилидаги ҳолатга нисбатан жуда оз.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИНИНГ УНДОШ ТОВУШЛАРИ

Рус тилидаги 27 товушдан 6 таси — унли, қолган 21 таси — ундош. Булардан ц, ш ундошлари доим қаттиқ, ч, щ ундошлари, шунингдек й ундоши доим юмшоқ талаффуз қилинади деб таъкидланади. Қолган ундошлар эса ҳам қаттиқ, ҳам юмшоқ талаффуз қилиниб, тил бирликларини ўзаро фарқлашга хизмат қилади, шунга кўра фонематик зидланиш ҳосил этади. Ушбу ҳодисани ҳисобга олсак, рус тилида ундош фонемалар 37 та деб белгиланади: 21 ҳарф — 5 ҳарф (ц, ш, ч, щ, й) = 16 ҳарф × 2 (қаттиқ-юмшоқлик) = 32 фонема + 5 фонема = 37 фонема.

Баъзи манбаларда щ товуши ш товушига юмшоқ-қаттиқлик жиҳатидан зидланиш ҳосил этади деб қаралади; унда фақат ц товуши доим қаттиқ, ч, й товушлари эса доим юмшоқ талаффуз қилинадиган товуш бўлиб қолади; қолган ундошлар қаттиқ ва юмшоқ талаффуз этилиши жиҳатидан иккита фонемага тенг бўлади; бундай ёндашувда ҳам рус тилидаги ундош фонемалар-

нинг миқдори 37 та бўлиб чиқади: 21 ҳарф — 3 ҳарф (ц, ч, й) = 18 ҳарф — 1 ҳарф (ш + щ) = 17 ҳарф × 2 (қаттиқ-юмшоқлик) = 34 фонема + 3 фонема (ц, ч, й) = 37 фонема.

Ўзбек тили ундошларида қаттиқ-юмшоқликка асосланадиган фонематик зидланиш йўқ. Лекин рус тилидан кўплаб сўз ўзлаштириш натижасида ва уларни айнан талаффуз қилиш талаби сабабли юқорида айтилган фонематик зидланиш ўзбек тилида ҳам пайдо бўла бошлади. Ўзбек тили товушлар тузумига ёт бу ҳодисани назардан соқит қилсак, шунингдек ц ундошини ҳам ҳисобга олмасак, ўзбек тилида 24 ундош товуш (ундош фонема) бор: 32 товуш — 1 товуш (ц) = 31 товуш — 7 унли (а, с, о, ў, э, и, у) = 24 ундош.

Ўзбекча к — қ, г — ғ товушларини ўзаро қаттиқ ва юмшоқ товушлар деб тушунтириш нотўғри. Рус тили ундошларида юмшоқлик ундошнинг артикуляциясида қўшимча равишда ўрта танглайнинг иштирок этиши билан ҳосил бўлади (т — т' каби). Ўзбекча к — қ, г — ғ товушларида эса ҳар бир товуш артикуляциясининг ўзи ҳар хил.

Рус тилининг қаттиқ ва юмшоқ ундошларига қиёсласак, ўзбек тили ундошлари асосан рус тилининг қаттиқ ва юмшоқ ундошлари оралиғида, лекин юмшоқ ундошларига яқинроқ талаффуз қилинади:

русча т — т'
ўзбекча т

Рус ва ўзбек тиллари ундошларининг умумий қиёсидан яна қуйидагилар маълум бўлади:

1. Ўзбек тилида рус тилидаги ц, щ ундошлари йўқ (шу сабабли ўзбек ц ўрнига с, щ ўрнига ш, баъзангина шч талаффуз қилади).

2. Рус тилида ўзбек тилидаги қ, ғ, ҳ, ҷ, ң ундошлари йўқ (шу сабабли руслар бу товушларни тўғри талаффуз қила олмайди ва ўз тилидаги товушга алмаштириб айтади).

3. Рус ва ўзбек тилларидаги бошқа ундошлар ўзаро муқобил, лекин уларнинг артикуляцияси, барибир, ўзаро фарқланиб туради (буларни қуйироқда, ундошларнинг ички таснифини баён этишда қисман айтиб ўтамиз).

Ўзбек ва рус тилларида сонорлар. Сонор товушлар бошқа тур ундошлардан овоздорлиги билан фарқ қилади. Булар айни вақтда пайдо бўлиш усулига кўра (по способу образования) ҳам бошқа ундошлардан ажралиб туради. Сонорларга одатда бурун товушлари, ён товуш ва титроқ товуш киритилади.

Қаттиқ-юмшоқликни назардан соқит қилиб туриб гапирсак, л ён товуши, р титроқ товуш рус ва ўзбек тилларида деярли бир хил талаффуз қилинади. Худди шундай ҳолат м, н бурун товушларига ҳам хос. Рус тилидан фарқли ҳолда, ўзбек тилида яна бир бурун сонор товуши мавжуд: ң (ёзувда нг ҳарфлар тизмаси билан ифодаланади). Кўринадики, бурун товушлари рус тилида икки аъзоли зидланиш ҳосил этса, ўзбек тилида уч аъзоли зидланиш ҳосил этади. Баъзи адабиётларда сонорлар қаторига й товуши ҳам киритилади (бу фикр ҳар икки тил товушига тааллуқли, албатта). Бундан ташқари, ўзбек тилидаги лаб-лаб (билабиал) w ундошини сонор деб қараш ҳам мавжуд (воли сўзидаги каби). Кейинги фикрларга қўшилсак, ўзбек тилида сонор ундошларнинг миқдори еттитага этади.

Жарангли ва жарангсиз ундошлар. Ундошларнинг жарангли ва жарангсиз эканлиги асосида жуфтлик ҳосил этиши ҳар икки тилда анчагина. Асли бундай жуфт товушларнинг ҳар иккиси овоз пайчаларининг иштирокига кўрагина фарқланади, бошқа жиҳатдан уларнинг артикуляцияси бир хил. Ҳар икки тилда п—б, т—д, к—г, ф—в, с—з, ш—ж жуфт ундошлари мавжуд. Ўзбек тилида, юқоридагилардан ташқари, яна ч—ҷ, х—ғ жарангли-жарангсиз жуфт ундошлар ҳам бор. Демак, ўзбек жарангли ва жарангсиз жуфт ундошлар рус тилидаги шундай жуфт ундошлардан кўпроқ. Рус тилида х, ц ундошлари, ўзбек тилида эса қ, ҳ ундошлари юқоридагича жуфтлик ҳосил этмайди: бу жарангсиз ундошларга рус ва ўзбек тилларида жарангли жуфт йўқ. Сонорларга, аксинча, жарангсиз жуфт йўқ.

Рус ва ўзбек тиллари ундошларининг баъзи бошқа фарқли томонлари:

1. Ўзбек тилида бўғиз ундоши (гортанный согласный звук) мавжуд, бундай товуш рус тилида йўқ. Демак, ўзбек тили ундошларини ҳосил этишда оғиз ва бурун бўшлиқларигина (полость рта и носа) эмас, балки бўғиз усти бўшлиғи (надгортанная полость) ҳам иштирок этади.

2. Рус ва ўзбек тилларининг лаб ундошларида фарқланиш қуйидагича: рус тилида в, ф ундошлари асли лаб-тиш (лабиодентал) ундошлар, ўзбек тилида эса булар — лаб-лаб (билабиал) ундоши, лекин кейинги йилларда бу ўзбек товушларининг талаффузида ўзгариш бўлаётир (лаб-тиш товуши сифатида талаффуз этиш учрамоқда, бу ҳодиса талаффузнинг қулайлиги билан изоҳланса керак).

3. Тил ундошлари (язычные согласные) ичида кескин фарқ тил орқа ундошларида мавжуд: рус тилида иккита саёз тил орқа

ундоши бор бўлиб (к, г), ўзбек тилида бундай ундошлар учта (к, г, җ); булардан ташқари, ўзбек тилида чуқур тил орқа ундошлари (қ, ғ) ҳам бор. Адабиётларда русча х товуши саёз тил орқа ундошлари қаторига, ўзбекча х товуши чуқур тил орқа ундошлари қаторига киритилади. Кўринадики, ўзбек тили ундошларини ҳосил этишда тилнинг орқа қисмидан самарали фойдаланилади.

4. Ундеш товуш ҳосил этишда тилнинг олд қисми ҳар икки тилда энг кўп қатнашади: ундошлардан 12 таси тилнинг олд қисми иштирокида ҳосил бўлади. Бу ундошларнинг кўп қисми рус ва ўзбек тилларида баъзи жузъий фарқлар билан талаффуз қилинади (ҳар бир тил ундошининг артикуляциясида озми-кўпми фарқ бўлади). Русча ц, щ ундошлари ва ўзбекча ҷ ундоши ҳақида юқорида гапирилди.

5. Ундошлар орасида таркиби содда ва қоришиқ товушлар ҳам бор. Қоришиқ (аффрикат) товушлар тилда оз бўлиб, рус ва ўзбек тилларида бундай ундошлар ҳам фарқ қилади: рус тилида ч, ц қоришиқ товушлари мавжуд (баъзилар шулар қаторига щ товушини қўшиб қўяди), ўзбек тилида эса қоришиқ товушлар учта: ч, ҷ н.

6. Рус ва ўзбек тиллари ундошларининг юқорида таъкидлангандан бошқа фарқли белгилари ҳам бор, албатта (масалан, ундошлар нутқ оқимида товуш ўзгаришларига турлича учрайди).

РУСЧА ВА ЎЗБЕКЧА ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ БЎҒИН ТУЗИЛИШИ

Бўғин, товуш каби сегмент бирлик. Товуш каби, бўғин ҳам сўзшакл таркибида ажратилади. Ўзбек тилида ҳар қандай сўз камида бир бўғинга тенг бўлади; бундай хусусият мустақил туркум сўзларига ҳам, ёрдамчиларга ҳам хос. Рус тилида ҳам истаган сўзшакл камида бир бўғинга тенг бўлади. Ёрдамчилардан предлоглар орасидагина бўғинга эмас, якка товушга (ундошга) тенглари ҳам мавжуд: с, к, в каби.

Ўзбек тилида истаган ўзак (туб асос) камида бир бўғинга тенг бўлади. Рус тилида эса ўзакнинг (туб асоснинг) бирор кўриниши бўғинга тенг бўлмаслиги мумкин: *тр-и, тр-ойка, т-а, т-у* (лекин *тот*); *пт-ица, пт-ашка* каби (кейинги мисол боғлиқ ўзакли).

Бир бўғинли сўзлар (асли лексемалар) товуш тузилиши жиҳатидан рус ва ўзбек тилларида қуйидагича:

1) Ҳар икки тилда кўпинча ундош — унли — ундош (СГС) товуш тузилишли бўлади: *рез-, воз-, рук-, бер-, бор-, бур-* каби. Лекин бундай товуш тузилишли лексемалар ўзбек тилида биринчи ўринда турса, рус тилида иккинчи ўринда туради.

2) Рус тилида биринчи ўринда ундош — ундош — унли — унли (ССГС) товуш тузилишли лексемалар туради: *брат, сестра* каби; ўзбек тили лексемаларига бундай товуш тузилиши хос эмас (ўзбекча лексема икки ва ундан ортиқ ундош билан умуман бошланмайди).

3) Рус тилида ундош — унли — ундош — ундош (СГСС) товуш тузилишли лексемалар учинчи ўринда туради: *мост, горб* каби; бундай ўзбекча лексемалар кўп эмас: *тўрт, сирт, торт* каби (ўзлаштирма лексемалар орасида анчагина бор: *жисм, нақл, сабр* каби).

4) Ўзбекча бир бўғинли лексемалар орасида унли — ундош (ГС) товуш тузилишлари иккинчи ўринда туради: *иш, ош, эш, уз, оз, ўз* каби; бундай товуш тузилишли лексемалар рус тили учун деярли хос эмас (*он*).

5) Адабиётларда бўғинлар очиқ (открытый) ва ёпиқ (закрытый) турларга ажратилади. Бундан ташқари, бўғинлар берк (прикрытый) ва ноберк (неприкрытый) деб ҳам фарқланади. Шунга кўра очиқ бўғин ҳам, ёпиқ бўғин ҳам ўз навбатида берк бўғин ва ноберк бўлиши мумкин: берк очиқ бўғин (русча *на, ты*, ўзбекча *ма, ҳа* каби); берк ёпиқ бўғин (русча *дом, соль*, ўзбекча *кел, туз* каби); ноберк ёпиқ бўғин (русча *он*, ўзбекча *ол, иш, ўн* каби); ноберк очиқ бўғин (фақат бир унли товушга тенг бундай лексема йўқ ҳисоб). Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам берк ёпиқ бўғинли лексемалар кўпчиликни ташкил этади.

6) Икки бўғинли лексемаларда "берк очиқ бўғин — берк очиқ бўғин" тури ва "берк очиқ бўғин — берк ёпиқ бўғин" тури кўп учрайди: *дело, рука, вода; киши, қора, дала; новый, теперь; дағал, мушук, совун* каби.

7) Русча ва ўзбекча лексемаларнинг иккинчи ва кейинги бўғинида ноберк бўғин (унли билан бошланадиган ёки бир унлига тенг бўғин) учрамайди (бундай тузилишли лексема ўзлаштирма бўлиб чиқади: *пионер, кошнот* каби).

8) Кўп бўғинли сўзларни бўғинга ажратишда фарқ мавжуд:
а) СГСГ тузилишли бўлса, рус ва ўзбек тилларида бўғинлар бир хил ажратилади: *де-ло, ки-ши* каби;


б) СГССГС тузилишли бўлса, ўзбек тилида сўз ичидаги икки қатор ундошдан ҳар бири олдинги ва кейинги бўғинники деб қаралади: *қиш-лоқ, муш-тум* каби; рус тилида эса, очиқ бўғин назариясига амал қилиб, сўз ичидаги ҳар икки ундош кўпинча кейинги бўғинга мансуб деб қаралади: *ни-тка, во-лна* каби (лекин сонорлар келса, *вол-на* каби ажратишга ҳам йўл қўйилади).

Хуллас, ўзбек ва рус тилларини ўрганишда бўғин билан боғлиқ ҳодисаларга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур.


РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛЕКСИК УРҒУ

Урғу суперсегмент ҳодиса бўлиб, бўғинга, аниқроғи, бўғин билан этувчи унли товушга асосланади. Сўзшакл таркибидаги бирор бўғиннинг бошқа бўғин(лар)га қараганда бирор усул билан ажратиб талаффуз этилиши лексик урғу дейилади. Лексик урғу синтетик сўзнинг яхлитлигини таъминлайди (конститутив, яъни таркибловчи вазифа бажаради), шу орқали сўзшакллар чегарасини ўрнатишга хизмат қилади (синтагматик, яъни бирлаштириш ва у орқали ажратиш вазифасини бажаради).


Рус ва ўзбек тилларидаги лексик урғу ўз табиатида кўра динамик урғу (зарб урғуси): сўзшакл таркибидаги урғусиз бўғин(лар) урғули бўғин атрофига шу бўғинга бериладиган зарб унлининг кучлироқ айтилиши воситасида бирлашади:



Рус тилида лексик урғунинг квантитатив (миқдорий) хусуси-нига эга экани ҳам таъкидланади: урғули бўғин урғусиз бўғинга нисбатан чўзиқроқ айтилади; урғусиз бўғин (асосан бундай бўғин таркибидаги унли товуш), аксинча, қисқароқ айтилиб, редукцияга учрайди:



Квантитатив хусусият ўзбек тили лексик урғусида у қадар сезиларли эмас, шу сабабли ўзбекча сўзшаклларда урғусиз бўғинда редукция у қадар кучли бўлмайди (урғусиз бўғиндаги унли ўз сифатини асосан сақлайди):



Лексик урғу сўзшаклнинг қайси бўғинига тушиши жиҳатидан ҳам рус ва ўзбек тиллари кескин фарқ қилади. Ўзбек тилида,

баъзи истиснолардан ташқари (булар асосан урғу олмайди бирликларга, баъзи ўзлаштира сўзларга тўғри келади), у сўзшаклнинг охири бўғинида бўлади (боғли урғу — одностороннее ударение): *иш-чи, қу-рил-ма, ку-за-тув-чи* каби. Рус тилида у сўзшаклларнинг истаган бўғинида бўла олади (эркин урғу — разноместное ударение): *сло-го-вой, од-но-слож-ный* каби.

Ўзбек тилида лексик урғу кўчма (подвижное): сўзшакл янги бўғин қўшилса, урғу шунга кўчади (урғу охири бўғинида тушиши қондасига амал қилинади): *иш-чи — иш-чи-лар — иш-чи-ла-ри-миз* каби. Рус тилида лексик урғунинг кўчма бўлиши умумий ҳодиса эмас, балки чекланган даражада воқе бўлади, шунда ҳам ўзбек тилидаги ҳолатдан фарқ қилади: рус тилида урғунинг кўчиши ҳам олдинги бўғинга томон, ҳам кейинги бўғинга томон содир бўла олади: *у-чить, у-чу, у-чишь; про-фессор, про-фессо-ра* каби.

Рус тилида урғу ўрнининг ҳар хиллиги бир лексеманинг грамматик шаклларини фарқлашга ҳам хизмат қилади: *ру-ки, ру-ки, ли-ца, ли-ца, стра-ны, стра-ны, ку-ри-те, ку-ри-те* каби. Ўзбек тилида лексик урғу бундай хусусиятга молик эмас.

Рус тили лексик урғусида юқоридаги каби кўчмалик хусусияти мавжудлигидан қатъи назар, бу тилда лексик урғу асосан кўчма урғу (неподвижное ударение) ҳисобланади. Лексик урғу 91 фоиз сўзшаклларда асосга тушади (на основе), 7 фоиз сўзшаклларда тугалланмага тушади (на окончании): *под-виг, под-ви-гу, под-виги, под-ви-гам; статья, статья-и, статья-ям* каби (Современный русский язык. Теоретический курс. Фонетика. "Русский язык" М.: 1985, 96).

Сўзшакл таркибидаги маълум маъноли қисмга (асосга ёки тугалланмага) биркитилиш кўп бўлгани сабабли рус тилида лексик урғу грамматик (морфем) табиатга молик деган фикр билдирилади. Ўзбек тилида лексик урғу бундай хусусиятга эга эмас.

Юқоридаги изоҳлардан маълум бўладики, лексик урғунинг вазифаси ҳам рус ва ўзбек тилларида фарқ қилади. Ҳар икки тил учун умумий бўлган икки вазифадан (конститутив ва синтагматик вазифалардан) ташқари, рус тилида лексик урғу парадигматик вазифани ҳам бажаради.

Лексик урғунинг рус ва ўзбек тилларида жиддий фарқларга эга экани бу ҳодисага алоҳида диққат билан ёндашувни талаб қилади.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Сўзшакл таркибидаги лексик маъно англатадиган қисмга лексик дейилади. Демак, мустақил туркумларга мансуб бирликлар лексема бўлади (олмошлар бу жиҳатдан ажралиб туради, унинг олмошловчи лексемалар деб аташ мумкин).

Лексемалар тузилиш жиҳатидан содда, қўшма, жуфт, кўпмага тенг лексемалар деб гуруҳланади. Содда лексемалар кўпмага лексемадан иборат бўлади. Булар ўз навбатида туб кўчма ва ясама лексемага ажратилади: *срок — с-роч-н(ый), иш-чи — иш-чи-чи* каби. Лексема ясовчи бунда сўзшаклга (*машина*) эмас, кўчмага (*машин-*) қўшилади: *машин-н(ый)* каби; ҳосила лексемага тенг бўлади: *машинн-* каби. Ўзбек тилида ҳам кўчма шундай: *туз- + ла = тузла-* каби.

Қўшма лексема одатда икки лексемадан тузилади: *кратк-о-срок-н(ый), сверх-срочн(ый)* каби. Биринчи мисолда қўшма лексеманинг қисмлари ўзаро о туташтирувчи товуши воситасида ташланган, бунда қўшма лексеманинг биринчи қисми асосга (*машина*) тенг бўлади. Рус тилида кўчма лексемалар асосан қўшма усул билан ҳосил қилинади. Иккинчи мисолда қўшма лексеманинг биринчи қисми сўзшаклга тенг, бундай қўшма лексема қисмлари орасида туташтирувчи товуш қатнашмайди.

Ўзбек тилида қўшма лексемаларнинг қисмлари орасида туташтирувчи товуш бўлмайди, чунки қўшма лексеманинг биринчи қисми одатда сўзшаклга тенг бўлади: *оқуруғ-* (қовун тури), *тақдиргон-* (узум тури) каби.

Рус тилида ва ўзбек тилида қўшма лексемаларнинг бошқача қилиниши турлари ҳам мавжуд: *сорвиголова, гурскетти* (қовун тури) каби.

Жуфт лексемалар ҳар икки тилда мавжуд, лекин ўзбек тилида кўп кўп: *путь-дорога, руки-ноги; ота-она, савдо-сотих, оч-ингоч, аста-секин* каби. Қўшма лексема қисмлари тобе алоқа ҳолатида бирлашса, жуфт лексема қисмлари тенг алоқа асосида ташланади, шунда ҳам асли лексемалар эмас, балки сўзшакллар ташланади, ҳосила эса лексемага тенг бўлади. Қиёс қилинг: *путь-дорога, пути-дороги, [(ота) = (она)] = + лар + га* каби. Такрорланувчи қисмлар ҳам одатда сўзшаклга тенг бўлади, бундай такрор кўпинча янги лексемани юзага келтирмайди, балки грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қилади: *еле-еле, пра-зўрга* каби.

Богланмага тенг тузилишли лексемалар "сўзларнинг турғунлиги" қисми, "составли сўз" каби терминлар билан номланади.

DENOV FILIALI ARM

№ 49109

27/4/18

Асли булар лексикализациялашган синтагма бўлиб, уларни синтагма деб аташ мумкин: *трудовая книжка* — *меҳнат тарчаси*, *қишлоқ хўжалиги* — *сельское хозяйство*, *рабочий* — *ишчи кучи* каби. Бундай лексосинтагмалар ҳар бир тўғри грамматик андозалари асосида тузилади: юқоридаги мисоллар мослашув алоқасини акс эттирса, ўзбекча мисоллар мувофиқлашув (координация) алоқасини акс эттиради (фиқлашув алоқаси ҳақида қўлланманинг синтаксис қисми пирилади).

Рус тилида *завод-автомат*, *врач-педиатр*, *матч-реванш* "сифатланмиш-сифатловчи" тузилишли лексемалар ҳам бўлиб, ўзбек тилида буларга "сифатловчи-сифатланмиш" маси (*терапевт врач*) ёки изофа бирикмаси (*реванш матч*) тўғри келади (изофа бирикмаси ҳақида қўлланманинг синтаксис қисмида гапирилади), баъзан эса бундай лексема ўзбек тилига русча шаклида ўтади (*завод-автомат*).

Лексемани маъноли қисмларга ажратиш тил бирлигининг таҳлили бўлиб, сўзясаш таҳлили деб юритилади. лексематик таҳлил дейиш тўғрироқ, чунки лексеманинг таркибида, лексема ясовчидан ташқари, баъзи шакл ҳосил қилувчи қатнашуви мумкин. Масалан, ўзбекча *буюртма* — от лексикасида *буюрт* асосига *-ма* лексема ясовчисини қўшиб ҳосил қилинади. *буюрт* асоси таркибида эса *буюр* — феъл лексемаси ва *-т* ортаффикси (шакл ҳосил қилувчи аффикс) ажратилади. Кўринади, сўзясаш таҳлили дейиш бундай ҳолатларга тўғри келмайди. Шунингдек русча *сорвиголова* каби лексемаларга нисбатан "лексематик таҳлил" терминидан фойдаланиш ўринли, чунки бундай лексема таркибини маъноли қисмларга ажратишда ҳам тугалланма билан (*сорв-и*) дуч келинади.

Лексема ясалиши ҳақида гапириш учун лексема ясовчи аффикс ва у қўшиладиган асос (лексема яшаш асоси) мавжуд бўлган керак: *иш-чан*, *круг-л(ый)* каби. Бундай қисмлар қўшма лексемаларда йўқ: қўшма лексема қисмларини бир-бирига нисбатан яшаш асоси ва ясовчи деб белгилаб бўлмайди. Шу сабабли қўшма лексемаларга нисбатан лексема яшаш ҳақида эмас, балки лексема тузиш ҳақида гапирилади: қўшма лексема ёки икки лексема билан икки сўзшаклни, ёхуд сўзшакл билан лексемани бирлаштириш йўли билан ҳосил қилинади.

Жуфт лексемаларга нисбатан ҳам лексема яшаш ҳақида эмас, балки лексема тузиш ҳақида гапириш ўринли: жуфт лексема билан икки сўзшаклни қўшиш йўли билан ҳосил қилинади.

Буларнинг ҳаммаси ҳам грамматиканинг бир қисми деб қаралади. лексема ясалиши деб аффиксация тан олини, композиция усули эса лексема тузиш деб қаралади. лексема яшаш ва лексема тузишда лексик бирлик ҳосил қилинади, лекин усул грамматик бўлгани сабабли дариватология қисми ҳам грамматиканинг бир қисми деб қаралади.

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА СЎЗШАКЛЛАРНИНГ ТАРКИБИ

Ўзбек ва рус тилларида сўзшаклларнинг табиати, аввало, рус тилининг флектив тил, ўзбек тилининг агглютинатив тил экани белгиланади.

Рус тилидаги сўзлар ҳам, ўзбек тилидаги сўзлар ҳам маълум грамматик тўдаларга (разрядларга) ажратилади, туркумланади. Сўз туркумлари дастлаб мусулман сўзлари, ёрдамчилар, модал сўзлар, ундовлар ва мимемалар ажратилади. Булардан шакл ўзгартириш хусусияти фақат шакл сўз туркумларига хос, лекин барчасига эмас. Равиш-сўзлар ўзгартириш йўқ. Олмошларнинг лексик-грамматик тўдаларида фарқ қилади (бу ҳақда ўз ўрнида гапирамиз). Сифат, туркумларига рус тилида шакл ўзгартириш хос бўлса, ўзбек тилида хос эмас (отлашсагина, демак, иккиламчи ҳодиса сифатлигини, шакл ўзгартириш воқе бўлади). Хуллас, шакл ўзгартириш ҳар икки тилда от ва феъл туркумларида намоён бўлади.

Шакл ўзгартириш отларга нисбатан турланиш (склонение) ва феълларга нисбатан эса тусланиш (спряжение) деб юритилади.


Сўзшакл таркибида шакл ўзгартиришнинг кўрсаткичи бўлиб туркум қиладиган қисм рус тилшунослигида окончание (флексия) номланган (бу ҳодиса ўзбек тилшунослигида тугалланма деб юритилади). Тугалланма синтактик алоқа туфайли қўшиладиган синтактик вазифани кўрсатадиган қисм бўлиб, шакл ўзгартириш туркум сўзшаклларида ажратилади. Бундай тур сўзшаклларда тугалланма ажратилганидан кейин қолган қисмга асос (асос) бўлади. Масалан, рус тилида от, сифат, феъл сўзшаклларда ана шундай икки қисмга — асос ва тугалланмага — ажратилади: *книг-а*, *хорош-ая*, *читай-у* каби.

Русча сўзшакл таркибида, шакл ўзгартирувчидан ташқари, шакл ҳосил қилувчи морфема ҳам қатнашиши мумкин. Масалан,

рус тилида феълнинг ўтган замон шакли -л аффикси билан қилинади, шунда сўзшакл қуйидагича қисмларга ажратилади: *чита-л-а* каби. Бу ерда тугалланма род ва сон маъноларифодалайди, шахс жиҳатидан бетараф бўлади.

Читала каби сўзшаклларда асос деб *читал-* қисми белгилади, аслида *чита-* қисми ҳам асосга тенг, чунки -л аффикс замон ясовчиси, шакл ҳосил қилувчи аффикс. Демак, рус сўзшаклларининг маълум турларида, шакл ўзгартирувчинини ташқаридан (шакл ўзгартириш асосини ажратишдан) ташқари, ҳосил қилувчини (шакл ҳосил қилиш асосини) ҳам ажратиб олошим бўлади.

Рус тилида грамматик маъно ифодалайдиган асосий кўрсаткич — окончание (тугалланма), лекин, шу билан бир қатор грамматик маъно аффикс (суффикс, префикс) билан ҳам ифодаланади: *открыть* — *открывать*, *строить* — *построить* каби. Бундай вазифадаги аффикс шакл ҳосил қилади ва қўшиладиган асосни шакл ҳосил қилиш асоси деб юритиб олошим бўлади:



Лексема ҳам, морфема (аффикс, окончание) ҳам — тил бирлиги, булар тилнинг сегмент бирликлари ҳисобланади. Сўзшакл эса икки хил баҳоланади: а) агар сўзшаклнинг модели (андозаси) назарда тутилса, тил бирлиги (лекин суперсегмент бирлиги дейилади, б) агар шундай андозанинг лексема ва морфема билан тўлдирилган ҳолати назарда тутилса, нутқ бирлиги дейилади (бундай бирлик, ўз-ўзидан, сегмент бирлик бўлади). Бу фикр амалда шундай кўрсатиш мумкин:

от лексема + тугалланма (род, сон, келишиқ маъноларини ифодалайдиган кўрсаткич)

школа + *а*

от лексема + сон кўрсаткичи + келишиқ кўрсаткичи

мактаб + *лар* + *ни*

Ушбу сўзшаклнинг лексик маъно англатадиган қисми ясама лексема, унинг таркибида лексема яшаш асоси ажратилади; грамматик маъно ифодалайдиган қисми фақат тугалланмадан иборат бўлади, бундай сўзшакл таркибида шакл ўзгартириш асоси ажратиб олинган; агар бундай сўзшакл таркибида шакл ҳосил қиладиган асоснинг қатнашса, шакл ҳосил қилиш асоси ажратилади. Бу сўзшакл рус тили ҳодисаларига ҳам, ўзбек тили ҳодисаларига ҳам таъсир кўриб келади. Фарқ шуки, ўзбек тилида префиксация ва суффиксация оза учрайди: *бешиш*, *нотўғри* каби (префикслар асли тожик тилидан ўзлашган лексемалар таркибида кириб келиб, кейинчалик ўзбек тилининг бирлари ўзбекча сўзларга ҳам қўшила бошлаган). Яна бир фарқ шуки, шакл ҳосил қилувчи формативлар ўзбек тилида рус тилига нисбатан кўп.

Рус тили — флектив тил, шунга кўра унда грамматик маъно ифодаланишига тугалланма ёрдамида ва қисман аффикс (суффикс, префикс) ёрдамида ифодаланади. Ўзбек тили — агглютинатив тил, шунга кўра унда грамматик маъно асосан суффикс ёрдамида ифодаланади.

Русча от сўзшакл таркибида одатда тугалланма мавжуд бўлади: *гайк* -а каби. Бундай от сўзшакл тугалланмасиз (*гайк*-) лексемага тенг бўлиб, бунда лексемани тил бирлиги сифатида баҳолаш мумкин, лекин бу лексема шу шаклида нутқда намоён бўла олмайди, унга албатта тугалланма қўшилади. Шу сабабли бундай лексемага мустақиллик хос эмас дейилади. Ҳақиқатда, лексема сўзшакл учун асос вазифасини бажаради, нутқда лексема шакл тусида намоён бўлади. Бу жиҳатдан лексемаларнинг таркиби рус ва ўзбек тилларида деярли фарқ қилмайди.

Русча ва ўзбекча от сўзшакллар орасидаги фарқ сўзшаклларнинг грамматик маъно ифодалайдиган қисмида намоён бўлади: рус тилида лексемага асосан тугалланма қўшилса, ўзбек тилида аффикс қўшилади. Тугалланма ҳам суффикс деб қаралади, лекин тугалланманинг ўзига хос хусусияти бор экани ҳам таъкидланади. Тугалланма (флексия) асли айни бир вақтда бир неча грамматик категориянинг (грамматик маънонинг) кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Масалан, рус тилининг от сўзшакларида тугалланма айни вақтда уч грамматик категорияга (родга, сонга, келишиқка) хос маъноларни ифодалайди.

Суффикс, тугалланмадан фарқли ҳолда, одатда бир грамматик категориянинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Масалан, тилида от лексемаларга грамматик сон ва келишик категория мансуб ва бу грамматик категорияларнинг маъноси алоҳида кўрсаткич билан ифодаланади: *олим-лар-га* каби. Сўзшакл таркибидаги *олим-* қисми сон (кўплик) шаклини қилиш асоси бўлиб, *олимлар-* қисми эса келишик шаклини қилиш асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тилида род грамматик категорияси йўқ. Жинслик категорияси баъзи ўзлаштирама лексемаларда намоён бўлади: *олим-а* каби. Кўринадик, бундай сўзшакл таркибида ҳам грамматик маъно алоҳида-алоҳида кўрсаткич билан ифодаланади: *олим-а-лар-га* каби.

Ўзбек тилида грамматик сон категориясининг бирлиги келишик категориясида эса бош келишик — ноль кўрсаткичи билан ифодаланади. Бу ерда от лексема (*олим-*) ва от сўзшакл (*олим-овуш* (ҳарф) тузуми жиҳатидан тенг келади, лекин грамматик жиҳатдан кескин фарқ қилади. Қиёсланг:

олим-
олим + Ø I (бирлик кўрсаткичи) + Ø II (бош келишик кўрсаткичи)

Ўзбек тилидаги бу ҳодисага рус тилидаги *дом-*, *дом-Ø* ҳолат тўғри келади: *дом* сўзшакли ноль кўрсаткичли тугалланма шакли эга дейилади. Шу сабабли *робот* каби сўзшакллар ўзбек тилида грамматикасига тўғридан-тўғри мослашиб кетаверади: *роботчи* каби. Тугалланмаси товуш ифодали *майка* каби сўзшакл эса, ўзбек тилига ўзлашгач, бир бутун ҳолда (тугалланма шакли) қамраб олган ҳолда лексемага тенг деб қаралади (*майка-лар* каби). Унга сон ҳамда келишик кўрсаткичлари қўшилади: *майка-лар* каби.

Дом сўзшаклида ноль кўрсаткич белгисини битта, *дом-Ø* сўзшаклида эса иккита қўшишга сабаб шуки, русча сўзшакл таркибидаги маъноли қисмлар синтагматикасида тугалланма позицияни (ўринни) эгаллайди, ўзбекча сўзшаклда эса кўрсаткичи ва келишик кўрсаткичи алоҳида-алоҳида ўрин эгаллайди. Қиёсланг:

<i>дом-Ø</i>	<i>олим-Ø I—Ø II</i>
<i>дом-а</i>	<i>олим-лар-га</i>

Биз юқорида сўзшаклларнинг рус тилида ва ўзбек тилида қандай тузилиши бўлиши бўйича баъзи умумий фикрларни баён қилдик, бу фикрлар ҳар бир туркум тавсифида яна тўлдирилади.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СЎЗЛАРНИ ТУРКУМЛАШ

Ўзбек тилидаги туркумлари рус ва ўзбек тилларида асосан бир хил бўлса ҳам, ҳар бир тилда уларнинг ўзига хос белги-хусусияти бор. Фарқ аввало ёрдамчи сўзлар тўдасида кўрилади: рус тилида предлог мавжуд бўлса, ўзбек тилида кўмакчи (подлежащее) мавжуд. Мустақил туркумлар тўдасида рус тилшунослари сўзларини (предикативларни) ажратадилар, ўзбек тилшуносларида эса бундай сўзлар ҳали ажратилмаётгани йўқ. Ўзбек тилида бир фарқ феъл туркумига боғлиқ ҳолда содир бўлаётир: рус тилшунослигида сифатдошни, равишдошни ўзича мустақил туркумлар деб қараш мавжуд, ўзбек тилшунослигида сифатдош равишдош феъл туркумига мансуб функционал шакллар деб қаралади.

Ўзбек тилида ҳам, агглютинатив тилда ҳам грамматик маъно билан аффикс ёрдамида ифодаланади, шунга кўра рус ва ўзбек тилларида сўзлар аввало грамматик кўрсаткичлар асосида туркумланади. Бу жиҳатдан рус тилида сўз туркумлари ўзбек тилига нисбатан яққол фарқланиб туради. Масалан, рус тилида сифат — равиш туркуми, унинг ўзига хос тугалланмалар тузуми бор; ўзбек тилида эса — ўзгармайдиган туркум, лекин, барибир, рус тилида равишнинг ҳам ўзига хос грамматик кўрсаткичи бор (барча туркумларда эмас, албатта); натижада бу икки туркум сўзлари ўз-ўзидан фарқланиб туради.

Ўзбек тилида эса манзара бошқача: сифатда ҳам, равишда ҳам шакл ўзгариши йўқ, шу сабабли сифат билан равишни ажратиб қарашда бошқа белги-хусусиятларга суяниб иш тутиш лозим бўлади. Баъзи манбаларда сифат ва равишни синтактик мезон (синтактик вазифа) асосида ажратиб таклиф қилинади. Бу йўл натижага олиб келмайди, чунки айни бир сўз (масалан, *яхши* сўзи) сифатловчи бўлиб келса, сифат деб, ҳол бўлиб келса, равиш деб аталиши, демек, икки туркумга мансуб сўзлар деб қаралиши сўз деб қаралиши лозим бўлиб қолади. Ваҳоланки, ҳеч қандай ўзбек тилида иккита *яхши* сўзи бор демайди. Демак, *яхши* битта, шунга кўра уни бир туркумга — сифатга мансуб қилишимиз, *яхши ўқимоқ* каби боғланишда сифат ҳол вазифасида қаралиши, холос. Хуллас, туркум билан бўлак муносабатини тўғри белгилашимиз лозим.

Кўринадик, синтактик вазифа шу туркум сўзи учун бирламчи бўлиши туркум табиатидан келиб чиқадиган синтактик вазифа бўлиши ёки иккиламчи (бошқа туркум табиатига мос) синтактик вазифа бўлиши мумкин. Масалан, *тез гапирмоқ* боғланмасида *тез*

равиши ҳол бўлиб келади, бу — равиш учун бирламчи синтактик вазифа; *тез одам* боғланмасида *тез* равиши сифатловчини келади, бу — равиш учун иккиламчи синтактик вазифа. Бирор сўзни маълум бир туркумга мансуб дейишда ҳар синтактик вазифани эмас, балки сўзнинг семантик-грамматик табиатига мос синтактик вазифани асосга олиш зарур.

Рус тилида от ҳам, сифат ҳам (ҳатто баъзи бошқа сўзлари ҳам) турланади, лекин, бу умумийликка қараман билан сифат ўз-ўзидан фарқланиб туради, чунки ҳар туркумнинг ўзига хос турланиш парадигмаси мавжуд.

Ўзбек тилида от ва сифат дастлабки шаклида фарқ қилинмайди. Шу фикр асосида ўзбек тилида от билан сифат ўзаро ажратиш қийин дейилади. Бу фикр от ва сифат сўзлари фақат дастлабки шаклигагина нисбатан ўринли, чунки сўз шаклларида от сўз сифат сўздан ўз-ўзидан фарқланиб қолади.

Асли фарқланиш от ва сифатнинг дастлабки шаклидаёқ мавжуд. От сўзнинг дастлабки шакли бирлик ва бош келишик маънода ифода қилади деймиз, сифатда эса на сон ва на келишик йўқ. Шундаки, ўзбек тилида бирлик соннинг ва бош келишикнинг шаклларида фарқ қилинади. Ҳали ноль кўрсаткич тан олинмаган шаклларида айрилган фикр ҳозир нотўғри бўлиб чиқади.

Хуллас, ноль кўрсаткични ҳисобга олсак, ўзбек тилида билан сифат дастлабки шаклида ҳам фарқ қилади: *талаба* (бирлик) - Ø II (бош келишик) — *яхши* - Ø III (оддий даража) — *Демак*, от билан сифат ўзбек тилида морфологик кўрсаткич асосида ажралиб туради.

Баъзи туркумларни ажратишда асосий мезон бўлиб семантик белги хизмат қилади. Масалан, олмошларнинг турлари шакл кўрсаткичи ва синтактик вазифалари жиҳатидан ўзаро кескин фарқланади, лекин уларнинг барчаси семантик белги — лексик маъно англатмаслиги билан бирлик ва бош келишикнинг ўрнига алмашиб келиши — асосида бир туркумга бирлаштирилади.

Асли чуқурроқ мулоҳаза юритсак, семантик, морфологик ва синтактик мезонлар орасида энг қамровлиси, ҳал этувчиси семантик мезон экани аён бўлади; бу ҳолат морфологик мезон билан бермаган ўринларда айниқса очиқ кўринади. Семантик мезон деганда лексик маъно эмас, балки шу лексик маъно асосида мавжуд бўладиган туркумлик семаси назарда тутилади (туркумлик семасини категориал маъно деб юритиш ҳам мавжуд).

Юқорида сўзларни туркумлаш бўйича баъзи умумий мулоҳазаларни айтиб ўтдик. Бу мулоҳазалар ҳар бир туркум доирасида яна тўлдирилади.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОТ ТУРКУМИ

Сўзларни туркумлашда бир неча мезонлар ҳисобга олинади. Туркумга мансуб сўзлар аввало "предметлик" маъносини билдириши, лексик маъно мундарижасида "предмет" семаси борлиги, лозим (семантик-грамматик мезон). Бу ерда "предметлик" маъноси кенг тушунилади.

От сўзлар лексик-грамматик гуруҳларга рус ва ўзбек тилларида деярли бир хил ажратилади: турдош отлар ва атоқли отлар, инерет отлар ва абстракт (мавҳум) отлар, якка отлар ва шаклловчи отлар каби.

Рус тилида отлар жонли предметларни ва жонсиз предметларни англатишига кўра ҳам гуруҳланади. Ўзбек тилида эса отлар кишини ёки нокишини (нарсани) англатиши асосида гуруҳланади. Бундай гуруҳлашлар дунёни англаш-билиш жараёнига асосланади. Бундай гуруҳлашлар дунёни англаш-билиш жараёнига асосланади. Бундай гуруҳлашлар дунёни англаш-билиш жараёнига асосланади. Бундай гуруҳлашлар дунёни англаш-билиш жараёнига асосланади.

От туркумини таърифлаганда "предметлик" маъноси рус тилида род, сон ва келишик шаклларида рўёбга чиқиши таъкидланади; ўзбек тилида эса "предметлик" маъноси сон, эгалик, келишик шаклларида рўёбга чиқади дейиш мумкин.

Рус тилида род, сон, келишик категориялари фақат от туркумига мансуб эмас, албатта. Айни вақтда рус тилида от туркумини бу грамматик категорияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди ҳам. Ўзбек тилида ҳам асли шундай: сон, эгалик, келишик категориялари, от туркумидан ташқари, от олмошларга ва феълнинг ҳаракат номи шаклига ҳам мансуб; айни вақтда от туркумини бу грамматик категорияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди ҳам.

Кўринадики, сўзларни туркумлашда маълум сўзлар тўдасига ўзига хос грамматик категориянинг мансублиги барча ҳолларда ҳал этувчи омил бўлавермайди; бундай ўринларда масалани бошқачароқ ёндашиб ҳал этиш лозим бўлиб қолади.

От туркумига мансуб сўзларнинг муҳим белгиси шуки, ўзига сифатловчини боғлайди. Бундай синтактик боғлашув (сочетаемость) рус ва ўзбек тилларида турлича намоён бўлади, албатта. От сўз эга вазифасида ўзига феълни боғлаб келиши ҳам белги сифатида таъкидланади, лекин бу хусусият фақат от сўзларигагина

хос эмас: эга от билан ҳам, бошқа туркум сўзи билан ифодалана олади. Демак, синтактик боғлашув жиҳатидан словчи олиб келиш — от туркумига хос синтактик белги.

Синтактик белги сифатида от сўзларнинг кўпинча тўлдирувчи вазифасида келиши таъкидланади. Бу ерда, албатта, бирламчи синтактик вазифа назарда тутилади. Синтактик фада келиши жиҳатидан от сўзлар рус ва ўзбек тилларида ай фарқларга эга. Рус тилида от сўз бошқа бир от сўзга сифатл бўлиб келмайди, ўзбек тилида эса отларнинг маълум турлари сифатловчи вазифасида кела олади: *олтин соат, га девор* каби. Сифатловчи вазифасида келган бундай от асли сўзшаклга тенглашади (сифат сўзшакл андозасига тушади, я сон ва келишик шаклларида холи бўлади).

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОТ ТУРКУМИГА МАНСУБ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР

Отларга рус тилида род, сон, келишик категориялари, ўзбек тилида эса сон, эгалик, келишик категориялари мансуб. Рус тилида бу уч грамматик категория айти вақтда ягона грамматик кўрсаткич — тугалланма — билан ифодаланади: келишик шакллари бирликда род ва сон билан боғлиқ ҳолда, кўпликда эса сон билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Асли турланиш (склонение) келишикда ўзгариш, лекин келишик шакллари (турловчилик тузуми) бир-биридан родга, сонга боғлиқ ҳолда фарқланиб туради.

Ўзбек тилида сон, эгалик, келишик маъноси айрим-айрим грамматик кўрсаткич билан ифодаланади: от лексемага олдин сон кўрсаткичи, кейин эгалик кўрсаткичи (агар шундай маънони ифодалаш талаби бўлса) ва охирида келишик кўрсаткичи қўшилади. Демак, рус тилида отларга мансуб грамматик категорияларнинг ифодаланиши синкретик бўлса, ўзбек тилида — дискретик.

Маълумки, рус тилида эгалик категорияси (нисбатланиш) йўқ, ўзбек тилида эса род категорияси йўқ, шунга кўра бу ўринда ўзбек тилида ҳам йўқ (фақат таржима масаласи бор: бир тилдаги маълум бир маъно бошқа бир тилда қандай воситалар билан ифодаланиши ўрганилади). Шу сабабли рус тилидаги род категорияси ҳақида ва ўзбек тилидаги эгалик категорияси ҳақида махсус бўлим ажратмадик, бу ҳодисаларни зарур бўлган ўринда бошқа ҳодисаларга боғлаб изоҳлаймиз.

Тилларни чоғиштиришда эмас, балки иккинчи тилни ўрганишда она тилида йўқ ҳодисаларга алоҳида эътибор билан ёндашиш ва бу ҳодисаларни жиддий ўрганиш зарур.

ОТЛАРДА СОН КАТЕГОРИЯСИ

Отларда сон категорияси рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бирлик ва кўплик шаклларининг зидланишидан иборат. Рус тилида сон категориясининг бирлиги род ва келишик категория билан биргаликда, кўплиги эса келишик категорияси билан биргаликда ифодаланади (чунки кўпликда род жиҳатидан фарқланмай йўқолади). Демак, рус тилида алоҳида сон кўрсаткичи йўқ, тугалланма айти вақтда род, сон, келишикни ёки сон ва келишикни ифодалайди. Ўзбек тилида эса сон маъноси алоҳида кўрсаткич билан ифодаланади ва бу кўрсаткич эгалик ҳамда келишик кўрсаткичларидан олдин қўшилади.

Ўзбек тилида бирлик — ноль кўрсаткичли; бу ҳодиса русча *студент, стол* каби отлардаги ҳолатга тўғри келади: бундай ҳодиса отларда тугалланма — ноль кўрсаткичли.

Рус тилида тугалланмаси бор отларда бош келишик, бирлик шакли родга боғлиқ ҳолда бир неча хил тугалланма билан ифодаланади: *стран-а, земл-я (-а, -я), мест-о, пол-е (-о, -е)* каби. Турланишнинг турига қараб бирликдаги от барча келишиклар бўйича маълум тугалланмалар тузумига эга: *стран-а, стран-ы, стран-е, стран-у, стран-ой, (о) стран-е* каби. Худди шундай кўрсаткичлар тузуми бош келишик, бирликда ноль кўрсаткичли тугалланмаси бор отларда ҳам мавжуд: *стол-Ø, стол-а, стол-у, стол-Ø, стол-ом, (о) стол-е* каби. Айти вақтда род ва келишик маънолари ҳам ифодаланишидан қатъи назар, бу тугалланмалар бирлик сон кўрсаткичлари ҳисобланади. Кўпликда эса ўз тугалланмалар тузуми бор (булар айти вақтда келишик кўрсаткичи бўлиб ҳам хизмат қилади): *стол-ы, стол-ов, стол-ам, стол-ы, стол-ами, (о) стол-ах* каби.

Ўзбек тилида кўплик *-лар* аффикси билан ифодаланади, келишик учун алоҳида кўрсаткич қўшилади: *стол-лар-ни* каби.

Кўринадики, агглютинатив тил бўлганлиги сабабли ўзбек тилида сон категорияси ўзига хос кўрсаткичларга эга, шу билан бирга, бу категориянинг кўрсаткичлари рус тилидагидан фарқли ҳолда ягона кўринишда бўлади: *стол + лар +.. — стол + Ø I.* каби.

Сон категорияси от туркуми учун умумий дейилса ҳам, отларнинг лексик-грамматик турлари бўйича бу категориянинг намоён бўлиши фарқ қилади. От лексемаларнинг асосий қисми сон категориясининг ҳар икки шаклида ишлатила олади; айрим отлар фақат бирлик шаклида, айрим отлар эса фақат кўплик шаклида ишлатилади. Бу ерда рус ва ўзбек тиллари орасидаги

именительный падеж, 2) предлогли ишлатиладиган келиш предложный падеж, 3) предлогсиз ҳам, предлогли ҳам ишладиган келишлар: родительный, дательный, винительный, творительный падежлар.

Асли келишлар тузумини тасвирлашда учинчи гуруҳ келишларнинг предлогсиз ишлатилишигина келтирилади. Демас келиш категорияси доирасига асли предлог кирмайди. Предложный падеж эса доим "предлог + .. окончание" тарзи ифодаланади, демак, предлог бу ерда келиш шаклининг табикий қисмига айланган (шунинг учун ҳам номи "предложный падеж").

Рус тилидаги предлогга ўзбек тилида кўмакчи тўғри келади. Лекин ўзбек тилида кўмакчи келиш шаклининг таркибий қисми бўлиб келмайди, шунга мувофиқ ўзбек тилида рус тилидаги каби предложный падеж ҳақида гапирилмайди.

Рус тилида предлог келиш маъносини ифодалашга хизмат қилади, дейилади. Айни вақтда предлог келиш маъносини конкретлаштиришга, аниқлаштиришга хизмат қилиши ҳам таъкидланади. Шу билан бирга, предлогнинг у ёки бу келиш билан бир келтирилган бўлиши ҳам айтиб ўтилади: кўпчилик предлоглар бир келиш билан бир келтирилган бўлади (к — дат. п., без — род. п. ва тв. п. каби), баъзи предлоглар икки келиш билан (за, под — вин. п. ва тв. п. каби), ҳатто уч келиш билан (с — род. п., вин. п. ва тв. п. каби) бир келтирилган бўлади.

Бу ерда аксинча фикр юритиш ҳам мумкин: предлог маълум бир келиш шаклига бир келтирилган бўлмайди, балки предлог ўзи қўшиладиган сўзшаклнинг маълум келиш шаклида келишини талаб қилади. Агар шундай фикр юритсак, предлогсиз келган тушум келишида синтактик муносабат келиш кўрсаткичи билан ифодаланиши, предлог қатнашганида эса асли синтактик муносабат предлог билан ифодаланиши очиқ кўринади (кейинги ҳолатда келиш кўрсаткичи ҳақиқатда лучаяди, ўз семантик-синтактик моҳиятини йўқотади, предлог билан биргаликда битта грамматик шаклга тенг бўлади).

Ана шундай фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, ўзбек тилида кўмакчи келиш тузумига киритилмайди. Ўзбек тилида ҳам кўмакчи ўзи қўшиладиган сўзшаклнинг маълум бир келишда бўлишини талаб қилади, лекин шу асосда, масалан, дарсдан кейин каби қурилма кўмакчили чиқиш келиши деб қаралмайди, балки грамматик шаклнинг кўмакчи билан ифодаланиши дейилади. Бундан қатъи назар, ўзбек тилида ҳар бир кўмакчи бир келиш шаклидаги сўзшакл билан ишлатилади.

Рус тилида келишларнинг предлогли ишлатилишини назардан соқит қилган ҳолда ўзбек тили келишларига чоғиштирсак, келишларга назорат қилишдаги қоидалар намоян бўлади:

1. Рус тилидаги предложный, творительный падежларга муқобил келиш ўзбек тилида йўқ; ўзбек тилидаги ўрин, чиқиш келишларига муқобил келиш рус тилида йўқ.

2. Вазифа жиҳатидан энг ўхшаш келишлар — именительный падеж ва бош келиш: бу келишдаги сўзшакл рус ва ўзбек тилида асосан эга, атов гап, ундалма каби вазифаларда келади.

3. Бу икки тил келишлари орасида вазифа жиҳатидан именительный падеж ва тушум келиши ҳам жуда ўхшаш: бу келишдаги сўзшакл ҳар икки тилда воситасиз тўлдирувчи бўлиб келади. Фарқлиниш рус тилида винительный падеж предлог билан ишлатилганида воқе бўлади (*весь в отца, поставит на окно каби*).

4. Русча дательный падеж ва ўзбекча жўналиш келиши ҳам ўзаро ўхшаш, лекин рус тилида бу келиш от билан ҳам бошқарилиши таъкидланади (*служение родине, письмо родителям каби*). Мисоллардан кўриниб турибдики, бундай от феълдан исалган бўлиб, унинг маъно мундарижасидаги "ҳаракат" семаси туфайли дательный падежни бошқариш хусусияти сақланади.

5. Рус тилидаги родительный падеж билан ўзбек тилидаги қаратқич келиши орасида фарқ анча сезиларли:

а) аввало, шаклий фарқни таъкидлаш лозим: рус тилида бу келишнинг кўрсаткичи бўлиб тугалланганининг ўзи хизмат қилади; ўзбек тилида эса қаратқич келишининг кўрсаткичи деб -нинг аффикси таъкидланади, аслида -нинг аффиксининг ёлғиз ўзи ишлатилмайди, бу аффикс қўшилган сўзшакл боғланган иккинчи сўзшаклга нисбатловчи қўшилади, шундагина қаратқич келиши тугал шаклланган бўлади;

б) рус тилида родительный падеждаги сўзшакл от билан ҳам (*книга брата каби*), феъл билан ҳам (*отрезать хлеба, бояться волков, не написал письма каби*) боғлана олади; асосий ҳолат — от билан боғланиш, албатта. Ана шу боғланишида родительный падеж ўзбек тилининг қаратқич келишига ўхшайди. Бундан қатъи назар, ўзбек тилида қаратқич келишидаги сўзшакл феълга боғланмайди.

Рус тилида келиш шакллари орасидаги муносабатга биринчи ва учинчи турланишда жонли-жонсизлик категорияси таъсир кўрсатади: а) жонли предметни англатадиган отда родительный ва винительный падежлар бир хил ифодаланади: род. п. *сын-а* —

вин. п. сын-а каби; б) жонсиз предметни англатадиган отда именной ва винительный падежлар бир хил ифодаланган им. п. дверь — вин. п. дверь каби.

Ўзбек тилида от лексемалар кишини ёки нарсани англатиш асосида гуруҳланади, лекин бу ҳодиса келишиклар билан турланмишга таъсир қилмайди.

Рус ва ўзбек тиллари орасида келишик билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган яна бир фарқ шуки, рус тилида турланмайдиган отлар мавжуд: *дорогое пальто, дорогого пальто; заплатить за пальто, выйти в пальто, подойти к пальто* каби. Кўринадиким, бундай от сўзшакл қайси келишикда экани унинг сифатловчисига ёрдамида ёки предлоги ёрдамида белгиланади. Демак, бундай сўзшаклнинг ўзида шакл ўзгариши содир бўлмайди-ю, лекин бошқа воситалар асосида бундай сўзшакл ҳар хил келишикда деб қаралади.

Ўзбек тилида турланмайдиган от лексемалар йўқ; бундай лексема рус тилидан олинса, ўзбек тилининг қонуниятига бўйсуниб, турланади: *пальто, пальтони* каби.

Хуллас, келишик категорияси грамматик кўрсаткичлари тузуми жиҳатидан, келишикдаги сўзшаклларнинг боғлашув имконияти жиҳатидан ва бошқа айрим хусусиятлари билан рус ва ўзбек тилларида талай фарқларга эга, шу сабабли бу грамматик категорияни ўзлаштириш учун тил ўрганувчи қунт билан меҳнат қилиши лозим.

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА СИФАТ ТУРКУМИ

Сифат предметнинг белгисини билдиради. Рус тилида белгининг предметга тобе эканлиги сифатловчи бўлиб келадиган сифатнинг род, сон ва келишикда сифатланмиш отнинг шакли билан мослашувида намоён бўлади деб таъкидланади. Кўринадиким, рус тилида сифатга род, сон ва келишик категориялари мансуб, яъни рус тилида сифат — ўзгарувчи туркум. Ўзбек тилида эса сифат ўзгармайдиган туркум бўлиб, унга сон ва келишик категориялари хос эмас: сифат сўзшаклга тўғридан-тўғри, синтактик вазифа туфайли бирор форматив қўшилмаган ҳолда, яъни битишув йўли билан боғланади.

Рус тилида сифат сўзшакл икки синтактик вазифада — сифатловчи ва кесим вазифасида келади: *У тебя легкая рука. У тебя рука легкая* каби. От билан род, сон ва келишикда мослашув сифат сифатловчи бўлиб келганида воқе бўлади. Сифат кесим бўлиб келганида эса бундай кесим эга билан родда (III шахсда)

ҳолда мувофиқлашади-ю, лекин келишикда турланмайди. Асли билан вазифасидаги сифат боғламасиз ишлатилганидан именительный падежда келади ва эга билан (эганинг келишиги билан) мувофиқлашади, шу сабабли кесим вазифасидаги сифатда келишик ўзгармайди. Кесим вазифасида боғлама олиб келган сифат именительный падежда бўлади: *Я (ты, он) был счастливым каби. Кесим бўлиб келган сифатга рус тилида шахс тусловчиси қўшилмайди (ҳар уч шахс учун умумий бўлади): Я || ты || был счастливый каби.*

Ўзбек тилида сифат асосан сифатловчи бўлиб келади ва бундай сўзшакл ўзгартирувчига эга бўлмайди; кесим бўлиб келганида эса сифатловчи (шахс-сон кўрсаткичи) қўшилади: *Мен бахтлиман. Биз бахтлимиз каби.*

Ўзбек тилида сифат, рус тилидан фарқли ҳолда, ҳол вазифасида ҳам кела олади; бундай вазифада ҳам сифатга синтактик вазифа туфайли бирор форматив қўшилмайди: *Яхши студент яхши ўқийди каби.* Бу жумлада яхши сифат лексемаси сифатловчи ва ҳол вазифаларида келган.

Рус тилида сифат ҳол вазифасида келиши муносабати билан тарихан махсус форматив олган ва сифат туркумидан ажралиб, яъни туркумга қўшилган: *красивый — красиво, плохой — плохо* каби. Демак, рус тилида сифат ўз тугалланмалар тузуми билан бундай равиш ўз грамматик шакли билан бир-биридан яққол фарқланиб туради; ўзбек тилида эса сифатларни сифат туркумидан фарқловчи грамматик кўрсаткич йўқ.

Ҳар икки тилда сифатлар аслий ва нисбий сифат деб гуруҳланади. Фарқ шундаки, рус тилида сира сон (тартиб сон) нисбий сифатлар қаторига киритилади, ўзбек тилида эса сира сон сон туркумга мансуб деб қаралади. Шунингдек рус тилида нисбий сифатлар орасида притяжательные прилагательные (нисбатлов сифатлари) ажратилади: *гусиное перо, сестрин муж каби;* ўзбек тилида бундай нисбий сифат йўқ.

Рус тилида аслий сифатларнинг асосий қисми, тўлиқ шаклдан ташқари, қисқа шаклга ҳам эга: *добрый — добр, пугливая — пуглива, низкое — низок, длинный — длинен* каби. Демак, рус тилида сифатнинг кесим вазифасида келиш учун хосланган махсус шакли (қисқа шакли) мавжуд. Ўзбек тили сифатларида бундай ҳодиса йўқ.

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам аслий сифатлар олатда даражаланади. Фарқ орттирма даражанинг ифодаланишида кўрилади: рус тилида бу даражани *-ейш* (г, к, х товушидан кейин *-айш*) аффикси билан (аффиксал) ифодалаш мавжуд:

великий — величайший каби. Ўзбек тилида сифатларнинг ома даражаси аффикс билан ифодаланмайди.

Ўзбек тили сифатларида *қоп-қора, ям-яшил* каби инт форма (кучайтирув шакли) ясалиши бор, рус тилида б маъно префикс ёрдамида ифодаланadi: *синее-пресинее небо*. Хуллас, сифат туркуми рус ва ўзбек тилларида, ма ўхшаш томонлардан ташқари, бир қанча муҳим фарқларга

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА РАВИШ ТУРКУМИ

Равиш ҳам, сифат сингари, белги англатади. Сифат преднинг белгисини англатса, равиш асосан жараённинг белгини англатади ва шунга кўра ҳол вазифасида келади. Бу жиҳат равиш рус ва ўзбек тилларида бир хил.

Равиш рус тилида отга ҳам боғланади: *рубашка навый айцо всмятку, кофе по-турецки* каби. Бундай вазифадаги рус рус тилшунослигида мослашмайдиган сифатловчи деб юритилади. Равишнинг бундай вазифада келишига сабаб унинг сифат йўқлиги деб таъкидланади (*турецкий кофе* ва *кофе по-турецки* каби бирикмаларда сифат ва равиш ҳар хил маънони англатади).

Равиш ўзбек тилида ҳам отга боғланиб келади, бундай сифатловчи деб қаралади: *кўп гап, тез одам* каби. Мисоллар кўринадики, ўзбек тилида бундай вазифада сифат равишлар миқдор равишлари, рус тилида эса бундай вазифада одатда равишлари (сравнительно-уподобительные наречия) келади.

Рус ва ўзбек тилларида равиш кесим вазифасида ҳам келади, лекин бундай вазифада кела оладиган равишлар оз: *У меня денег много. — Менда пул кўп (Менинг пулим кўп)* каби.

Равишнинг сифатга, равишга боғланиб келиши ҳар икки тилда мавжуд, лекин жуда оз учрайди: *царственно спокойно (говорить), совсем по-актёрски (выступать); бутунлай оз* каби. Рус ва ўзбек тилларида *очень, жуда, ғоят* каби сўзлар сифат равиш билан бирга ишлатилади, лекин булар асли кучайтирув маъносини ифодалайди, шунга кўра шакл ясовчи бўлиб хизмат қилади: *очень хороший, очень строго; ғоят гўзал, жуда эркак* каби. Асли *очень, жуда* кабилар равиш (мустақил сўз) деб эмас, кучайтирувчи сўз (ёрдамчи сўз) деб баҳоланиши тўғри.

Равиш ҳар икки тилда — ўзгармайдиган туркум. Айрим равишларда шакл ўзгариши бордек кўринади: *вечером, утром, сегодня, сразу; бирдан, эртага, кунда, кечаси* каби. Аслида булар фақат маълум бир шаклда от туркумидан (баъзан бошқа туркумдан) ажралиб чиққан бўлади, улар худди шу бир грамматик

шаклда қотиб қолган бўлади. Демак, бундай равишларга нисбатан шакл ўзгариши ҳақида гапириш мумкин эмас.

Рус тилидан фарқли ҳолда ўзбек тилидаги баъзи равишлар келишиб, келишик кўрсаткичини олиши мумкин: *бугундан, фармаслик, эртадан бошламоқ* каби.

Ўзбек тилшунослигида у *ерга, у ердан, у ерда* каби мисолларга асосланиб, "Баъзи равишлар макон келишикларида туркумдан",— деган фикр билдирилади. Бундай фикр юритишга асосан тунда равишига ўзбек тилида у *ерга, оттунда* равишига *ердан, там* равишига у *ерда, здесь* равишига шу *ерда* тўғри келиши асос бўлган. Асли у *ер* — от бирикма ва шунга мувофиқ равишларда турланади: у *ер, у ерининг, у ерини, у ердан, у ердан, у ерда*. Кўринадики, бундай от бирикманинг олти келишик равишдан учтасини равиш деб ажратиш ўта сунъий: *ер* сўзи макон келишиклари "ўрин" маъносини билдириши у *ерда* равишлари равиш деб белгилаш учун етарли асос бўла олмайди. Хуллас, ўзбек тилида уч келишик доирасида турланадиган равишлар йўқ.

Рус тилшунослигида равишлар икки катта гуруҳга ажратилади: 1. Определительные наречия (буларни ўзбек тилида тавсиф равишлари деб номлаш мумкин). 2. Обстоятельные наречия (буларни ўзбек тилида ҳолат равишлари деб номлаш мумкин). Ўзбек тилшунослигида равишларни бундай гуруҳлаш амалга оширилмаган.

Определительные наречия деб гуруҳланган равишлар ўз навбатида қуйидаги маъно турларига ажратилади:

1) Качественные наречия (булар ўзбек тилида ҳолат равишлари номи билан юритилади; асли буларни сифат равишлари деб номлаш ўринли): *хорошо, медленно, громко, замечательно, ironically, блестяще; секин, дарров, қўққисдан* каби.

2) Количественные наречия (булар ҳам ўзбек тилида ҳолат равишлари номи билан юритилади; асли миқдор равишлари деб номлаш маъқул): *много, мало, немало, приблизительно, почти; кўп, оз, пича* каби. Рус тилида, ноаниқ миқдорни билдирадиган бундай равишлардан ташқари, аниқ миқдорни билдирадиган равишлар ҳам мавжуд: *вдвое, втрое, дважды, трижды* каби. Ўзбек тилида бундай равишлар йўқ.

3) Наречия образа и способа действия: *верхом, лёжа, вплавь, вручную, наперебой, шёпотом* каби. Бундай равишлар ўзбек тилида жуда оз бўлиб, ҳолат равишлари қаторига киритилади; алоҳида номламоқчи бўлсак, буларни усул равишлари деб номлаш мумкин: *пиёда, яёв, отлиқ* каби.

4) Сравнительно-уподобительные наречия: *по-весеннему, волчьи, по-отечески, по-немецки* каби. Кўринадики, рус тилида бундай равишлар маълум грамматик андоза асосида ҳосил қилинади (*по...ски*). Ўзбек тилида бу тур равишларни қиёс равишлари деб номлаш мумкин (баъзи адабиётларда булар ўхшаш равишлари деб юритилади): *оталарча, қадрдонларча, ўнгаларча* каби.

Ўзбек тилида *ўзбекча* каби сўзлар феълга ҳам, отга боғланаверади, шунга кўра ҳол ва сифатловчи вазифасида келадиган *ўзбекча гапирмоқ, ўзбекча нутқ* каби. Рус тилида бу тур равишлар асосан феълга боғланиб, ҳол вазифасида келади.

Ўзбек тилида *пахтадай (оқ), ойдай (гўзал), бугунгидай (саффо осмон)* каби сўзларда *-дай (-дек)* аффикси равиш ясаб қўлади. Аслида *-дек* — шакл ясовчи: *мендек, укам далагаримиздагидек* каби. Кўринадики, *-дай (-дек)* аффикси сифат, олмош сўзларнинг ўхшатиш шаклини ясайди; шу аффикс билан сўзда маъно тараққиёти юз берса, шундагина у равиш айланади: *сутдек (оқ)* — "ўта даражада"; *додамдай (тарвуз)* — "даражада катта" каби.

5) Наречия совместности: *вдвоем, втроем, десятером, парами* каби. Ўзбек тилида бундай равишлар бор, лекин айрим сифатида ажратилмаган; асли бу тур равишларни ўзбек тилида биргалик равишлари номи билан ажратиш мумкин: *икковлашиб, учовлашиб* каби.

2. Рус тилшунослигида обстоятельственные наречия деб ўрнатилган пайт, сабаб, мақсад равишлари бирлаштирилади.

Сабаб ва мақсад равишлари ҳар икки тилда жуда оз: *собираясь, сгоряча, поневоле; нарочно, умышленно, назло; атайлаб, атайлаб, жўрттага* каби.

Пайт равишлари ҳар икки тилда анчагина ва улар даражаси тенг: *прежде, теперь, вскоре, сначала, сперва, завтра, утра, сегодня, сейчас, сейчас, хамиша, олдин, кейин, кеча, бугун, эртанги, киндаги, эрталаб, саҳарлаб* каби. Рус тилидан фарқли ҳол пайт равишлари ўзбек тилида жуфт ҳолатда ҳам ишлатилади: *эрта-индин, бугун-эрта, эрта-кеч, ҳали-бери* каби.

Ўрин равишлари рус тилида анчагина: *здесь, там, вверху, внизу, вдалеке, издалека, изнутри, сюда, везде* каби. Ўзбек тилида эса том маънодаги ўрин равишлари йўқ; русча ўрин равишларига ўзбек тилида сифатнинг, от бирикманинг маъно келишигидаги шакли тўғри келади: *здесь — шу ерда, там — он ерда* каби.

Рус тилида равишларнинг кўп қисми сифатлардан ажралиб қолган бўлиб, *-о* формативи билан яққол тўдаланиб туради: *яшил(ий) — аёсал-о, темн(ый) — темн-о* каби. Сифат асосида ҳосил қиладиган бундай форматив ўзбек тилида йўқ. Шу билан равишлар шаклан сифатлардан кўпинча фарқ қилмайди. Булар шу сабабли сифат ҳол вазифасида ва равиш сифатловчи вазифасида кела олади: *яшил студент, яшил ўқимок; кўп дароғроқ, кўп даромад* каби. Рус тилида *-о* билан шаклланган равишлар отга боғланиб, сифатловчи бўлиб келмайди.

Равишлар рус ва ўзбек тилларида ясовчи аффикслари билан фарқ қилади. Рус тилшунослигида махсус равиш ясовчи аффикс ҳақида гапирилмайди. Равишлик белгиси бўлган *-о* формативидан (*дружно* каби), *-е* формативидан (*искренне* каби), *-ски* андозасидан ташқари, кўпчилик равишлар турли келиш шаклидаги мустақил сўзнинг предлог билан қўшилиб қилинган равиш орқали ҳосил бўлган (буларга нисбатан ясалиш ҳақида кўпчилик балки равишга кўчиш ҳақида гапириш ўринли): *сверху, снизу, кряду* каби.

Ўзбек тилида ҳам бошқа туркумлардан равишга кўчган сўзлар билан равиш ясаб қўлади: *кеча, эртага, ҳасддан* каби. Шу билан бирга, ўзбек тилида равиш ясовчи махсус аффикслар ҳам бор: *-ча — эскича, кичикча* каби; *-часига — қаҳрамончасига, очиқчасига* каби; *-ига* билан равиш ясаб қўлади: *аралашига, чаппасига* каби; *-ларча — йиртқичларча, қўнғирларча* каби; *-лай(ин) — бутунлай, тириклайин* каби; *-лаб* билан равиш ясаб қўлади: *доналаб, ҳовучлаб, саҳарлаб* каби. Булардан ташқари, равиш ясаб қўлинган сўзлар таркибида уқилиб, ажратиладиган *-она* аффикси ҳам бор: *одилона, фақирона* каби. Ўзлаштира сўзларда равишлик белгиси деб *-ан* аффикси ҳам таъкидланади: *жавобан, қўнғирлан, расман* каби. Кўринадики, ўзбек тили махсус равиш ясовчилари борлиги билан рус тилидан фарқ қилади.

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам равишларнинг маълум даражасида даража ясалиши хос. Равишларда даража сифатлардаги равиш ясалади. Бунда, албатта, ҳар бир тилнинг ўз воситалари билан равиш ясовчи услулари хизмат қилади: *сильно — сильнее, рано — раньше, тихо — тише; мало — меньше, выше — повыше; более тихо, более дружески; глубоко — глубочайше; выше всего, выше всех; кўпроқ, кўпроқ, энг тез, энг кўп* каби.

Рус ва ўзбек тилларида равишлар баҳо шакллари ясалиши равишларнинг сифатидан ҳам фарқ қилади. Бу ерда ҳам рус тилининг равиш ясовчи услулари ўзбек тилининг имкониятидан бой: *поздно — поздно, трудно — трудненько, стороной — сторонкой, мило —*

аффикси хизмат қилади: *кечагина, қўшича* каби.
 Хуллас, равшанлар рус ва ўзбек тилларида турлича тасниқ
 нишидан қатъи назар, бу туркум сўзларнинг табиатида
 ўхшаш томонлар ҳам, фарқли томонлар ҳам мавжуд.

Саноқни, предметларнинг аниқ микдорни билдирадиган
 сўзлар сон туркумига мансуб бўлади. Предметнинг саноқлиги
 тартибни билдирадиган сўзлар (сера сон, порядковое числительное)
 рус тилида грамматик-семантик табиати асосида сифат
 категория қўшилади, ўзбек тилида эса сонларнинг маъно тур
 идан бири деб қаралади.

Сон туркумининг асосини ташкил этувчи сўзлар у қатар
 мас: тўққизта бирлик сон, тўққизта ўнлик сон, тўртта ка
 микдор сонлардан (оз, минг, миллион, миллиард) иборат.
 ва ўзбек тиллари орасидаги фарқ аввало 11 дан 19 гача бў
 микдорни ифодалайдиган сонларда кўринади: рус тилида бу сон
 аслида тўққизта бирлик сони ва ўн сондан ташкил топган бў
 ҳам, ҳозирги тилда аффиксация йўли билан ясалган сон (со
 ясама сон) деб баҳоланади: *один на десять* → *один + над*
 каби. Ўзбек тилида эса 11 дан 19 гача бўлган микдор сонла
 (тузма) сонлардан фарқ қилмайди: *ўн бур, миллиард бур* каби.

Рус тилида сўзларнинг ифодагайишган бошқа со
 деб қаралади (қўшиб ёзилади), ўзбек тилида эса булар тур
 сон: *январьсон, бет юз* каби.

Рус тилида сонларнинг микдор сон, жамловчи сон ма
 турлари ажратилади: *один, два; двое, трое* каби. Ўзбек тили
 булардан ташқари (*икки, учка* каби), *дона* сон (*иккита* ка
 чама сон (*олиштира* каби), тақсим сон (*учтадан* каби) ма
 турлари ҳам мавжуд.

Жамловчи сон микдор сондан ясалади: рус тилида *два (а)*
де-о-[/]-е, четыре — чете-ер-о каби; ўзбек тилида *уч-о, уч-а*
 сондан *ўн* сонга довлр микдор сонларидан ясалади; ўзбек тили
 эса -ов аффикси билан *икки* сондан *етти* сонга довлр мик
 сонлардан, -ла аффикси билан эса одатта *икки* сондан *беш*
 сонга довлр микдор сонларидан ясалади.

Рус тилида жамловчи сон кўпинча ота (ёки оташти
 сифатга) борлиниб келади: *трое детей, двое сумок, трое*
 38

Ўзбек тилида бундай хусусият
 аффикси билан ясаладиган жамловчи сонларга хос: *иккала*
 каби; -ов аффикси билан ясаладиган жамловчи сон эса
 та нисбатловчининг кўплик шаклини ва келишик кўрат-
 ини олиб келади: *туртовмушга* каби (бундай ишлатилиш
 аффикси билан ясаладиган жамловчи сонга ҳам мансуб;
 тамадага каби).

Ўзбек тилида дона сон ясовчиси бор: *иккита* каби; рус тилида
 тамадага каби нумератив ёрдамида ифодаланади: *двое*
 каби.
 Ўзбек тилида тақсим сон дона сонга -дан аффиксини қўшиб
 қилинади: *иккитадан* каби. Тақсим сон дона сонни
 билан ҳам ҳосил қилинади: *иккита-иккита*
 по рус тилида тақсим маъноси микдор сон олдидан по
 лонини келтириш билан ифодаланади: *по два* каби.

Дона сон ясалиши ўзбек тилида анча тараққий этган: а) дона
 -ла ча қўшиб ясалади: *ўнча* каби; б) микдор сонга -лаб
 -лаб ясалади: *ўнлаб* каби (ўнлик ва катта микдор сонларидан
 ясалган); в) микдор сонга -ларча қўшиб ясалади: *юзларча* (фақат
 тамадага каби); г) микдор сонларидан ясалади: *юзларча* (фақат
 тамадага каби). Рус тилида чама маъноси махсус сўз ёрдамида
 тамадага каби, *боланма аъзоларининг тартиби ёрда-*
 тамадага каби (*кплограммов пиль* каби), баъзангина сон катгориасининг
 тамадага каби (*сонни стубенное* каби) ифодаланади.

Ўзбек тилида чама сон ясовчи морфема йўқ.
 Рус ва ўзбек тилларида бутун сонлар ва қарп сонлар ҳам
 тамадага каби. Бутун сонлар юқорда баён қилинди, шу сабабли
 тамадага каби мисол келтирмаиз: *одна треть, удан бур, семь*
 тамадага каби.

Бутун сон қарп сон билан бирликда келса, қарпни сон ҳосил
 қилинади: *ўн бутун ўндан* *икки ёки уч-ўндан* *икки* каби. Рус
 тамадага каби (*две целых три* *сонных* каби).
 тамадага каби.

Ўзбек тилида қарп сон ва қарпни сон ҳам икки тилда махсус
 тамадага каби (*кўринадикки, қарп сон ва қарпни сон ҳам икки тилда махсус*
 тамадага каби).
 тамадага каби (*кўринадикки, қарп сон ва қарпни сон ҳам икки тилда махсус*
 тамадага каби).
 тамадага каби (*кўринадикки, қарп сон ва қарпни сон ҳам икки тилда махсус*
 тамадага каби).

Ўзбек тилида бундай турланади, ўзбек тилида эса
 тамадага каби. Рус тили билан ўзбек тили сонлари орасидаги энг муҳим
 тамадага каби.

одатда турланмайди (от ҳукмида бўлсагина турланади; жамланган сон соннинг от тури бўлгани сабабли турланади).

Рус тилида сонларнинг турланиши ўта мураккаб: 1) *один* (один билан тугайдиган тузма сонлар ҳам) сифатланмиш от бирликда, сонда, келишикда мослашади: *одна книга, одну книгу* каби; 2) *два, три, четыре* сонидан бошқа сонларга род ва сонда ўзгариш мансуб эмас, улар фақат келишикда турланади холос; 3) *два, три, четыре* сонлари отга именительный ва винительный падежларда боғланган келса, бундай от бирликдаги родительный падежда шаклланиши (ишлатилади) *двух студентов* каби; 4) *пять* ва ундан ортиқ миқдорни ифодалайдиган сонлар (двух, три, четыре сонларига тугайдиган тузма сонлардан ташқари) именительный ва винительный падежда келса, ўзи боғланган отнинг кўпликдаги родительный падежда шаклланишини ташқармай қилади (*пять студентов* каби), бошқа падежларда эса мослашиш воқе бўлади; 5) тузма сон таркибидаги ҳар бир сон турланади: им. п. — *двести двадцать четыре*, род. п. — *от двухсот двадцати четырёх*, дат. п. — *к двумстам двадцати четырёх* каби бошқалар.

Хуллас, сон туркуми ҳар икки тилда саноқли сўزلардан иборат эканига қарамай, грамматик табиати жиҳатидан анча мураккаб бўлиши айниқса рус тили сонларига хос турланиш субпарадигмасини ўзлаштириш анчагина меҳнат талаб этади.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛМОШ ТУРКУМИ

Ўзбек тилшунослигида бу туркум рус тилшунослигига нисбатан кенгроқ номланган: *местоимение — олмош*. Рус тилшунослигида терминнинг мундарижасидан келиб чиқиб ("вместо имён"), "олмош — от, сифат, сон ўрнига ишлатиладиган сўзлар", — деб таърифланади. Ваҳоланки ҳодиса бу уч туркум доирасига сиғмайди. Маълумки, сўроқ синтактик бўлак вазифасида келган ҳар бир сўзга қўйилади, демак, сўроқ олмошлари орасида равиш билан ифодаланган бўлакнинг ҳам сўроғи бор (рус тилшунослигида "олмош равишлар" — "местоименные наречия" — ажратилади ҳам).

Кўринадики, олмош — номловчи туркум сўзларини олмошлаб келадиган сўзлар туркуми. Демак, олмошда номлаш вазифаси йўқ, шундай экан, олмош лексик маъно англатмайди. Олмошнинг маъноси ўта маъхум бўлиб, аниқ бир мундарижага бевосита нутқнинг ўзида эга бўлади.

Олмош туркумига мансуб сўз ўз номига мувофиқ бошқа туркум сўзи ўрнига (алмашиб) келиши керак, лекин бундай туркум олмош туркумига бирлаштириладиган сўзларнинг маъноси бир қисмигагина хос (асли шундай хўсусятли сўзларгина олмош маънода олмош, бошқаларини олмошлар қаторига киритиш мумкин).

Рус тилида олмошларнинг тўққиз тури ажратилади: личные местоимения (кишилик олмошлари), возвратное местоимение (олиш олмоши), указательные местоимения (кўрсатиш олмошлари), притяжательные местоимения (эгаллик олмошлари), определительные местоимения (белгилаш олмошлари), вопросительные местоимения (сўроқ олмошлари), относительные местоимения (нисбий олмошлар), отрицательные местоимения (бўлишсизлик олмошлари), неопределенные местоимения (гумон олмошлари).

Ўзбек тилида рус тилидаги притяжательные местоименияга муқобил лексик-грамматик тур йўқ; ўзбек тилида относительные местоимения тури ҳам ажратилмайди. Бундай алоҳида тур олмошлар асли рус тилида ҳам йўқ; қўшма гап аъзоларини белгилашга хизмат қиладиган нисбий сўзлар вазифасида ёлғиз сўроқ олмоши эмас, балки сўроқ олмоши ва кўрсатиш олмоши биргаликда келади. Демак, агар олмошларнинг алоҳида тури сифатида относительные местоименияни ажратмоқчи бўлсак, бу тур олмош бирликларини *кто...*, *тот...*; *ким...*, *у...* каби икки қисмга қолатда келтиришимиз лозим.

Асли том маънодаги олмошлар — сўроқ олмошлари. Сўроқни асли номловчи туркум сўзларигагина эмас, ҳатто олмошларнинг ўзини қарата ҳам бериш мумкин. Шу сабабли сўроқ олмошлари кенг қамровли: улар орасида от тур олмошлар ҳам, сифат тур олмошлар ҳам, сон тур олмошлар ҳам, равиш тур олмошлар ҳам мавжуд.

Рус тилида олмошлар турланади. Ўзбек тилида эса от тур олмошларига турланади. Олмошлардаги шакл ўзгаришларини ва бошқа белги-хўсусятларни ҳар бир лексик-грамматик тур бўйича кўриб чиқиш зарур.

Кишилик олмошлари. Булар асли кишини англатадиган сўзлар ўрнига ишлатилади, бирлик ва кўпликдаги уч шахсдан биридаги кишини билдиради. Том маънодаги кишилик олмошлари — I, II шахс олмошлари; III шахс олмоши асли кўрсатиш олмошидан ўсиб чиққан: *он, она, оно, они; у, улар*. Шу сабабли бу олмошларни кишилик-кўрсатиш олмошлари деб юритадилар. Аслида бу олмошларни уларнинг келиб чиқишини эмас, балки ҳозирги маъно миқёсини ҳисобга олиб номлаш маъқулроқ. III

шахс олмоши кишинигина эмас, балки нарсани англатадиган сўзларни ҳам алмаштиради; шуни ҳисобга олиб, III шахс олмошини кишилиқ-нарсa олмоши деб номлаган тўғрироқ (бу олмошу у кўрсатиш олмоши билан омоним).

I, II шахс кишилиқ олмошлари рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бошқа-бошқа сўзлар билан ифодаланadi:

я	—	мы	мен	—	биз
ты	—	вы	сен	—	сиз

III шахс олмоши бу жиҳатдан ҳам фарқ қилади:

он-Ø				
он-а		он-и	у-Ø	— улар
он-о				

Рус тилида ва ўзбек тилида булар — бир олмошнинг турли шакллари.

Кўринадики, рус ва ўзбек тиллари орасидаги фарқ III шахсда намoён бўлади: рус тилида бирлик олмошларига род бўйича ўзгариш хос; ўзбек тилида, табиий, бундай хусусият йўқ.

Яна бир фарқ ўзбек тили олмошлари туфайли воқе бўлади. Ўзбек тилида мен олмошигина фақат шу (бирлик) шаклида ишлатилади, бошқа кишилиқ олмошларига эса -лар аффикси қўшиш мумкин; натижада кишилиқ олмошларининг ички тузуми анча мураккаб тус олади:

мен	—	—	—	биз	—	бизлар
сен	—	сенлар	—	сиз	—	сизлар
у	—	—	—	улар	—	—

Кўпчилик адабиётларда кишилиқ олмошлари икки маънони — шахс ва сон маъносини — ифодалаши таъкидланади. Ваҳоланки бу ерда учинчи маъно — модал маъно ҳам ифодаланadi. Шу жиҳатдан ҳам рус ва ўзбек тиллари фарқ қилади: модал маъно ифодалаш ўзбек тили кишилиқ олмошларида жуда авж олган. Рус тилида *мы, вы, они* олмошлари, кўплик учун ишлатилишдан ташқари, бирлик учун ҳам ишлатилади ва бунда модал маъно ифодаланadi: *мы* — "бирлик + камтарлик" ёки "бирлик + мағрурлик"; *вы, они* — "бирлик + сизлаш". Ўзбек тилида ҳам *биз,*

улар олмошлари худди шундай маъноларни ифодалашга мазмун қилади. Ўзбек тилида II шахс бирлик олмоши кўплик аффикси билан ишлатилади: *сенлар*. Бу шаклдаги олмош "кўплик + сизлаш" маъносини ифодалайди. Бундай хусусият рус тили олмошида йўқ.

Ўзбек адабий тилининг оғзаки шаклида *биз, сиз, улар* олмошларини "бирлик + сизлаш" маъноси билан ишлатиш рус тилида *мы, вы, они* олмошларини шундай маънода ишлатишга қараганда жуда кучли. Шу сабабли бўлса керак, ўзбек тилида *биз, сиз* олмошларига -лар қўшиб ишлатиш мавжуд: *бизлар, сизлар* (шу сўз билан кўплик маъносини аниқ ифодалашга эришилади). Бундай хусусият рус тили олмошларида йўқ.

Кишилиқ олмошлари от тур олмошлар бўлгани сабабли ҳар икки тилда турланади. Бу ердаги фарқлардан бири шуки, рус тилида кишилиқ олмошларининг именительный падеж ва бошқа падежлар асоси супплетив (бошқа-бошқа ўзак билан) ифодаланadi: *я — меня, ты — тебя, он, оно — его, она — её, мы — нас, вы — вас, они — их* каби. Ўзбек тилида кишилиқ олмошлари итoна турланиш асосига эга: *мен — менга, сен — сендан* каби.

Рус тилида III шахс олмоши олдида предлог келса, олмош бошланишига н товуши қўшилади: *ему — к нему* каби. Бу ерда н товуши асли талаффуз қулайлиги учун қўшилади. Шунга ўхшаб кетадиган ҳодиса ўзбек тилида ҳам бор: у олмошига жўналиш, чиқиш, ўрин келишларининг аффикси қўшилганида бу олмош *ун-* шаклида бўлади: *унга, ундан* каби. Ўзбек тилшунослигида рус тилшунослигига тақлидан бу ерда ҳам гўё товуш орттириш воқе бўлади деб тушунтириш мавжуд; аслида эса н товуши ўзбек тилида асоснинг ўзиники: *ул → ун-*. Кўринадики, асос таркибидаги л товуши н товушига алмашган холос. Бу товуш асли фақат бош келишиқда қатнашмайди, бошқа барча келишиқларда қатнашади: *ун-инг, ун-и* каби. Лекин ҳозирги тилда бу олмошнинг қаратқич ва тушум келишиги шакллари *ун-нинг, у-ни* тарзида ажратилади.

Ўзбек тилида *мен, сен* олмошларига қаратқич ва тушум келишларининг аффикси қўшилганида қатор келган икки н товушидан бири тушиб қолади (ташланади) деган изоҳ мавжуд: *мен + нинг → менинг, сен + нинг → сенинг* каби. Аслида эса ҳеч қандай товуш тушиши воқе бўлмайди, балки бу ерда қаратқич ва тушум келишларининг аффикси *-инг, -и* шаклида қўшилади (аслида *унинг, уни* олмошларида ҳам шундай: *ун-инг, ун-и*). Хуллас, ўзбек тили кишилиқ олмошларининг турланишида

товуш орттириш ёки товуш ташлаш ҳақида эмас, балки асосан аффикснинг турли шакллари ҳақида гапириш тўғрироқ.

Ўзлик олмоши. Олмошларнинг бу лексик-грамматик тури биргина сўздан иборат деб қаралади. Рус тилида возвратное местоимение деб *себя* олмоши кўрсатилади. Бундан ташқари притяжательные местоимения орасида возвратное притяжательное местоимение деб *свой* сўзи ажратилади. Определительное местоимение деб изоҳланган *сам* олмоши ҳам ўз табиатига кўра *себя*, *свой* олмошларига яқин туради. Кўринадики, ўзлик олмоши рус тилида, ҳарҳолда, битта эмас. Ўзбек тилида ҳақиқатда ўзлик олмоши битта: юқоридаги уч олмошга (*себя*, *свой*, *сам*) ўзбек тилида ўз олмоши тўғри келади.

Себя олмоши род ва сон шаклларида ўзгармайди; турланишида ҳам ўзига хос томон бор: именительный падеж шакли йўқ, шунга кўра доим тўлдирувчи вазифасида келади; шахс ва сон маъносини ўзича ифодаламайди, бу маънолар эга вазифасида келган сўзга қараб белгиланади: *Я (ты, он) не доволен собой. Мы (вы, они) не довольны собой* каби.

Ўзбек тилида *себя* олмошига ўз олмошининг нисбатловчи ва турловчи аффиксини олиб ишлатиладиган шакли тўғри келади. Бунда нисбатловчиларнинг ҳар уч шахс бирлик ва кўплик аффикслари қўшилади, шу аффикслар ёрдамида олмошнинг ўзида шахс-сон маъноси ифодаланади: нисбатловчи ўз олмошига эга вазифасидаги сўздан англашиладиган шахс-сон маъносига мувофиқлашиб қўшилади: *Мен ўзимдан норозиман. Сен ўзингдан норозисан* каби. Худди рус тилида бўлганидек, бу вазифадаги ўз олмоши бош келишикда ишлатилмайди. Рус тилидан фарқ шундаки, бу ерда олмошнинг бош келишик шакли мавжуд, лекин бу шакл бошқа маъно ва вазифага хосланган (буни қуйироқда айтамиз). Бундан ташқари, ўз олмоши бу вазифада қаратқич келишигида ҳам ишлатилмайди (ушбу олмошнинг қаратқич келишиги шакли ҳам бошқа маъно ва вазифага хосланган).

Свой олмоши ҳам, *себя* олмоши каби, ҳар уч шахсга нисбатан ишлатилади, лекин бирлик ва кўплик шакллари бор: *Я люблю (ты любишь) свою родину. Я изложил (Мы изложили) свои мысли весьма откровенно* каби. Кўринадики, *свой* олмоши сифатловчи вазифасида келади, шу сабабли грамматик шакли ва синтактик вазифаси сифатланмишига қараб белгиланади. *Свой* олмошига ўзбек тилида ўз олмошининг қаратувчи вазифасида келиши муқобил: *свою работу — ўз ишимни* каби. Бу вазифада ўз олмоши кўпинча қаратқич келишиги аффикси яширилган ҳолда ишлатилади (келишик аффикси қатнашмаса, ундан олдин

ишлатилган нисбатловчи ҳам қатнашмайди). Ўрни билан ўз олмоши ўзимнинг каби шаклда ҳам келади: *Сен аввал ўзингнинг иродангни тарбияла, кейин бошқалардан талаб қил* каби. Кўринадики, *сен ўзингнинг иродангни* каби синтактик қурилмада ўз олмошига нисбатловчи (шахс-сон маъносини ифодалайдиган аффикс) эгага (*сен*) ва қаралмишга (*иродангни*) қараб қўшилади ва билан шахс-сонда мувофиқлашув, қаралмиш билан эса мувофиқлашув воқе бўлади).

Сам олмоши рус тилшўнослигида определительное местоимение деб келтирилса ҳам, ўз табиатига кўра *себя* олмошига яқин туради. Сам олмоши асли таъкид маъносини ифодалашга хизмат қилади: *я (ты, он) сам, она сама; мы (вы, они) сами; меня (тебя, его) самого, нас (вас, их) самих* каби. Кўринадики, *сам* олмоши шахслар бўйича бетараф, келишиги (III шахсда роди ҳам) ўзи боғланган сўзнинг келишигига (родига) мослашиб туради.

Ўзбек тилида *сам* олмошига ҳам ўз олмоши муқобил: именительный падеждаги *я сам* каби боғланмага ўзбек тилида *мен ўзим* каби боғланма тўғри келади. Рус тилида бундай боғланманинг аъзолари сонда мувофиқлашади, келишикда мослашади, шахс жиҳатидан эса *сам* олмоши бетараф; ўзбек тилида нисбатловчи туфайли шахс-сонда мувофиқлашув содир бўлади. Ўзбекча боғланма келишик жиҳатидан ўзгача тузилиши бошқа келишикларда очиқ кўринади: *меня самого — менинг ўзимни* каби. Рус тилида бундай боғланманинг аъзолари айна сон ва келишикда бўлади, айна бир синтактик вазифада келади. Ўзбек тилида эса бундай боғланманинг аъзолари қаратувчи-қаралмиш муносабатида бўлади, келишик аффикси бундай боғланмага яхлитлигича қўшилади ва шунга мувофиқ ҳолда синтактик вазифа белгиланади: (*менинг ўзим*)ни каби. Асли *мен ўзим* кўринишли боғланма ҳам шундай тузилишли (*менинг ўзим*), лекин ҳозирги нутқда бундай боғланманинг биринчи аъзоси қаратқич келишиги аффиксини олмаган ҳолда ишлатилади, шу сабабли бу сўзнинг шакли бош келишик шаклига тенг қолади.

Юқоридаги чоғштиришлардан аён бўладики, рус тилида олмошларнинг уч лексик-грамматик турига мансуб деб талқин қилинадиган *себя*, *свой*, *сам* сўзларига ўзбек тилида ўз сўзининг турли синтактик боғланишлардаги ҳар хил шаклланиши тўғри келади.

Кўрсатиш олмошлари. Булар — ҳар икки тилда сифат тур олмошлар. Фарқ шуки, рус тилида кўрсатиш олмошлари сифатлар каби турланади, кўпчилик кўрсатиш олмошларига бирлик ва

кўплик шакллари ҳам хос, лекин *столько* кўрсатиш олмоши именительный падежда сифатланмиши билан сон жиҳатдан мослашмайди. Ўзбек тилида эса кўрсатиш олмошлари (сифатлар каби) ўзгармайди, сифатловчи вазифасида келади. Рус тилида кўрсатиш олмошлари бошқа сўзга мослашув йўли билан боғланади, ўзбек тилида битишув йўли билан боғланади.

Жузъий фарқлардан бири шуки, рус тилида *оба* (оба) кўрсатиш олмоши мавжуд (аслида бу сўз олмошдан кўра сонга яқин). Бундан қатъи назар, ўзбек тилида *оба* (оба) сўзнинг муқобил йўқ.

Рус тилида *этот* (*эта*)—*тот* (*та*) олмошлари кўрсатиш лаётган предмет яқин ёки узоқроқ жойда эканига қараб таълаб ишлатилади; ўзбек тилида бу русча олмошларга *бу*—*у* олмошлари тўғри келади. Бундан ташқари, ўзбек тилида *шу*—*ўша* олмошлари ҳам бор. *Бу* ва *шу* олмошлари орасидаги фарқ сезиларсизилмас, лекин биринчи марта кўрсатишда *бу*, такроран кўрсатишда *шу* ишлатилади. *У* билан *ўша* орасидаги фарқ ўзгача *ўша* олмоши эслатиш билан кўрсатади. Хуллас, ўзбек тилида кўрсатиш олмошларининг айримлари рус тилидаги муқобилларини қараганда мураккаброқ маъно муносабати ҳосил этади.

Белгилаш олмошлари рус тилида определительные местоимения деб номланган. Рус тилидаги *сам* олмоши ва унинг ўзбекча муқобили ҳақида юқорида гапирдик. Рус тилидаги *самый* сўзи ҳам белгилаш олмошлари қаторида келтирилади, лекин бу сўзнинг асосий хизмати кучайтириш маъносини ифодалаш бўлиб, сифатларнинг орттирма даражасини ясайди (шакл ясовчи бўлиб хизмат қилади): *самый смелый* каби (ўзбек тилида *самый* сўзини *энг* кучайтирувчи сўзи тўғри келади: *энг жасоратли* каби).

Асосий белгилаш олмошлари деб рус тилида *каждый*, *иной*, *всякий*, *весь* (*все*) кабиларни, ўзбек тилида *ҳар бир*, *ҳар қандай*, *ҳар қайси*, *ҳамма*, *барча* кабиларни кўрсатиш керак. Бу олмошлар рус тилида ўзгарувчи, ўзбек тилида эса ўзгармас экани билан фарқ қилади. Лекин ўзбек тилида *ҳамма*, *барча* каби олмошлар нисбатловчи ва турловчи олиб ҳам ишлатилади: *ҳаммамизга*, *барчага* каби.

Рус ва ўзбек тилларида белгилаш олмошлари тузилиши жиҳатидан ҳам қисман фарқ қилади: русча олмошлар содда сўзга тенг; ўзбек тилидаги баъзи олмошлар икки сўздек ёзилади-ю, аслида қўшма сўзга тенг: *ҳар қандай* каби. Бу ерда белгилаш олмоши ҳосил этувчи бўлиб *ҳар* сўзи хизмат қилади (бу сўз ёлғиз ўзи ҳам белгилаш олмоши бўлиб кела олади: *ҳар баҳорда* каби).

Сўроқ олмошлари. Бу олмошларнинг юқорида баён қилинган олмош турларидан фарқи шуки, ҳар тўрт туркум (от, сифат, сон, равиш) олмошлари бор. Сўроқ олмошларининг асосий маъноси — сўроқ ифодалаш, асосий синтактик вазифаси — сўроқ гап таркибида ишлатилиш (қўшма гап аъзоларини боғлашда нисбий сўз бўлиб келиши — иккиламчи вазифа).

Кто, что от сўроқ олмошлари жонли ва жонсиз предметларга хосланган; ўзбекча *ким, нима* от сўроқ олмошлари эса киши ва нарсага хосланган. Рус тилида *кто, что* олмошлари род ва сон шаклларига эга эмас; бу олмошлар ўзига хос тугалланмалар олиб турланади: им.п.—*кто, что*, р. п. *к-ого, ч-его*, д.п. *к-ому, ч-ему*, в. п. *к-ого, что*, т. п. *к-ем, ч-ем*, п. п. (*о*) *к-ом, (о) ч-ем*.

Ўзбек тилида *ким, нима* олмошлари кўплик шаклида ҳам ишлатилади: *кимлар, нималар*; баъзан нисбатловчи билан ҳам ишлатилади: *Бу киши киминг бўлади? Ейишга ниманг бор?* каби; турланиши эса отларнинг турланишидан фарқ қилмайди.

Какой, который, чей сифат сўроқ олмошлари сифатловчи вазифасида келиб, сифатланмиш от билан мослашади: *какая китига?, в какой город?* каби; ўзбек тилида эса бундай олмошлар сифатланмишига битишув йўли билан боғланади: *қандай китоб?*, *қайси шаҳарга?* каби. Жузъий фарқ шуки, ўзбек тилида русча *чей* олмошига муқобил олмош йўқ (*чей* олмошининг маъноси ўзбек тилида *ким, нима* олмошларининг қаратқич келишиги шакли билдан ифодаланади: *чей ребёнок?*—*кимнинг боласи?* каби).

Сколько сўроқ олмоши именительный ва винительный падежда келганида ўзи боғланган сўзнинг родительный падежда бўлишини талаб қилади, бошқа келишикларда одатдаги мослашув воқе бўлади: *сколько студентов?*, *сколько им студентам?* каби. Ўзбек тилида бу русча олмошга *қанча, неча* олмошлари муқобил бўлиб сифатланмишига битишув йўли билан боғланади, бунда сифатланмиш от бирликда ишлатилади.

Бўлишсизлик олмошлари ҳар икки тилда сўроқ олмошлари асосида ҳосил қилинган: рус тилида сўроқ олмошларига *ни, не* инкор юкламаларини қўшиш билан юзага келган (қўшиб ёзилишини ҳисобга олиб *ни-*, *не-* приставка деб ҳам юритилади): *никто, ничто, никакой, ничей, нечего, некого*.

Ўзбек тилида эса бўлишсизлик олмошлари сўроқ олмошларига ҳеч инкор сўзини бириктириш билан ҳосил қилинган: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қачон, ҳеч қандай* каби.

Фарқлардан бири шуки, ўзбек тилида русча *чей* сўроқ олмошига муқобил йўқ бўлганидек, русча *ничей* бўлишсизлик олмошига ҳам муқобил йўқ. Ўзбек тилида русча *некого, нечто* бўлишсизлик олмошларига ҳам муқобил йўқ.

Рус тилида бўлишсизлик олмоши предлог билан келса, олмош таркибидаги инкор юкламаси ва сўроқ олмоши айрим ёзилганда чунки предлог шулар орасида келади: *ничем — ни с чем каби* (бундай ҳодиса *ничто* каби олмошлар таркибидаги *ни* қисмига юклама деб қараш тўғри эканини тасдиқлайди).

Гумон олмошлари. Олмошларнинг бу тури ҳам ҳар икки тилда сўроқ олмошлари асосида ҳосил қилинган. Рус тилида булар сўроқ олмошлари олдидан *не-, кое-* приставкаларини ёки кетидан *-то, -либо, -нибудь* постфиксларини қўшиб ҳосил қилинган (булар частица деб ҳам юритилади): *некто, нечто, некоторые, несколько, некий; кое-кто, кое-что; кто-то, чей-то, кто-либо, что-нибудь* каби.

Ўзбек тилида гумон олмошлари сўроқ олмоши олдидан *алла-* морфемасини ёки кетидан *-дир* юкламасини қўшиб ҳосил қилинган: *аллаким, кимдир* каби.

Рус тилида гумон олмошлари таркибидаги *не-* приставкаси бевосита қўшиб, бошқа приставка ва постфикслар эса дефис орқали қўшиб ёзилади; ўзбек тилида эса *алла-* морфемаси ҳам *-дир* юкламаси ҳам сўроқ олмошига бевосита қўшиб ёзилади.

Гумон олмошлари рус тилида асосан турланади. Лекин *некто* олмоши фақат *именительный падеж* шаклида, *нечто* олмоши эса *именительный* ва *винительный падеж* шаклида ишлатилади.

Русча постфиксли гумон олмошлари турланганда уларнинг сўроқ олмошига тенг қисми ўзгаради: *кто-то, кого-то, что-нибудь, чему-нибудь* каби.

Ўзбек тилида ҳам гумон олмошларининг *-дир* қўшиб ҳосил қилинган турида келишик кўрсаткичи (сон кўрсаткичи ҳам) сўроқ олмошига тенг қисмига қўшилади: *кимдир, кимгадир, кимларгадир* каби. Бу ҳодиса *-дир* ўз юкламалик табиатини сақлаганидан далолат беради (шу асосда асли *-дир* ёрдамида ҳосил қилинган гумон олмошларининг қисмларини дефис орқали қўшиб ёзиш тўғри бўлади: *ким-дир, кимга-дир* каби).

Хуллас, олмош туркумига мансуб сўзлар миқдоран у қадар кўп бўлмаса ҳам, табиати жиҳатидан жуда ранг-баранг. Шу сабабли рус ва ўзбек тилларида олмошлар, айрим ўхшаш томонларидан ташқари, турлича белги-хусусиятлари билан фарқланиб туради.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛ ТУРКУМИ

Феъл — ҳар икки тилда грамматик категорияларга энг бой, синтаксик табиати энг мураккаб туркум. Феъл туркумига мансуб феъллар жараённи билдиради. Жараён деганда турли ҳодисалар билдирилади: ҳаракат (*бегать, югурмоқ каби*), ҳолат (*радоваться, югурмоқ каби*), маълум бир белгининг ўзгариши (*стареть, югурмоқ, светлеть, оқармоқ каби*), ўйлаш-сезиш (*понимать, югурмоқ, слышать, эшитмоқ каби*), ҳиссий муносабат (*любить, севмоқ, уважать, ҳурмат қилмоқ каби*) ва бошқалар.

Рус тилида феълга вид, залог (даража), шахс, сон, род, замон, синтаксик категориялари мансуб бўлиб, булар феълларнинг турли шаклларида турлича намоён бўлади. Ўзбек тилида феълга даража, бўлишли-бўлишсизлик (мавжудлик), майл, замон, шахс синтаксик категориялари мансуб бўлиб, булар феълнинг турли шаклларида турлича намоён бўлади.

Санашдан маълум бўладики, рус тилида бўлишли-бўлишсизлик синтаксик категория сифатида ажратилмайди, чунки бўлишсизлик намоёни *не* инкор юкламаси билан гўё сўзшаклдан ташқарида саналанади деб қаралади: *работает — не работает* каби. Ўзбек тилида эса феълнинг бўлишсизлиги асосан *-ма* аффикси билан саналанади, шунга кўра грамматик категория ҳисобланади: *ишлади — ишламади* каби. Ўзбек тилида бўлишлиликнинг ноль шаклидаги шакли бўлишсизликнинг *-ма* аффикси билан ясалган шакли билан ўзаро зидланиш ҳосил қилади, ҳар икки шакл бир тузумга бирлашиб, грамматик категорияни юзага келтиради.

Ҳар икки тилда феълларга ўтимли-ўтимсизлик хос. Шу асосда русча ўзига турли тўлдирувчиларни боғлай олади. Бундан ташқари, ҳол бўлак ҳам одатда феълга боғланади. Кесим вазирида келган феъл эса эгага боғланади.

Рус тилшунослигида феълларнинг ноаниқ шакли (инфинитив) ва тусланган шакли ажратилади (*работать — работаю* каби); сифатдош ва равишдош айрим адабиётларда феълнинг функционал шакли деб, айрим адабиётларда эса булар мустақил туркумлар деб талқин қилинади. Ўзбек тилшунослигида феълларнинг тўрт шакли ажратилади: тусланувчи шакл, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи.

Юқориди саналган ҳодисаларни ўзаро чоғиштиришдан олдин ҳар муҳим тафовутни таъкидлаш лозим. Ўзбек тили феълларида шакл ҳосил қилиш асоси ягона, барча шакл ҳосил қилувчиларнинг кетини шу асосга қўшилади. Рус тили феълларида эса

одатда икки асос мавжуд бўлади: ўтган замон шакли асосдан, ҳозирги замон шакли эса бошқа асосдан ҳосил қилинади. *делать: дела-л, дела-й-у* каби.

Рус тилида бу асосларнинг биринчи тури инфинитив деб (шунингдек ўтган замон асоси деб ҳам), иккинчи тури ҳозирги замон асоси деб юритилади. Ҳозирги замон инфинитив асосига нисбатан иккиламчи, ҳосила асос ҳисобланади. *читать: чита-л, чита-й-у; пить: пе-л, по-й-у* каби. Бу ерда асос ҳосил қилувчи форматив бўлиб келади. *Крича-л*, *кричи* кабиларда эса ҳозирги замон асоси *а* унлисини ташлаш билан ҳосил қилинади. Ҳар икки асос шаклан тенг келиб қолганда ҳозирги замон асоси ҳосила асос деб қаралади: *везти: вези-л, вези-у* каби.

Кўринадики, рус ва ўзбек тилларида феълларнинг шакл қилиш асослари кескин фарқ қилади. Бу ҳодиса рус тилида мураккаб бўлиб, алоҳида эътибор билан ёндашишни талаб қилади.

РУС ТИЛИДА ИНФИНИТИВ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲАРАКАТ НОМИ

Рус тилида феълнинг махсус инфинитив шакли мавжуд бўлиб, бу шакл асосан *-ть* суффикси билан (*говори-ть* каби), қишлоқ *-ти* суффикси билан (*рас-ти* каби), баъзан *-чь* суффикси билан (*бере-чь* каби) ҳосил қилинади. Инфинитивни феълнинг ноаниқ шакли (неопределенная форма) деб ҳам юритадилар, феълликнинг кўпчилик грамматик категориялари бу шаклда ҳали намойиш бўлмайди. Феълнинг турли шакллари, ҳатто ҳозирги замон асоси ҳам, шу ноаниқ шакл асосидан ҳосил қилинади.

Инфинитив рус тилида феълларни лугатга киритиш шакли сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, инфинитивдан қатъийан буйруқ, ман этиш маъносини ифодалашда фойдаланилади. *Встать! Молчать* каби. Инфинитив *бы* юкламаси билан ишлатилиб, *сослагательное* наклонение маъносини ифодалайди: *Ехать бы нам* каби. Инфинитив *надо, нужно, можно, нельзя, необходимо* каби модал маъноли предикатив сўзлар билан ишлатилиб, шахсиз гапнинг бош бўлаги таркибиде қатнашади: *Нам необходимо много читать* каби. Энг муҳими, инфинитив келасанга замоннинг аналитик (мураккаб) шаклини ҳосил қилишда иштирок этади: *буду работать* каби. Кўринадики, инфинитив феълнинг лугатга киритиш шаклигина бўлмай, бошқа бир неча вазифалар ҳам бажаради. Барча ҳолларда инфинитив ҳеч қандай форматив бўлмайди, демак, ўзгармайдиган феъл шакли ҳисобланади.

Ўзбек тилида асли рус тилидаги инфинитивга тенг келадиган шакл йўқ. Феълни лугатга киритиш шакли сифатида *-моқ* асоси билан ҳосил қилинадиган шаклдан фойдаланамиз (*қилмоқ* тилида, масалан, *-в* аффикси билан ҳосил қилинадиган шаклдан фойдаланилади). Асли *-моқ* аффикси — ҳаракат номининг ясовчи уч аффиксдан (*-моқ, -ш, -в*) бири. Бу аффикслар феълнинг субстантив (от) шаклини (одатда от лексема билан қаралган вазифага мосланган шаклни) ҳосил қилади. Шу билан ўзбек тилида ҳаракат номи, рус тилидан фарқли ҳолда, қилувчи шакл бўлиб, унга нисбатловчи ва турловчи қўшилади: *қилганимиз, келишимиз, келувимиз лозим* каби.

Ҳозирги ўзбек нутқида энг кўп *-ш* аффикси билан ҳосил қилинадиган шакл, энг оз *-моқ* аффикси билан ҳосил қилинадиган шакл ишлатилади. Феълни лугатга киритиш шакли сифатида *-моқ* аффиксининг танланиш сабабларидан бири — унинг нутқда оз ишлатилиши. Бошқа баъзи хусусиятлари ҳам рус тилидаги инфинитивга ҳаракат номининг *-моқ* шакли яқин туришини кўрсатади: айрим шакл ясовчи мураккаб аффикслар шу *-моқ* аффикси иштирокида юзага келган: *-моқда* — аниқ ҳозирги замон асоси феъли шаклини ҳосил қилувчи аффикс, *-моқчи* — истак билан шаклини ҳосил қилувчи аффикс (кўпчилик манбаларда бу аффикс келаси замон мақсад шаклини ҳосил этиши таъкидланади).

Кўринадики, рус тилидаги инфинитив ва ўзбек тилидаги ҳаракат номи ўзаро кескин фарқ қилади. Булардан ҳар бири ўз тилига хос ҳодисалар; ўзбек тилида инфинитив шаклини ажратиш учун ҳеч қандай асос йўқ.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ВИД ҲАМДА ҲАРАКАТНИНГ УСУЛИ

Рус тилида вид энг кенг қамровли грамматик категория бўлиб, ҳар бир феъл шакли вид маъносини ифодалаб туради. Вид ва замон маъноси ўзаро боғлиқ, шунга кўра вид категориясининг замон категориясига таъсири катта. Замон шакллари тузуми феълнинг видига қараб турлича бўлади: совершенный виддаги феълнинг ҳозирги замон шакли йўқ, келаси замон шакли эса видда (синтетик) ифодаланади: *прид-у* каби; несовершенный виддаги феълнинг ҳозирги замон шакли бор: *прихож-у* каби; келаси замон шакли эса мураккаб ифодаланади: *буду приходит* каби. Вид сифатдошнинг замон шакллари ясалишига ҳам таъсир қилади: совершенный виддаги феълдан сифатдошнинг ҳозирги замон шак-

ли ҳосил қилинмайди: читающий, читаемый, читавший, фақат прочитавший.

Вид ҳаракатнинг маълум бир замонда ўз интиҳосига етмаганини, яқунланган-яқунланмаганини ифодалайди (булар кўра асли совершенный, несовершенный терминларига қараганда совершенный, незавершенный терминлари ҳодисани аниқроқ билан бўлар эди).

Вид рус тилида жуда мураккаб ифода воситаларига 1) суффиксал ифода: выбросить — выбрасывать каби; 2) суффиксал ифода: варить — сварить каби; 3) префиксал-суффиксал ифода: сажать — посадить каби; 4) супплетив ифода: брать — взять каби. Вид категориясида асосий ўринни аффиксал ифода эгаллайди.

Баъзи тилшунослар ўзбек тилида вид бор деса, кўпчилик олимлар вид йўқ дейди. Ҳақиқатда, ўзбек тилида феъл асоси ҳаракатнинг бирор замондаги интиҳосини ифодалаш жиҳатдан бетараф. Шунга кўра ҳар бир феъл лексемадан замон категориясининг барча шакллари ҳосил қилинаверади.

Кейинги вақтларда рус тилшунослигида вид категориясида ҳаракатнинг усули (способ действия) ҳодисаси ажратилди (бу ҳодисани ҳаракатнинг оқими деб номлаш ҳам мумкин). Рус тилида феълларида, вид маъносидан ташқари, одатда ҳаракатнинг миқдорий ва даврий белги-хусусияти ҳам ифодаланadi: запеть, побужать (начинательный СД), прореветь (длительно-ограничительный СД), отговорить (финитный СД), приговаривать (сопротивительный СД) ва бошқалар. Кўринадики, ҳаракатнинг усули маъноси рус тилида асосан префикс ёрдамида ифодаланadi.

Вид феълнинг барча шакллари мансуб бўлади, ҳаракатнинг усули эса барча феълларни қамраб олмайди, бундай маъно тўғрисида феълларда ифодаланмайди.

Ўзбек тилидан вид категориясини қидирувчи тилшунослар бундай ҳодиса деб қувмоқ — қувламоқ, туртмоқ — турткиламоқ, кулмоқ — кулумсирамоқ, оқармоқ — оқаришмоқ каби аффиксал ясалишларни, туртмоқ — туртиб юбормоқ, оқармоқ — оқариб қолмоқ каби ёрдамчи феъл ишлатишларни келтирар эди. Ҳозир равшан бўлишича, бу ерда вид эмас, балки ҳаракатнинг усули ифодаланadi. Юқоридаги мисолларда келтирилган суффикслар ҳаракат усулининг миқдорий белгисини ифодалайди. Ўзбек тилидаги йигирматача ёрдамчи феъл эса асосан ҳаракат усулининг даврий ва бошқача белгисини ифодалайди.

Ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти шуки, айна бир феълда юқоридаги ҳар икки ифода ўз аксини топиши мумкин: турткилаб

кулумсираб қўймоқ, қувлаб кетмоқ, оқаришиб қолмоқ. Ўзбек тилининг ўзига хос яна бир хусусияти шуки, бир лексемага айна вақтда икки, ҳатто уч ёрдамчи феъл қўшиб ишлатилади: айтиб бериб турмоқ, айтиб бериб қўя қолмоқ ва бундай. Бунда ҳаракатнинг усули айна вақтда бир неча жиҳатдан ифодаланadi.

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ЎТИМЛИ-ЎТИМСИЗЛИК

Феъллар ўтимли ёки ўтимсиз деб иккига гуруҳланadi. Тўғрисида ўтимлилик ёки ўтимсизликнинг махсус кўрсаткичи бўлиши шу сабабли ўтимли-ўтимсизлик семантик ҳодиса деб қаралмайди, лекин, айна вақтда ўтимлилик синтактик ҳодиса экани тан олинadi ҳам. Шунга кўра ўтимли-ўтимсизликни асли семантик-синтактик ҳодиса деб баҳолаш тўғри.

Ўтимли-ўтимсизлик ҳаракат билан шу ҳаракат ўтадиган объект (объект) орасидаги муносабат асосида белгиланadi: ҳаракат объектга ўтса, бундай феъл ўтимли ҳисобланadi, ўтмаса, ўтимсиз ҳисобланadi. Ҳаракат ўтган объектни англатадиган сўзшакл тузилиши келишигида шаклланиб, воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаради: выпить молоко, суп[ни] ичмоқ каби.

Воситасиз тўлдирувчи одатда тушум келишигидаги сўзшакл билан ифодаланadi. Лекин баъзан бошқа келишикда ҳам бўлади. Рус тилида ҳаракат объектга қисман ўтганлиги ифодаланса, воситасиз тўлдирувчи винительный падеж ўрнига родительный падежда шаклланади: выпить молока каби. Шундай маъно ўзбек тилида тушум келишиги ўрнига чиқиш келишиги билан ифодаланadi: супдан ичмоқ каби. Демак, "қисман" маъносини ифодалаганда рус ва ўзбек тиллари бошқа-бошқа келишикдан фойдаланadi. Рус тилининг ўзига хос яна бир хусусияти шуки, инкор оқламаси қатнашган феълдан кейин ҳам воситасиз тўлдирувчи винительный падежда шаклланади: не пил молока каби. Ўзбек тилида феълнинг бўлишсиз шакли воситасиз тўлдирувчининг келишигига таъсир қилмайди: сутни ичмоқ, сутни ичмаслик каби.

Ясама феълларда ўтимли-ўтимсизликни кўпинча лексема ясовчи аффикс кўрсатиб туради. Ўзбек тилида феъл ясовчи аффиксларнинг кўпи ўтимсиз феъл ясайди: оқ-ар(моқ), кўп-ай(моқ), кўп-сира(моқ), кеч-ик(моқ), ялт-ира(моқ), тинч-и(моқ) каби. Баъзи лексема ясовчилар яшаш асосининг маъносига боғлиқ ҳолда ўтимли феъл ҳам, ўтимсиз феъл ҳам ясайди: тиш-ла(моқ) — ўтимли, дукур-ла(моқ) — ўтимсиз; сон-а → сана(моқ) — ўтимли, қон-а(моқ) — ўтимсиз каби.

Рус тилида ҳам лексема ясовчи аффикс ўтимсиз феъл ясаши мумкин. Биргина ҳолатда ясовчилар ўтимли ёки ўтимсиз феъл ясаши жиҳатидан зидланиш ҳосил қилади: *-е* аффикси ўтимсиз феъл ясайди: *бел-е(ть)* каби; *-и* аффикси эса ўтимли феъл ясайди: *бел-и(ть)* каби. Демак, бу ерда лексема ясовчилар ўтимсизликка кўра зидланиш ҳосил этади; лекин буни грамматик шакллар зидланиши деб бўлмайди.

Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, ўтимсиз феъл ўтимли феълга айлантирадиган шакл ясаши мавжуд: *юрт-юртчи* (ким ёки нима) — *юрғизмоқ* (ким нимани), *ёнмоқ* (нимани) — *ёндириш* (ким нимани), *ёндирмоқ* (ким нимани) каби. Ўзбек тилшунослигида орттирма даража (орттирма нисбат) деб юритиладиган бу шакл ясалганда ўтимсиз феълдан ташқари, ўтимли феълда ҳам воқе бўлади. Ўзимизнинг ўзимизнинг ўтимли феълни яна ўтимлилаштиради: *ёзмоқ* (ким нимани) — *ёздирмоқ* (ким ким орқали нимани кимга) каби.

Орттирма ясовчиси ўтимсиз феълга қўшилганда ташқари бажарувчи келади, мавжуд бажарувчи (эга) объектга (воситали) тўлдирувчига) ўтади:

<i>тўхтамоқ</i>		ким ёки нима
		↓
<i>тўхтатмоқ</i>	ким	кимни ёки нимани
	↑	

Орттирма ясовчиси ўтимли феълга қўшилганда эса ташқари бажарувчи келади, мавжуд бажарувчи (эга) эса объектга (воситали тўлдирувчига) ўтади; воситасиз тўлдирувчи эса одатда ўзича сақланади:

<i>ичмоқ</i>		ким	нимани
		↓	↓
<i>ичирмоқ</i>	ким	кимга	нимани
	↑		

Бу ҳодисага мазмунан рус тилидаги *пить* — *поить* муносабати ўхшайди:

<i>пить</i>		кто	что (в. п.)
		↓	↓
<i>поить</i>	кто	кого	чем
	↑		

Бундай зидланиш рус тилида жуда оз учрайди. *Поить* каби феъллар рус тилшунослигида каузативные глаголы деб юритилади. Бу тилидаги орттирмани ҳам каузатив деб номлаш мавжуд, лекин бу ном орттирманинг ўтимли феъллардан ясашига мос келмайди.

Ўзбек тилида орттирма ясовчиси бир феълга бирин-кетин қўшилиши мумкин:

<i>тўхта-т-тир(моқ)</i>	ким кимга нимани
<i>ич-ир-тир(моқ)</i>	ким ким орқали кимга нимани

Қуллас, орттирма ясаши туфайли ўзбек тилида барча ўтимсиз феъллар ўтимли феълга айланади. Бундай ҳодиса рус тилида йўқ. Ўтимлиликнинг ўзбек тилида бундай аффиксал қўшилганини ҳисобга олсак, бу ҳодисани бемалол грамматик ҳодиса деб қараш мумкин.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЗАЛОГ (ДАРАЖА)

Залог категориясининг ўзбекча номи (*даража, нисбат*) маъбудлик (мен *ҳаратма* терминини тавсия қилдим, лекин у расман қабул қилинмаган, шу сабабли *даража* терминидан фойдаланамиз).

Феълларда даража категорияси ҳаракатнинг субъект ва объект муносабатини билдиради дейилади. Асли бу ерда ҳар қандай объект эмас, балки ҳаракат ўтадиган объектгина назарда тутилади (шундай объект синтактик сатҳда воситасиз тўлдирувчига тенг бўлади). Демак, даража категорияси бажарувчи билан ҳаракат ўтадиган объект асосида белгиланар экан, унда даражаланиш ҳаракат ўтимли феълларга хос хусусият бўлиб чиқади. Даражаланиш бажарувчи билан ҳаракат ўтадиган объект орасидаги муносабатга таъсир этади, шу муносабатда ўзгариш воқе бўлади:

- 1) *Занятие проводит преподаватель.*
- 2) *Занятие проводится преподавателем.*
- 1) *Машғулотни ўқитувчи ўтказди.*
- 2) *Машғулот ўқитувчи томонидан ўтказилди.*

Биринчи гапда бажарувчинини англатадиган сўзшакл бош келишида бўлиб, эга вазифасида келган, ҳаракат ўтадиган объектни англатадиган сўзшакл эса тушум келишигида бўлиб, воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаради. Иккинчи гапда эса биринчи гапга нисбатан қуйидаги ўзгаришлар содир бўлади: воситасиз

Ўзбек тилида "биргалик" маъноси махсус шакл ясовчи аффиксининг ўзаро бир-бирига қаратилган ҳаракати содир бўлади. Биргалик даража деб номланган бундай шакл ҳам, худди мажҳул даражада бўлганидек, ўтимли феълдан ясаллади, натижада ўтимли феъл ўтимсизлашади: *қучоқла-моқ* (ким кимни) — *қучоқла-ш-моқ* (кимлар ўзаро) каби.

Ўзбек тили баён қилинган манбаларда биргалик даражанин маъноси деб "қўмаклашиш" маъноси ҳам келтирилади (*юв-иш-моқ*, *экинни чоп-иш-моқ* каби). Асли бу ясалиши ҳаракатни бажарувчи ортади ва у тенг бажарувчи эмас, балки қўмаклашадиган бажарувчи бўлади, ҳаракатни қисман бажарувчи

<i>кир ювмоқ</i>		ким	нимани
		↓	↓
<i>кир ювишмоқ</i>	ким	кимга	нимани
	↑		

Кўринадики, бу ерда орттирма ясалишида бўладиган ўзгариш юзага келади, демак, бундай маънони биргалик даражанин маъноси дейиш мақбул эмас.

Ўзбек тилида *-(и)ш* аффиксининг яна бир ишлатилиш ҳолати бор: *бор-иш-ди*, *ухла-ш-ди*, *мақтан-иш-ди*, *тушунтир-иш-ди*, *муштлаш-иш-ди* каби. Мисоллардан кўринадики, бу ердаги *-(и)ш* аффикси, биринчидан, барча даража ясовчиларидан кейин (демак, ўтимли феълга ҳам, ўтимсизлашган феълга ҳам, ҳатто ўтимсиз феълга ҳам) қўшилаверади, ваҳоланки даража ясовчиси фақат ўтимли ёки ўтимлилашган феълга қўшилади; иккинчидан, бундай *-(и)ш* аффикси фақат III шахсда қатнашади, I, II шахсларда қатнашмайди: *ухлашдим*, *ухлашдинг* каби ишлатилмайди; даража ясовчиси эса ҳар уч шахсда бирдек қатнашади: *қучоқлашдим*, *қучоқлашдинг* каби; учинчидан, бундай *-(и)ш* аффикси соф кўплик маъносини ифодалаб, *-лар* аффиксига синоним бўлиб келади: *ухлашди* = *ухладилар* каби; тўртинчидан, бундай *-(и)ш* аффикси, *-лар* аффикси сингари кўпинча модал маънони ("сизлаш" маъносини) ифодалашга хизмат қилади. Айтилганлар асосида бундай *-(и)ш* аффиксини даража ясовчиси деб эмас, балки шахс-сон категориясининг III шахс кўплик кўрсаткичи деб қараш тўғри.

Бир қанча ясама феъллар, худди *-лан* аффиксида бўлганидек, *-лаш* мураккаб аффикси билан ясаллади: ана шундай ясама феълларда кўпинча "биргалик" маъноси эмас, "ўз-ўзича" маъноси

ифодаланади: *ялқов-лаш-моқ*, *хароб-лаш-моқ*, *мураккаб-лаш-моқ*, *қичка-лаш-моқ*, *бегона-лаш-моқ* каби. Мисоллардан кўринадики, бундай маъно ифодалайдиган ясама феъл сифатдан ясаллади. Бу мураккаб аффикс от лексемадан феъл ясаганида кўпинча "биргалик" маъноси ифодаланади: *мусобақа-лаш-моқ*, *ваъда-лаш-моқ* каби. Ҳар икки маъно ("ўз-ўзича", "биргалик") бу мураккаб аффикс таркибидаги *-ш* қисми туфайли ифодаланади (*-ш* аффиксининг "ўз-ўзича" маъносини ифодалаши уни худди шундай маънони ифодалайдиган *-н* аффиксига тенглаштириш имконини беради). Мураккаб *-лаш* аффикси таркибидаги *-ш* қисмини даража ясовчиси деб ажратиб бўлмайди, лекин у одатда *-ш* даража ясовчиси ифодалайдиган маънони билдириб туради. Бундай ясама феъл ўтимсиз бўлади, демак, ундан мажҳул даража ясалмайди, шунга кўра бундай ясама феълни аниқ даражада дейиш мумкин эмас.

Рус тилида *-ся* постфикси баъзан ўтимсиз феълга ҳам қўшилади, лекин бунда даража ясалиши воқе бўлмайди, балки бундай феълнинг ўтимсизлиги янада таъкидланади ёки шахсиз феъл (безличный глагол) ҳосил бўлади: *стучать* — *стучаться* (в дверь); *здесь хорошо спится* каби.

Ўзбек тилида ҳам мажҳул даража ясовчиси ўтимсиз феълга (шунингдек ўтимсизлашган феълга ҳам) қўшилади: *Ишга соат саккизда борилади*. Аввал *қучоқлашилади*, кейин *қўл қисиб кўришилади* каби. Бундай ясалишларда даража маъноси эмас, балки "шахсизлик" маъноси ифодаланади. "Шахсизлик" маъносини ўрни билан мажҳул даражадаги феъл ҳам ифодалаб келади: *Бирор асар аввал танишиб чиқиш учун ўқилади*, кейин *қайтадан синчиклаб ўрганилади* каби.

Хуллас, даража категорияси рус тилида аввало ўтимли феълларга хос, демак, шу тилдаги барча феълларни қамраб олмайди; ўзбек тилида ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантирадиган шакл ясалиши (орттирма) мавжуд бўлиб, шу сабабли даража категорияси доирасига ўтимсиз феъллар ҳам тортилади.

Рус тилининг тусланувчи феъл шаклларида даража ясовчиси вазифасини ягона *-ся* постфикси бажаради: мажҳул даража ҳам, ўзлик даража ҳам шу постфикс билан ясаллади; ўзбек тилида эса ҳар бир даражанин ўз ясовчиси мавжуд: *-(и)л* — мажҳул даража ясовчиси, *-(и)н* — ўзлик даража ясовчиси, *-(и)ш* — биргалик даража ясовчиси. Даражалар қаторига қўшиладиган орттирма эса асли алоҳида ҳодиса бўлиб, унинг ясовчилари бир неча: *-тир* (*-дир*), *-т*, *-ир* (*-ар*), *-из* (*-аз*), *-ғиз* (*-ғиз*, *-қиз*, *-қиз*).

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МАЙЛ (НАКЛОНЕНИЕ)

Уч грамматик категория — майл, замон, шахс-сон категориялари — ўзаро зич боғланган, шу туфайли бирини баён қилишда албатта иккинчиси ҳам тилга олинади. Бу уч грамматик категория кесимни шакллантиради, шунга кўра кесимлик категориялари деб ҳам юритилади.

Майл категорияси ҳаракат билан воқелик орасидаги алоқани сўзловчининг муносабатини билдиради. Бунда ҳаракатнинг баъзирилиши (бажарилмаслиги) буйруқ, истак, шарт кабилар билан боғлиқ эканлиги ифодаланади.

Рус тилида асосан уч майл ажратилади: изъяснительное наклонение (индикатив), сослагательное наклонение (конъюнктив), повелительное наклонение (императив). Баъзи адабиётларда шартли майли (условное наклонение) ҳам ажратилади, баъзи адабиётларда эса у сослагательное наклонениега қўшиб юборилади.

Ўзбек тилида одатда уч майл ажратилади: аниқлик майли, шарт майли, буйруқ майли. Баъзи адабиётларда шартли майл, мақсад майли ҳам ажратилади.

Рус тилида том маънодаги майл деб буйруқ майли кўрсатилади. Бу майлда II шахс шаклигина мавжуд бўлиб, тингловчидан маълум бир ҳаракатни амалга ошириш (ёки оширмаслик) қатъий талаб қилинади ёки илтимос қилинади: *Открой дверь! Не торопись высказывать свои мысли вслух* каби. Буйруқ майлини ҳосил қиладиган махсус форматив йўқ, тусловчи аини вақтда майл кўрсаткичи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ўзбек тилида ҳам том маънодаги буйруқ майли II шахсга тўғри келади, лекин ўзбек тилида уч шахс ва бирлик ҳамда кўплик аффикслари тузуми мавжуд бўлиб, I, III шахсда истак маъноси ифодаланади. Шу сабабли ўзбек тилшунослигида бу аффикслар тузуми билан ҳосил қилинадиган шакллар бир бутун ҳолда буйруқ-истак майли деб юритилади. Ўзбек тилида ҳам бу майлни ҳосил қиладиган махсус форматив йўқ, тусловчилар аини вақтда майл кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади (тусловчилар тузумини шахс-сон категориясининг баёнида келтирдик).

Рус тилида условное наклонениенинг махсус формативи йўқ. Бу майл келаси замон шаклидаги феълни *если* боғловчиси билан ишлатиш орқали ифодаланади: *Если ты придешь до двух часов дня, то сможешь встретиться с отцом*. Рус тилида шарт майлидаги феъл эргаш гапнинг кесими вазифасида келади.

Ўзбек тилида шарт майли *-са* аффикси билан ҳосил қилинади: *Эли келсам, албатта сизни ахтариб топаман*. Ўзбек тилида шарт майлидаги феъл эргаш гапнинг кесими бўлиб келади. Бу шаклдаги феъл содда гапнинг кесими бўлиб келса, шарт маъноси эмас, балки истак маъноси ифодаланади: *Эртага бир келиб ухласам*.

Кўринадикки, ўзбек тилида истак маъносини буйруқ-истак шаклидаги феълнинг I, III шахс-сон шакллари ҳам, *-са* аффикси билан ҳосил қилинган феъл шакли ҳам ифодалайди; шунга кўра ўзбек тилида истак майлини мустақил майл сифатида ажратиш мумкин.

Рус тилида сослагательное наклонениенинг махсус формативи йўқ. Бу майлнинг маъноси ўтган замон шаклидаги феълни *бы* боғловчиси билан, шунингдек *если бы, хотя бы* каби боғловчи билан ишлатиш орқали ифодаланади: *Позвал бы своего друга, хотя бы он извинился. Если бы он пригласил, то мы поехали бы к нему в гости*.

Рус тилидаги сослагательное наклонениега ўзбек тилида *-са* аффикси билан ҳосил қилинадиган феъл шакли тўғри формативлари билан ифодаланади: *Рухсат берсангиз эди, мен ўз мулоҳазаларимни айтган эдим*. Баъзи манбаларда шартли майл деб номланган бу феъл шакли тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасини бажарилади, бунда бош гапнинг кесими бўлиб *-(а)р эди* формативлари билан ҳосил қилинган феъл шакли келади.

Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, мақсад майлини ажратиш ҳам бор: *Бугун раҳбарим билан учрашмоқчиман* каби. Кўпчилик манбаларда *-моқчи* аффикси майл шаклини ҳосил қилувчи деб эмас, балки замон шаклини ҳосил қилувчи деб талқин қилинади.

Буйруқ, истак, шарт каби модал маънолар майл маънолари дейилади. Изъяснительное наклонениеда (аниқлик майлида) худди шундай маънолар ифодаланмайди. Бу ерда ҳаракатнинг маълум замонда воқе бўлиши (ёки воқе бўлмаслиги) билдирилади. Изъяснительное наклонениенинг (аниқлик майлининг) махсус формативи йўқ, ҳаракатнинг воқеликка муносабати замон шакллари ҳосил қиладиган формативлар орқали билдирилади. Шунга кўра аниқлик майлининг тасвири замон категориясининг тасвири бўлиб қолади (замон категориясини қуйида чоғиштирамиз).

Хуллас, рус ва ўзбек тилларида майл категорияси турларга ажратилишида катта фарқ қилмаса ҳам, майлларнинг ифода усулларида фарқланиб туради.

Замон катерорияси ҳаракатнинг нутқ оғизта муносабатини
қозирга замон, ўтган замон, келаси замон.
Ҳар қандай ҳаракат маълум замон ва маконда содир бўлади
эса замон — грамматик катерория. Замон грамматик катерория
ҳақида таърифи маълум бўлиши, шундай шакллар зидланган форм
тивлар тузуми маълум бўлиши, шундай шакллар зидланган форм
маълум бўлиши лозим. Бундай ҳусуфия барча феъл шаклларини
ҳос эмас. Замон катерорияси аввало бўлиши кутилган
ҳаракатни билдиради, лекин замон шаклларининг зидланган
(тузуми) йўқ, демак, замон катерорияси бу майлга мансуб эмас.
Бу ҳодиса рус ва ўзбек тилларида бир хил.
Рус тилида составительное наклонение ўтган замон шакли
асосида ҳосил қилинади, лекин бу ерда ҳам бошқа замон
шакллари йўқ, демак, замон катерорияси бу майлга ҳам мансуб
эмас.

Замон катерорияси шарт майлига ҳам ҳос эмас деб қаралади.
Рус тилида шарт маъноси феълнинг келаси замон шаклини *если*
борлоқиси билан ишлатиш орқали ифодаланади, демак, бу ерда
ҳам замон шаклларининг зидланган (*тузуми*) йўқ. Ўзбек тилида
шарт майли маълум шаклларининг зидланган (*тузуми*) йўқ, ўзбек тилида
нази ва бунда келаси замон маъноси ифодаланади. Рус тилидан
ҳам маълум бўлади. Қисс қилинг: *келсанг — келган бўлсанг* каби
шакллари ҳам маълум. Қўринадик, ўзбек тилида шарт майли
феълга замон катерорияси мансуб.

Замон катерорияси тулик маънода изъясительное наклонениега
(аниқлик майлига) ҳос, лекин бу ерда рус ва ўзбек тиллари
ўзаро кескин фарқ қилади.
Маълумки, рус тилида замон катерорияси вид катерориясига
борлиқ; несовершенный вид феълларига ҳар уч замон тури
мансуб: *разговаривая, будь разговаривая, разговаривая* каби;
совершенный вид феълларига эса келаси замон ва ўтган замон
турлари мансуб, ҳозирги замон тури йўқ: *напишу, написав* каби.
Қўринадик, рус тилида ҳозирги замоннинг ва ўтган замоннинг
Биттадан шакли маълум, келаси замонда эса икки шакл —
синтетик шакл ва аналитик шакл — маълум. Рус тилида узок

Замон давом феълга ҳам бор, лекин бу замон шакли ҳозирги
тилда жуда оз ишлатилади: *Мать часто сидела в своей*
комнате. Раньше отец хаживал по этим тропинкам.
Ўзбек тилида замон турларининг ҳар бири бир неча шаклга
иборат.
1. Ҳозирги замон турининг шакллари қуйидагича ҳосил қили-

нади: а) *-тир* аффикси билан ҳосил қилинади; б) *-тиб* аффикси билан ҳосил
қилинади; в) *-ян* аффикси билан ҳосил қилинади; г) *-моқда* аффикси билан ҳосил
қилинади; д) муस्ताқил феълнинг *-(и)б* ра-
вио шаклига *ён, тир, тир, тор* ёрдамчи феълларидан бирини
қўшиб шаклга қўшиб билан ҳосил қилинади: *ўқиб ётибман, ўқиб*
тирибман каби. Ҳозирги замоннинг бу шакллари ўзаро ноэки-

валю фарқларига ва услубий фарқларга эга.
2) Ҳозирги замон нумон шакли *-тиган* аффиксини *-дир*
қўлланган каби.
3) Ҳозирги-келаси замон шакли *-а(-и)* аффикси билан ҳосил
қилинади: *келаман, ўқийман* каби. Бу шакл ҳозирги замондан
қўра кўпича келаси замонни, умумзамонни ифодалашга хизмат
қилади.

2. Келаси замоннинг шакллари қуйидагича ҳосил қилинади:
1) қатъий келаси замон шакли (буни аниқ келаси замон деб
фортилдилар) *-ажак (-яжак)* аффикси билан ҳосил қилинади (бу
замон шакли ҳозирги ўзбек тилида жуда оз ишлатилади):
келажакман, ишлажакман каби;
2) келаси замон нумон шакли *-(а)р* аффикси билан ҳосил
қилинади: *келарман, ўқирман* (булишсизлик аффиксидан кейин
-с қўшилади: *келмасман*) каби;
3) келаси замон лозим шакли *-диган* аффикси билан ҳосил
қилинади: *келадиганман* каби;
4) келаси замон мақсад шакли *-моқчи* аффикси билан ҳосил
қилинади: *келмоқчиман* каби (бу замон шакли баъзи манбаларда
мақсад майли деб номланган).
Қўринадик, келаси замон шакллари, замон маъноси билан
бир қаторда, модал маънони ("қатъий", "нумон", "лозим", "мақсад",
каби маъноларни) ҳам ифодалайди. Бу ерда ифодаланадиган
модал маънолар майли катерориясида ифодаланадиган модал маъ-
нолардан фарқ қилади, албатта. Юқорида таърифланган тур

шакли модэл маъноли келаси замон шакллари деб баҳолаш
 уринли.

3. Уттан замоннинг шакллари қуйидагича ҳосил қилинади:

1) яқин уттан замоннинг аниқ шакли (буни аниқ уттан замон
 шакли деб юритадилар) - *ди* аффикси билан ҳосил қилинади;
 2) яқин уттан замоннинг эслатиш шакли (буни узоқ уттан
 замон шакли деб юритадилар) - *ган* аффикси билан ҳосил
 қилинади: *кетганган* каби;
 3) узоқ уттан замон шакли *-ган* *ди* формативлари билан
 ҳосил қилинади: *кетганган* каби (бу ерда *ди* формативы яқин
 уттан замонни узоқ уттан замонга айлантиради);
 4) уттан замон ҳикоя шакли (-*и*) аффикси билан ҳосил
 қилинади: *кетибман* каби (бу шаклини уттан замон эшитилганлик
 шакли деб юритадилар);
 5) узоқ уттан замон ҳикоя шакли (-*и*) *ди* формативлари
 билан ҳосил қилинади: *кетибди* каби (бу ерда *ди* формативы
 уттан замонни узоқ уттан замонга айлантиради);
 6) узоқ уттан замон шакли (-*а*) *ди* формативлари
 билан ҳосил қилинади: *кетарди* каби (бу ерда *ди* формативы
 келаси замоннинг тумон шаклини узоқ уттан замонга айланти-
 ради); бу замон шаклининг ўзига ҳос хусусияти шукки, *ди*
 формативлари ташқари, *экан*, *эмит* формативлари билан ҳам
 ишлатилади: *кетар эканман*, *кетар эмитман* каби (бунда *ди*
 "аниқ", *экан*, "эслатиш", *эмит* "шубҳа" маъносини ифодалашга
 хизмат қилади);
 7) узоқ уттан замоннинг қозирги замон давом шакли:
 а) *-тир* *ди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетайтир*
ди каби;
 б) *-тиб* *ди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетайтиб*
ди каби;
 в) *моқда* *ди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетмоқда*
ди каби (қозирдаги ҳар уч замон шаклида аффикс ифодалай-
 диган қозирги замон маъноси сақланади ва унга *ди* формативы
 ифодалайдиган узоқ уттан замон маъноси қўшилади);
 г) *-етган* *ди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетайт-*
ган *ди* каби (бу ердаги ўзгариш бир оз мураккаброқ; қозирги
 замон тумон шакли таркибда катнашадиган *-дир* формативини
 ташлаш ва *ди* формативини қўшиш билан ҳосил қилинади; маъно
 ифодалаш юқоридагича).
 Қўринадикки, уттан замон шакллари ўзбек тилида жуда му-
 раккаб тузумни ташкил этади.

Шахс-сон категорияси бажарувчи билан ҳаракат орасидаги
 боғланиш билдиради, кесимда эгала (бажарувчи) борлиқ
 намоён

Шахс-сон категорияси асосан феъл кесимга ҳос:
буду, *привет*, *буду* *приводит*, *будет* *приводит* каби. От
 кесимда эса борлама ишлатилганина шахс-сон ифодаланади (бу
приветем каби), борлама катнашмаса, фақат сон маъноси ифо-
 даланади (*Я учитель*, *Мы учителя*, *Ты учитель*, *Вы учителя*
 каби).

Ўзбек тилида эса, феъл кесимдан ташқари, от кесим ҳам
 шахс-сонга тусланади: *Мен ўқитувчиман*, *Сен ўқитувчисан* каби.
 Феъл тилидан яна бир фарқ шукки, эга кўликда бўлишидан қатъи
 назар, кесим вазифасидати от бирликда ҳам, кўликда ҳам бўла
 ади, шундан кейин келадиган шахс-сон аффикси эса эгала
 ифода шакли билан шахс-сонга мувофиқ қўшилади: *Биз ўқитувчимиз*,
Улар ўқитувчиларидир каби.

Шахс-сон категорияси уч шахс ва бирлик ҳамда кўлик
 категорияси билан тузумдан иборат бўлиб,
 маъносини ифодалайдиган формативлар тузумдан иборат бўлиб,
 маънони категорияларига борлиқ ҳолда турлича намоён
 қилади.

Ўз тилида шахслар бўйича ўзгариш барча феъл шаклларида
 намоён. Ававало, уттан замон шакли шахслар бўйича ўзгариш
 қилганда, III шахс бирликда эса родда ҳам ўзгариш: *Я //*
ты // он читади; Мы // вы // они читают
 каби. Бунда шахс маъносини феъл кесимнинг ўзи эмас, балки
 на вазифасидати сузшакли ифодалайди. Ҳус тилшунослигида шахс
 маъносининг бундай ифодаланishi аналитик ифодаланishi деб

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ШАХС-СОН

Ташкил маълум бўладикки, ўзбек тилида фақат замон
 категорияси эгала хизмат қиладиган *-тир*, *-тиб*, *-ян*,
-ди аффикслари мавжуд. Булардан ташқари, замон
 категорияси ҳосил этишга хизмат қиладиган *экан*, *эмит*
 (қисман *экан*, *эмит* формативы) ҳам хизмат қилади. Замон шакллари *-а* (*-и*), *-а* (*-и*), *-а* (*-и*), *-а* (*-и*), *-а* (*-и*), *-а* (*-и*), *-а* (*-и*)
 шакли билан ҳосил қилинади. Замон шаклининг бу аффиксларни
 билан ҳосил қилинади, замон шаклининг эгала кесимда бу аффиксларни
 билан ҳосил қилинади, сифатдош аффикслари деб бўлмайди.
 Қўлиас, ўзбек тилидаги замон категорияси рус тилидаги замон
 категориясига қараганда анча мураккаб бўлиб, кўнгил билан
 қилиниши татаб қилади.

юритилади (тугалланма билан ифодаланиш эса синтетик ифодаланиш дейилади). Бу ҳодисани синтетик ва аналитик шакл билан қористирмаслик учун асли морфологик ва синтетик ифодаланиш деб номлаш маъқул бўлар эди.

Ўзбек тилида феълнинг барча замон шакллари шахсга ўзгаради.

Рус тилида уч шахс-сонда тусланиш изъявительное наклонениенинг ҳозирги ва келаси замон шакллари хос. Бу тугалланма таркибидаги унлига қараб I тусланиш ва II тусланиш ҳақида гапирилади. Бу икки тусланишда I шахс бирлик тусланишда: *ухож-у, смотр-ю* каби. I шахснинг кўрсақчилик тусланишда эса бу тусланиш турларининг кўрсақчилик унлиларига кўра фарқ қилади: бирликда: II шахсда: *прид-и, уход-ишь*, III шахсда: *прид-ет, уход-ит*; кўрсақчиликда: I шахсда: *прид-ем, уход-им*, II шахсда: *прид-ете, уход-ите*, III шахсда: *прид-ут, уход-ят* каби. Кўриниб турибдики, шахс-сон морфологиясининг ифода планида ундош фонема таянч бўлиб хизмат қилади унли эса феъл асосининг табиатига қараб вариантланади. Демак, рус тилида асли тусловчиларнинг ягона тузуми ҳақида гапиролар мумкин.

Тусловчилар ўзбек тилида уч тузумни ташкил этади. I тусланишда: *-ман, -сан, -ди* ёки \emptyset ; *-миз, -сиз, -ди(лар)* каби. II тусланишда: *-м, -нг, \emptyset*; *-к, -нгиз, \emptyset (лар)*; III тусланишда: *-(а)й[ин]*; *-гин* ёки \emptyset , ёки *-(и)нг; син; -(а)й[ин]-(и)нгиз* ёки *-(и)нглр; -син(лар)*.

III тусланиш ўзбек тилида буйруқ-истак майлига хосланган *бор-ай[ин], бор-\emptyset, бор-гин, бор-инг; бор-айлик, бор-ингиз, бор-инглр, бор-син(лар)* каби. Кўринадики, ўзбек тилида буйруқ-истак майлига хосланган тусловчилар бир бутун тузумни ташкил этиб туради.

Рус тилида буйруқ майлининг фақат II шахс шакли маъқул, шу сабабли бу ерда тусланиш ҳақида гапириб бўлмайди: шахс-сон кўрсақчилик бор-у, лекин шахс-сон кўрсақчилик тузуми йўқ. Рус тилида I, III шахсга қаратилган истик, илтимос каби маънолар ҳозирги ва келаси замон шакллари махсус оқшор билан талаффуз қилиш орқали ифодаланади: *Бежим в аудиторию! Будемте вежливы друг с другом. Пусть он больше опаздывает* каби.

Буйруқ майлининг II шахс бирлик шакли рус тилида феълнинг ҳозирги замон (сода келаси замон) асосига: 1) *-и* суффиксининг қўшиш билан ҳосил қилинади: *напиш(ут) — напиш-и* каби.

бу кўрсақчилик суффикс билан ҳосил қилинади: *бросай-\emptyset, сяд(ут) — сядь-\emptyset* каби. Кейинги тур ифодаланишда буйруқ майли шакли ташқи кўринишда феъл асосига тенг қолади. Юқоридаги икки усулдан ташқари, буйруқ майлининг бу шакли бошқачароқ усул билан ҳам ҳосил қилинади: *дай(ут) — дай, бить — б'й(ут) — бей, есть — ешь*.

Рус тилида буйруқ майлининг кўрсақчилик шакли бирлик шаклига аффиксининг қўшиш билан ҳосил қилинади: *напишите, бросайте* каби.

Кўринадики, рус тилида буйруқ майли, аввало, II шахс-сонда унли билан чекланган, иккинчидан, шу шахснинг бирлигида буйруқ шакли феъл асосининг табиатига қараб бир неча усул билан ҳосил қилинади. Ўзбек тилида ҳам II шахснинг бирлик шакли бир неча хил ифодаланади, лекин булар асоснинг табиатига боғлиқ эмас, балки ўзаро фарқли маънони ифодалашга қаратилган қилади: *бор — қатий буйруқ, боргин — илтимос, боринг — "сизлаш"* (аввалги иккисидан "сенлаш" маъноси ифодаланади).

Ўзбек тилида II тусланиш шарт-истак майлига ва аниқлик табиатига яқин ўтган замоннинг аниқ шаклига хосланган (*эди* формативи қатнашадиган) феъл шаклларида ҳам, табиий, шу тусловчилар қатнашади: *борса-м, борса-нг, борса-\emptyset, борса-к, борса-нгиз, борса-лар; борди-м, борди-нг, борди-\emptyset, борди-к, борди-нгиз, борди-(лар); борган эди-м, борган эди-нг* каби.

Маълумки, рус тилида сослагательное наклонение ўтган замон шакли асосида ҳосил қилинади. Ўтган замон шакли эса рус тилида тусланмайди, шу сабабли сослагательное наклонениеда тусланиш йўқ.

Баъзи манбаларда условное наклонение сослагательное наклонение билан бирлаштириб юборилади, ваҳоланки буларни айрим-айрим сақлаган маъқул, чунки сослагательное наклонениеда тусланиш йўқ; условное наклонение эса келаси замон шакли асосида ҳосил қилинади, шу туфайли бу майлда тусланиш бор: *Если ты придешь, Если он придёт* каби.

Ўзбек тилида шарт майлидаги феъл ҳам, шартли майлдаги феъл ҳам шахс-сонда тусланади: *Агар сен келсанг, ишимиз юришиб кетади. Сен келсанг эди, ишимиз юришиб кетар эди* каби.

Ўзбек тилидаги I тусланиш аниқлик майлига хосланган (фақат II шахс аффикси билан ясаладиган, *эди* формативи қатнашадиган замон шакллари бундан мустасно): *бора-ман, бора-сан, бора-ди,*

бора-миз, бора-сиз, бора-ди(лар); борган-ман, борган-сан, борган-Ø, борган-миз, борган-сиз, борган-Ø(лар) каби. От кесимга қарашли шу тусловчилар қўшилади: ўқитувчи-ман, ўқитувчи-сан, ўқитувчи-Ø каби.

Ўзбек тилидаги I тусланиш аффикслари кишилиқ олмошларидан ўсиб чиққани аниқ кўриниб туради. Асли II тусланиш аффикслари ҳам I тусланиш аффиксларининг қисқариши натижасида юзага келган дейилади. Бундан қатъи назар, ҳар икки тусланиш кўрсаткичларининг манбаи бир. Буйруқ-истак маъносини тусловчиларининг келиб чиқиш манбаи ўзгача.

Хуллас, рус ва ўзбек тилларида феъл шакллари тураниш тусланади; тусловчилар рус ва ўзбек тилларида ҳар хил тузумларни ташкил қилади ва уларнинг кўрсаткичлари ҳам ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб туради.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СИФАТДОШ

Сифатдош жараёни предметнинг белгиси сифатида билдирадиган шунга кўра, феъллик хусусиятларидан ташқари, сифатлик хусусиятларига ҳам эга дейилади. Илгари рус тилшунослигида сифатдош феълнинг бир шакли деб қаралар эди, ҳозир эса феълдан алоҳида туркум деб қараш кучаймоқда.

Рус тилида сифатдош: 1) жараёни билдиради, феъл ҳам жараёни билдиради; 2) сифатдош фақат феълдан ҳосил қилинади, демак, феълликнинг ўз доирасида юзага келадиган ҳодиса; 3) сифатдош ўзи ясалган феъл билан айни бир лексик маънони англатади (янги лексик маъно англатилмас экан, демак, янги лексик бирлик, янги туркум бирлиги юзага келмайди); 4) сифатдошда унга асос бўладиган феълнинг ўтимли-ўтимсизлик хусусияти сақланади; 5) сифатдошда унга асос бўладиган феълнинг даражаси (залоги) сақланади; 6) сифатдошда ҳам, феълдан бўлганидек, вид, замон категориялари мавжуд; 7) вид категорияси тусланувчи феълнинг замон шакллари ясалишига қандай таъсир қилса, сифатдошнинг замон шакллари ясалишига ҳам шундай таъсир қилади; 8) сифатдошда унинг ясалишига асос бўладиган феълнинг бошқарув хусусияти, ўзига ҳол бўлакни боғлаш хусусияти айнан сақланади. Юқорида таъкидланган хусусиятлар сифатдошнинг феъллик белгилари деб келтирилади. Аслида эса булар — сифатдош феъл эканини, феълнинг бир шакли эканини тасдиқлайдиган далиллар.

Қуйидагилар сифатдошнинг сифатлик белгилари деб келтирилади: 1) сифат каби предметнинг белгисини билдиради (лекин

сифат предметнинг доимий белгисини билдирса, сифатдош вақтинчалик белгисини билдиради); 2) сифат каби сифатловчи вазифасида қўшилади; 3) сифат каби сифатланмиши билан род, сон, келишикда ўзлашиб ўзгаради; 4) сифат каби турланади; 5) сифатдошда ҳам (фақат мажҳул сифатдошда), сифатларда бўлганидек, қисқа шакл рус ва у кесим вазифасига хосланган (*растегнутая рубаха* — *рубашка растегнута* каби).

Предметнинг белгисини билдириши, сифатловчи вазифасида қўшиши, турланиши — бундай хусусиятлар сонларга ҳам, олмошларнинг айрим турларига ҳам хос, лекин шу асосда улар сифатлик қаралмайди; демак, бундай белгилар сифатдошни алоҳида туркум деб ажратиш учун етарли далил бўла олмайди. Сифат билан сифатдошни ҳақиқатда яқинлаштирадиган хусусият — қисқа шаклнинг мавжудлиги, лекин бу ҳам асли туркумлик белгиси бўлмай, балки синтактик вазифа (кесимлик вазифаси) талаби билан юзага келган шакл.

Хуллас, сифатдошнинг феъллик белгилари шу қадар салмоқлики билан сифатлик белгилари шу қадар умумийки, ҳеч қандай иккинчи даражада сифатдошни феълнинг бир шакли деб талқин этишни қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбек тилида ҳам сифатдош юқоридагича белги-хусусиятларга эга (бунда, албатта, рус тилининг ўзига хос вид, қисқа шакл, турланиш хусусиятлари назардан соқит қилинади). Ўзбек тилшунослигида сифатдош феълнинг бир функционал шакли деб қаралади.

Сифатдош ҳосил қиладиган формативлар рус ва ўзбек тилларида ўзига хос тузум ташкил этади; сифатдошнинг ясалиши рус ва ўзбек тилларида ўзига хос қонуниятларга бўйсунди.

Рус тилида сифатдошнинг ясалиши аввало вид категориясига боғлиқ: несовершенный вид феълларидан сифатдошнинг ҳозирги ва ўтган замон шакллари (*сидящий, сидевший* каби), совершенный вид феълларидан эса сифатдошнинг фақат ўтган замон шакли ясалади (*просидевший* каби). Кўринадики, рус тилида сифатдошларга икки замон тури — ҳозирги замон ва ўтган замонгина — мансуб (келаси замон сифатдоши ясалмайди).

Сифатдошларда ҳам даража ясалиши феълнинг ўтимли-ўтимсизлигига асосланади ва ўзига хос хусусияти бор: ўтимли феълдан аниқ даража сифатдошлари ҳам (*раскрывающий, раскрывавший* каби), мажҳул даража сифатдошлари ҳам (*раскрытый, раскрываемый* каби) ясалади; ўтимсиз феълдан эса фақат аниқ даража сифатдоши ясалади (*сидящий, сидевший* каби). Позвратный глаголлардан ҳам сифатдош худди юқоридагича яса-

лади (*улыбающийся, улыбавшийся, улыбнувшийся* каби). Сифатдошларда ҳам даражаланиш асли ўтимли феълдан ясалиши мавжуд. Ўтимсиз феълдан ясалишларни аниқ даража сифатдошлари дейиш шартли (чунки мажхул сифатдош билан зидлик йўқ).

Рус тилида сифатдош ҳосил этувчи формативлар даража замон ва феълларнинг тусланиш синфлари асосида биркичиликда, а) ҳозирги замонга: *-ущ (-ющ)* — I тусланишда, *-ащ (-ящ)* — II тусланишда; б) ўтган замонга: *-вш* (ҳар билан тугайдиган асосда), *-ш* (ундош билан тугайдиган асосда).
2) мажхул даражада: а) ҳозирги замонга: *-ни, -ени, -ти* (ҳар айрим-айрим феъл турларига). Кўринадики, рус тилида ҳар сифатдош ясовчи аффикс даража ва замон жиҳатидан хосланмаётгани бўлади.

Ўзбек тилида сифатдош ясалишига феълларнинг ўтимли ва ўтимсизлиги, даражаси таъсир кўрсатмайди, сифатдош ясовчи аффиксларда бу жиҳатдан хосланиш йўқ. Масалан, *-ган* сифатдош ясовчиси ўтимсиз феълга ҳам, ўтимли феълга ҳам, аниқ даражадаги феълга ҳам, мажхул даражадаги феълга ҳам қўшилаверади: *келган, берган, берилган* каби.

Ўзбек тилида вид категорияси йўқ, шунга кўра сифатдош ясалишида замон жиҳатидан чекланиш ҳам йўқ, ҳар уч замон тури мавжуд: *-ган* аффикси ўтган замон сифатдошини ясайди, *-диган* аффикси ҳозирги замон сифатдошини ясайди, *-диган* аффикси келаси замон сифатдошини ясайди; юқоридаги аффикс ўзаро замон ясовчилари сифатида зидланиш ҳосил этади. Булардан ташқари, ўзбек тилида сифатдош яна *-(а)р* (феълнинг бўлишсиз асосида эса *-с*), *-ажак, -гуси* аффикслари билан ҳам ясалади, булар барчаси келаси замон сифатдошларини ҳосил қилади.

Рус ва ўзбек тиллари орасида энг муҳим фарқлардан бири шуки, рус тили сифатдошларида шакл ўзгариши мавжуд: сифатдошнинг тўлиқ шакли сифатловчи вазифасида келади ва сифатланмиши билан род, сон, келишида мослашади; ўзбек тилида эса бундай вазифада келган сифатдош ўзгармайди, сифатланмишига битишув йўли билан боғланади. Қиёсланг: *проходящая конференция, проходящую конференцию; ўтаётган конференция, ўтаётган конференцияни* каби.

Рус тилида сифатдошнинг тўлиқ шакли сифатловчи бўлиб келиб, ўз сифатланмишидан олдин ҳам, кейин ҳам жойлашмоқчи олади: *выступивший вчера на собрании товарищ... — товарищ, выступивший вчера на собрании...* каби. Сифатдош ўзини

билан келган сўзлар билан биргаликда ёйиқ бўлакка тенг келиб, бундай ёйиқ бўлак сифатдош оборот деб юритилади.

Ўзбек тилида ҳам сифатдош ўзига боғланган сўзлар билан биргаликда ёйиқ бўлак (сифатдош оборот) ҳосил этади: *кечаги келишида сўзлаган ўртоқ...* каби.

Рус тилида сифатдош кесим вазифасида ҳам келади, лекин бу вазифада сифатдошнинг асосан қисқа шакли келади: *Картофель убран. Сено скошено. Деревья окопаны* каби. Кўринадики, кесим вазифасига хосланган бундай қисқа шакл род ва сонда ўзгариб, эга билан шу жиҳатдан мувофиқлашади (келишик синтактик алоқада қатнашмайди).

Ўзбек тилида кўпчилик сифатдош ясовчиларидан кейин тусловчи (шахс-сон кўрсаткичи) қўшилади ва бундай сўзшакл кесим вазифасида келади: *ўқиганман, ўқийдиганман, ўқирман* каби. Кейин бундай сўзшакллар сифатдош деб эмас, балки тусловчи феъл деб (спрягаемый глагол деб) қаралади, бундай сўзшакл таркибида қатнашадиган *-ган, -диган, -(а)р* аффикслари сифатдош ясовчи аффикс деб эмас, балки замон ясовчи аффикс деб баҳоланади. Аслида бу аффикслар — сифатдош ясовчиси, лекин кесим вазифасидаги тусланган феъл таркибида бошқача грамматик вазифани бажаради. Демак, ўзбек тилида *-ган* каби аффикслар аниқ нукта назардан, яъни сифатдош ясовчиси сифатида ва замон ясовчиси сифатида баҳоланиши лозим.

Ўзбек тилида сифатдош турловчи олиб ҳам келади: *Ўқитувчининг гапиргани эсимда. Машғулотларнинг давом этаётганини билман. Унинг ишга бормаётганидан хабарим йўқ эди* каби. Бундай шаклда ишлатилиш сифатдош учун бирламчи эмас, балки иккиламчи, яъни синтактик трансформация оқибатида воқе бўлган ҳолат: *Ўқитувчи гапирди → Ўқитувчининг гапиргани...* каби.

Бундан қатъи назар, ўзбек тилида сифатдош ясовчисидан кейин тусловчи, нисбатловчи, турловчининг қўшила олиши рус ва ўзбек тилларида сифатдошларнинг яна бир муҳим тафовути борлигини кўрсатади: рус тилида сифатдош феълликнинг боши берк шохобчаси бўлиб, сифатдош ясовчисидан кейин (тугалланмадан ташқари) бошқа бирор форматив қўшилмайди; ўзбек тилида эса сифатдош боши берк шохобча эмас, ундан кейин маълум мақсад ва сабабларга кўра грамматик кўрсаткич қўшила олади, шу туфайли сифатдош ўзбек тили грамматик тузумида кенгроқ ўрин эгаллайди.

Хуллас, олимларнинг сифатдошнинг феълликнинг бир шакли деб қилиб алоҳида бир туркум деб икки хил талқин этишидан қатъи назар, рус ва ўзбек тилларидаги бу грамматик ҳодиса орасида аниқгина жиддий фарқлар мавжуд.

Равишдош жараёни бошқа бир жараённинг белгиси сифатида ёки иккиламчи жараён сифатида билдиради, шунга кўра, феъл хусусиятларидан ташқари, равишлик хусусиятларига ҳам дейилади.

Илгари рус тилшунослигида равишдош феълнинг бир шакли деб қаралар эди, ҳозир эса феълдан алоҳида туркум деб қаралар ҳам мавжуд.

Рус тилида равишдош: 1) жараёни билдиради, феъл жараёни билдиради; 2) равишдош фақат феълдан ҳосил қилинади, демак, феълликнинг ўзи доирасида юзага келадиган ҳолат; 3) равишдош ўзи ясалган феъл билан айна бир лексик маъно англатади (янги лексик маъно англатилмас экан, янги туркум биллиги ҳам юзага келади); 4) равишдошда унга асос бўладиган феълнинг вади сақланади; 5) равишдошда унга асос бўладиган феълнинг ўтимли-ўтимсизлик хусусияти сақланади; 6) равишдошда унга асос бўладиган феълнинг даражаси (залог) сақланади; 7) равишдошда унга асос бўладиган феълнинг бошқарув хусусияти, ўзига хос бўлакни боғлаш хусусияти сақланади.

Юқорида таъкидланган хусусиятлар равишдошнинг феъллик белгилари деб келтирилади; аслида эса булар — равишдош феъллик эканини, феълнинг бир шакли эканини қатъий тасдиқлайдиган далиллар.

Қуйидагилар равишдошнинг равишлик белгилари деб келтирилади: 1) жараённинг белгисини билдира олади; 2) ҳол вазифасини кела олади; 3) форма ўзгариши йўқ.

Юқорида саналган барча белги-хусусиятлардан маълум бўладики, равишдошнинг феълнинг бир шакли деб қараш туғилган. Равишдошнинг ўзбек тилидаги табиати бу фикрни янада қатъийроқ айтиш ҳуқуқини беради.

Ўзбек тилида ҳам равишдошга худди юқоридагича белги-хусусиятлар мансуб (рус тилига хос вид, табиий, назардан солинган қилинади).

Равишдош ҳосил қиладиган формативлар рус ва ўзбек тилида ўзига хос тузумни ташкил этади. Рус тилида равишдошнинг ясашиши вид категориясига боғлиқ: 1) Несовершенный вид равишдоши феълнинг ҳозирги замон асосидан *-а(-я)* суффикси билан ясалади: *говор(ят)*— *говор-я*, *уч(ат)*— *уч-а*, *раду(ют)*— *раду-я-сь* каби. Бу суффикс баъзи феълларнинг инфинитив асосидан ҳам қўшилади: *встава(ть)*— *встава-я* каби (*быть* феълдан *буду-учи* суффикси билан ясалади: *будучи*). 2) Совершенный

равишдоши феълнинг инфинитив асосидан кўпинча *-в* суффикси билан, қисман *-вши*, *-ши* суффикси билан ясалади: *прочита(ть)*— *прочита-в*, *исчезну(ть)*— *исчезну-вши*, *изнemoч(ь)*— *изнemoч-ши* каби (кўпгина феълларда ҳар икки суффикс билан ясашиш мавжуд: *прочитав*, *прочита-вши* каби). Баъзи феъллардан совершенный вид равишдоши *-а(-я)* суффикси билан ясалади: *прочт(ут)*— *прочт-я* каби.

Возвратный глаголлардан бу тур равишдош фақат *-вши*, *-ши* суффикси билан ясалади: *обня-вши-сь*, *запер-ши-сь* каби.

Ўзбек тилида равишдош шакли барча феъллардан ясалaveraди. Равишдош ясовчиси бўлиб қуйидаги аффикслар хизмат қилади: 1) *-а* (ундошдан кейин), *-й* (унлидан кейин): *кел-а*, *ўқи-й* каби; 2) *-(и)б*: *кел-иб*, *ўқи-б* каби; 3) *-гач* (*-кач*, *-қач*): *кел-гач*, *эк-кач*, *чиқ-қач* каби; 4) *-гани* (*-кани*, *қани*, баъзан *-гали*): *ўқи-гани* (*келдим*), *эк-кани* (*келдик*), (*қўйларни*) *боқ-қани* (*кеттиди*), *Кўр-гали* *хуснингни зор-у...* каби. Ҳозирги ўзбек тилида *-гани* равишдош ясовчиси билан *-ган* сифатдош ясовчисининг III шахс нисбатловчисини олган ҳолати ўзаро омоним: *Ўқигани келдим* (бу ерда *-гани* битта аффиксга тенг, тарихан *-гали* бўлган)— *ўқигани ёдимда* (бу ерда иккита аффикс — *-ган* ва *-и* аффикслари — қатнашаётир).

Рус тилида равишдошнинг бўлишсиз шакли унинг олдида *не* инкор юклагасини ишлатиш билан ифодаланади: *В эту пору нельзя сидеть не закутавшись теплым одеялом. Он стоял у порога, не говоря ни слова о причине своего прихода* каби.

Ўзбек тилида равишдош феълнинг бўлишсиз шаклидан ҳосил қилинади: *Бундай пайтларда иссиқ кўрпага ўранмай ўтириб бўлмайди. У остонада келишининг сабаби ҳақида бир сўз демай тураверди* каби. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти шуки, равишдош феълнинг бўлишсиз шаклидан доим *-й* аффикси билан ҳосил қилинади: *ўраниб* — *ўранмай*, *деб* — *демай* каби. Ўзбек тилида феълнинг бўлишсиз шаклидан равишдош *-сдан* мураккаб аффикси билан ҳам ҳосил қилинади: *ўранмай* — *ўранмасдан* каби. Бу ерда аффикслар синонимияси мавжуд.

Рус тилида равишдош: 1) равиш ҳоли вазифасида келади: *Она сидела нахмурившись* каби; 2) ажратилган ҳол бўлиб келади, бунда у равишдош оборотга тенг бўлади: *Они, обучаясь в университете, занимались также на специальных курсах английского языка; Окончив университет, мы будем преподавать русский язык в узбекских группах* каби.

Ўзбек тилида равишдошнинг вазифалари анчагина мураккаб: 1) *-гач*, *-гунча*, *-гани* аффикси билан ясаладиган равишдош ҳол

вишдош эса гапнинг мазмунига, шароитга қараб асосий фанга аниқлаштирилган ҳаракатдан олдин бўладиган ҳаракатни ҳам, кейин бўладиган ҳаракатни ҳам ифодалаб келади: *уйлаб гапирмоқ*. *Олдин маслаҳатлашиб, кейин иш бошлаганимиз маъқул* каби.

Хуллас, равишдош рус ва ўзбек тилларида бир қанча белги хусусиятлари билан ўзаро жиддий фарқланиб туради.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЁРДАМЧИ ТУРКУМЛАР

Рус ва ўзбек тилларида модал сўз, юклама, боғловчи, унинг табиати жиҳатидан деярли бир хил. Бошқа туркумлардан бўлганидек, булар ҳам маълум даражада фарқланиб туралми, албатта. Масалан, модал сўзларни фанда кенг тушуниш ва тор тушуниш мавжуд, шунга кўра адабиётларда бундай сўзлар турлича ҳажм билан баён қилинади. Барча адабиётларда модал сўз деб талқин қилинадиган бирликлар семантик турларга бир хил ажратилади ва уларнинг синтактик табиати рус ва ўзбек тилларида деярли фарқсиз.

Худди шундай фикрни юкламаларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Юкламаларнинг маъно турлари ҳар икки тилда асли билан бир хил, лекин улар рус ва ўзбек тилида бошқачароқ тасниф қилинади. Бу ердаги фарқ шуки, рус тилида указательные частицы (*вот, вон, это* каби) маъно тури ажратилади, ўзбек тилида эса бундай сўзлар (*ана, мана*) юклама деб эмас, балки кўрсатиш олмоши деб изоҳланади. Яна бир фарқ шуки, рус тилида составли (кўп қисмли) юкламалар анчагина (*как раз, только лишь, куда там, где там, как же, хоть бы, вовсе не* каби). Ўзбек тилида бундай кўп қисмли юкламалар деярли йўқ (*ҳатто... ҳам; фақат...-гина* каби ишлатишларни шундай юкламалар деб қараш мумкин).

Юқоридагиларга ўхшаш ҳолат боғловчиларда ҳам мавжуд. Бу ердаги фарқлардан бири шуки, рус тилида боғловчиларнинг алоҳида маъно тури сифатида пайт муносабатини кўрсатувчи боғловчилар ажратилади (*когда, как только, после того как, с тех пор как, прежде чем как* каби). Ўзбек тилида боғловчиларнинг бундай маъно тури йўқ (уларнинг маъноси ўзбек тилида турли воситалар билан берилади).

Ёрдамчилар қаторида баён қилинадиган тақлидий сўзлар бошқа ёрдамчи сўзлардан ажралиб туради. Тақлидий сўзлар рус ва ўзбек тилларида сезиларли фарқ қилади. Рус тилида товушга тақлидий сўзлар (*звукоподражательные слова*) ҳақидагина гапирилади: *диль-диль-диль, чик-чирик, тук-тук* каби. Ўзбек тилида эса,

шундан ташқари (*тиқ, шув, қағ* каби), образга тақлидий сўзлар ҳам мавжуд: *ялт, ялт-юлт, лапанг-лапанг* каби. Умуман, ўзбек тилида тақлидий сўзлар рус тилидаги тақлидий сўзлардан кўп. Унинг лексик бирлик ҳосил этишда тақлидий сўзлар ҳар икки тилда фаол қатнашади, лекин рус тилида тақлидий сўзлар асосида юклама феъллар ҳосил қилинса, ўзбек тилида кўпинча қўшма феъллар ҳосил қилинади: *мяукать, шушукать, хохотать; ялт-юлтмоқ, ялтирамоқ, қарс этмоқ, қарсилламоқ, чурқ этмаслик* каби.

Маълумки, айрим туркумлар сифатида рус тилида предлог, ўзбек тилида кўмакчи мавжуд. Рус тилида бундай сўзларга бошқа сўздан олдин келишига қараб ном берилган, ўзбек тилида эса бундай сўзлар ўта кенг номланган (кўмаклашиш фақат кўмакчига хос эмас). Предлог билан кўмакчи орасидаги асосий фарқ уларнинг ўзи бирлашадиган сўздан олдин ёки кейин келиши эмас, албатта. Рус тилидаги предлог ва ўзбек тилидаги кўмакчи ўз грамматик моҳиятига кўра бошқа ёрдамчи сўзлардан кескин фарқ қилади.

Кўмакчи, шунингдек предлог сўзлар орасидаги турли-туман муносабатларни билдиради дейилади. Асли фақат синтактик муносабатни билдириш боғловчига хос. Кўмакчининг, предлогнинг вазифаси — ўзи қўшиладиган қисмини грамматик шакллантириш ва шу орқали бу қисмининг бошқа бир мустақил қисм билан синтактик боғланишини таъминлаш. Кўмакчи ҳам, предлог ҳам, бошқа ёрдамчилардан фарқли ҳолда, сўзшаклнинг таркибига киради, демак, грамматик шакл ҳосил этишга хизмат қилади.

Адабиётларда кўмакчи, предлог келишик маъносини ифодалайди дейилади. Аслида эса кўмакчи ҳам, предлог ҳам келишик каби синтактик шакл ҳосил этади, лекин булар ифодалайдиган маъно ҳеч қачон келишик маъносига тенг келмайди. Кўмакчи, предлог маълум келишикдаги сўзшаклга бирлашади, лекин бу бирлашишда келишик синтактик вазифаси ва маъноси жиҳатидан бетарафлашади, маълум грамматик маънони ифодалаш ва синтактик вазифани кўрсатиш кўмакчига, предлогга мансуб бўлади.

Рус тили предлогга анча бой, ўзбек тилида кўмакчилар ҳам анчагина, лекин предлогларга қараганда, ҳарқолда, оз.

Предлоглар предмет билан предмет, предмет билан белги, предмет билан ҳаракат орасидаги муносабатни билдиришда қатнашади: *ключь от квартиры, вредный для здоровья, выйти из дома* каби. Кўмакчилар эса асосан предмет билан ҳаракат орасидаги муносабатни билдиришга хизмат қилади: *укаси билан*

келмоқ, кун сайин қимматлашмоқ, тушликдан кейин учрашмоқ каби.

Рус тилида предлоглар маълум бир келишик шаклидаги сўзга бирлашади: 1) кўпинча родительный падеждаги сўзга бирлашади: *без, для, из, до, от, возле* ва ҳоказолар; 2) дательный падеждаги сўзга бирлашади: *к, вопреки, согласно, благодаря* каби; 3) винительный падеждаги сўзга бирлашади: *про, через, спустя* каби; 4) творительный падеждаги сўзга бирлашади: *между, над, перед* каби; 5) предложный падеждаги сўз доим. предлог билан шаклланади: *о, при* каби.

Рус тилидаги айрим предлоглар икки, ҳатто уч келишикдаги сўзга бирлаша олади: а) *за, под* — винительный ва творительный падеждаги сўзга; б) *между* — родительный ва творительный падеждаги сўзга; в) *с* — родительный, винительный ва творительный падеждаги сўзга бирлашади.

Ўзбек тилида ҳам кўмакчилар маълум бир келишикдаги сўзга бирлашади: 1) бош келишикдаги сўзга: *билан, учун, каби, орқали* каби; 2) жўналиш келишигидаги сўзга: *қадар, томон, қарши, қараганда* каби; 3) чиқиш келишигидаги сўзга: *бурун, илгари, кейин, бери, бошқа, кўра* каби.

Кўринадики, рус тилида предлог фақат именительный падеждаги сўзга бирлашмайди, предложный падеждаги сўз эса доим предлогли бўлади, қолган тўрт келишикдаги сўз эса предлог билан ҳам, предлогсиз ҳам ишлатилади.

Ўзбек тилида, аввало, барча келишикдаги сўзлар кўмакчиликда ишлатила олади, иккинчидан, кўмакчи ўзбек тилида бош, жўналиш, чиқиш келишикларидagi сўзларгагина бирлашади, тушум ва ўрин келишигидаги сўзга бирлашмайди. Тўғри, ҳозир бош келишикдаги сўзга бирлашадиган баъзи кўмакчилар асли қаратқич келишигидаги сўзга бирлашган (*сенинг учун* каби), лекин ҳозирги тилда бундай ишлатиш деярли учрамайди.

Рус тилида, содда (бир қисмли) предлоглардан ташқари (булар туб ҳам, ясама ҳам бўлади: *в, вблизи* каби), кўп қисмли предлоглар ҳам мавжуд: *начиная с, в сравнении с, по направлению к, в отношении к* каби. Ўзбек тилида бундай кўп қисмли кўмакчи йўқ.

Ўзбек тилида, соф кўмакчилардан ташқари, кўмакчи отлар ҳам ажратилади. Булар асли от сўзлар бўлиб, макон келишиклариди кўмакчи вазифасини бажариши айтилади (бундай сўзларга келишикдан олдин нисбатловчи ҳам қўшилади): *олдиди, олдидан, олдида, орасиди, орасидан, орасига* каби. Булар маъно ифодалиши жиҳатидан рус тилидаги локал (пространственные) предлогларга

қўшил, лекин лексик-семантик табиати жиҳатидан улардан фарқ қилади. Қиёсланг: *подойти к дому — уйнинг олдида келмоқ, остановиться около дома — уйнинг олдида тўхтамоқ, разместиться перед домом — уйнинг олдини суғуриб қўймоқ* каби. Булар уч мисолнинг русча қисмида предлог қатнашади (*к, около, перед*). Ўзбекча мисоллардан биринчи, иккинчисиди қатнашган олдида, олдида сўзлари кўмакчи от дейилади, лекин ҳеч ким унинг мисолдаги олдини сўзини кўмакчи от демайди. Кўринадики, бундай сўзлар ўрин маъносини англатадиган мустақил от бўлиб, уларнинг уч келишик шаклини сунъий равишда кўмакчи деб ажратиш ўзини оқламайди. Бундай ўрин отларини кўмакчилар қаторига киритиш натижасиди ўзбек тилида кўмакчиларнинг бир қисмига шакл ўзгариши хос (кўмакчилар узгарувчи сўз бўла олади) деган фикр ҳам айтилаётир. Модомики бирор от (бу ерда — ўрин оти) нисбатловчи ва турловчи олиб узгаришини йўқотмаган экан, уни кўмакчилар қаторига киритиш тўғри бўлмайди. Адабиётларда келтирилган ҳодисалар орасиди кўмакчига *тўғрисида, ҳақида, хусусиди* сўзлари энг яқин туради. Булар, аввало, ўрин маъносини англатмайди, иккинчидан, бу ерда лексик маънонинг мавҳумлашуви аниқ сезилади, учинчидан, бу сўзлар макон келишикларидан бошқа келишикда ишлатилмайди; ишлатилса, бошқа сўзга (отга) тенг бўлиб қолади; тўртинчидан, булар асосан нарсани англатадиган сўзга бирлашади, шу сабабли нисбатловчиси ҳам ўзгармайди (доим III шахс нисбатловчиси билан келади). Ана шу хусусиятлари асосиди бу сўзларни кўмакчилар қаторига қўшиш мумкин. Кўмакчи от деб саналадиган ўрин отлари эса асли мустақил туркумга мансуб сўзлигини йўқотмайди.

ҚИЁСИЙ СИНТАКСИСНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Синтаксисда мустақил туркумларга мансуб сўзларнинг (лексемаларнинг) тилнинг грамматик қоидалари асосиди ўзаро боғланиши, қўшилиши ўрганилади. Сўзларнинг боғланиши тобе-ҳокимликка, қўшилиши эса тенгликка асосланади. Масалан, *Кун иссиқ; иссиқ кун; куннинг иссиғи* каби синтактик бирликларнинг аъзолари тобе-ҳокимлик асосиди боғланади, натижада боғланма ҳосил бўлади (бундай синтактик бирликлар синтагма деб ҳам юритилади). Боғланма аъзолари орасиди тобе алоқани кўпайтирув аломати билан кўрсатиш мумкин: *Кун × иссиқ, иссиқ × кун* каби.

Сўзларнинг тенг алоқага киришуви боғланмани (синтагмани) эмас, балки уюшиқ қаторни (однородный рядни) юзага келтириши тўғри ва ҳаққоний (талаб), кенг ва текис (йўл) каби. Худай шундай алоқа асосида тузиладиган синтактик бирликларнинг қўшилма деб аташ ўринли. Уюшиқ қатор аъзолари орасида тенг алоқани қўшув аломати билан кўрсатиш мумкин: *кенг ва текис (йўл)* каби.

Синтаксис асосида тобе алоқа ётади. Шунга қарамай, тенг алоқа ҳам эътибордан соқит қилинмайди.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА УЮШИҚ ҚАТОР

Авваллари уюшиқ бўлақлар, уюшиқ бирикма деб юритилган ҳодиса ҳозир уюшиқ қатор деб номланаётир. "Уюшиқ бўлақлар" десак, маълум бир бўлақнинг бирдан ортиқ экани тушунилади, ваҳоланки одатда бўлақ битта бўлади, фақат у уюшиқ қатор билан ифодаланади. Масалан, *Ҳозир бозорда гўштнинг, ёғнинг нархи кўтаришиб кетди* гапида эга *гўштнинг, ёғнинг нархи* бирикмаси билан ифодаланган бўлиб, унинг таркибидаги қаратувчи (*гўштнинг, ёғнинг*) уюшиқ қатор билан ифодаланган. Шунингдек *Укам кулди, лекин индамади* гапида кесим уюшиқ қатор билан ифодаланган. Юқоридаги каби гапларда иккита қаратувчи бўлақ, иккита кесим бўлақ ҳақида эмас, балки икки тенг қисмли битта қаратувчи бўлақ, битта кесим бўлақ ҳақида гапириш ўринли. Чунки биринчи гапдаги *нархи сўзи гўштнинг, ёғнинг* сўзларига алоҳида-алоҳида эмас, ҳар иккисига биргаликда тааллуқли; иккинчи гапдаги *Укам сўзига кулди, лекин индамади* сўзлари биргаликда тааллуқли.

"Уюшиқ бўлақ" десак, уюшувчилар битта бўлақ эканини таъкидлаб, ҳодисага ташқи жиҳатдан (синтактик вазифа жиҳатидан) баҳо берамиз, ички синтактик қурилиш эса эътибордан четда қолади. Асли "якка сўз билан ифодаланган бўлақ", "бирикма билан ифодаланган бўлақ" дегандек, "уюшиқ қатор билан ифодаланган бўлақ" деб юритиш тўғри.

Уюшиқ қаторни боғланма (синтагма) деб бўлмайди, чунки унинг аъзолари тенглик асосида бирлашади; боғланмада эса унинг аъзолари тобелик асосида боғланади, шунга кўра боғланманинг тобе аъзоси ҳоким аъзосининг табиатига ва ўзи қайси туркумга мансублигига қараб грамматик шаклланади. Уюшиқ қаторда эса тобелик алоқаси йўқ, шу сабабли унинг аъзолари қайси грамматик шаклда келиши уюшиқ қаторнинг ўзи доирасида равшан бўлмайди, грамматик шакл уюшиқ қаторнинг бошқа синтактик

билан боғланиши асосида белгиланади (грамматик ўзгариш кўрсаткичи туркум сўзларида, албатта): *Олча ва олхўри гуллади. Олчани ва олхўрини қуритиб олдик. Олчанинг ва олхўрининг боғланган шохларини кесиб ташладик* каби.

Уюшиқ қаторни ташкил этадиган аъзолар одатда бир хил грамматик шаклда бўлади: *Сабзиди, пиёзни қишига етарли гамлаб олдик* гапида уюшиқ қаторни ташкил этган *сабзиди, пиёзни* шакллари — тушум келишигида. Шунингдек *Мы имеем достаточный запас моркови и лука на зиму* гапида ҳам уюшиқ қаторни ташкил этган *моркови и лука* сўзшакллари — родителъный келишикда.

Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, бундай уюшиқ қатор аъзоларининг грамматик шакли умумлаштирилиши, грамматик кўрсаткич уюшиқ қаторга яхлитлигича қўшилиши мумкин, бунда уюшувчи аъзоларнинг грамматик кўрсаткичи қавслардан ташқарига чиқарилади. Масалан, *ўқитувчиларимизни ва талабаларимизни* уюшиқ қаторида грамматик кўрсаткичларнинг умумлаштирилишини қавслардан ташқарига чиқариб шундай ифодалаш мумкин:

(<i>ўқитувчиларимизни</i>)	ва	(<i>талабаларимизни</i>)	
[(<i>ўқитувчиларимиз</i> -)]	ва	(<i>талабаларимиз</i> -)]	ни
[(<i>ўқитувчилар</i> -)]	ва	(<i>талабалар</i> -)]	имизни
[(<i>ўқитувчи</i> -)]	ва	(<i>талаба</i> -)]	ларимизни

Кўринадики, биринчи мисолда грамматик шаклланиш ҳар бир уюшувчи қисмда мустақил амалга ошади, улар икки мустақил қисм тарзида грамматик шаклланади; иккинчи мисолда уюшувчи қисмлар сонланиш ва нисбатланиш жиҳатидан мустақил шаклланади, лекин келишиги умумлашади; учинчи мисолда эса бу қисмлар сонланиш жиҳатидан мустақил шаклланиб, нисбатланиши ва келишиги умумлашади; тўртинчи мисолда эса ҳар уч грамматик категориянинг кўрсаткичлари умумлашади.

Уюшувчи сўзшакллар таркибидаги грамматик кўрсаткичларни бундай умумлаштириш рус тилига хос эмас: ҳар бир уюшувчи сўзшакл ўзича тўлиқ грамматик шаклланган бўлади: *наших преподавателей и студентов, нашим преподавателям и студентам* каби.

Ўзбек тилида уюшиқ қатор аъзоларини шакллантирадиган кўмакчини ҳам умумлаштириш мумкин: (*ўқитувчиларимиз билан*) ва (*талабаларимиз билан*)—[(*ўқитувчиларимиз*) ва (*талабаларимиз*)] билан каби. Рус тилида ҳам уюшиқ қатор аъзоларини

шаклантирадиган предлогни умумлаштириш мавжуд: *для (наши преподавателей и студентов)* каби.

Феълларнинг аналитик шаклларида ёрдамчини умумлаштириш ҳар икки тилда мавжуд: *будешь (учиться и работать)*, *но (не только понять, но и осмыслить)*; (*ҳам ўқиб, ҳам ишлаб турибман; (ҳам ўқиётган, ҳам ишлаётган)*) эмиш каби. Бу ҳодиса ўзбек тилида жуда кўп учрайди.

Демак, рус тилида умумлаштиришга аналитик грамматик шаклларда йўл қўйилса, ўзбек тилида, бундан ташқари, синтетик грамматик шаклларда ҳам воқе бўлади.

Ўзбек тилининг уюшиқ кесимларида ўзига хос хусусият шуки, охириги аъзо тусланган феъл шакли билан ифодаланиб, олдинги аъзо эса *-(и)б* равишдоши шаклида бўлиши мумкин: *Мен кундуз ишлаб, кечқурун ўқиётибман* каби. Бунда биринчи аъзо маънавий замон, шахс-сон жиҳатидан бетарафлашади, бу маънолар тусланидиган аъзога қараб белгиланади. Кўринадики, ўзбек тилида уюшувчи аъзоларнинг грамматик кўрсаткичларини умумлаштиришдан ташқари, олдин жойлашган аъзони бетараф шакли киритиш ҳам мавжуд.

Рус тилида уюшиқ феъл кесимнинг ҳар бир аъзоси одатда мустақил грамматик шаклланади: *Я днём работаю, а вечером учусь* каби. Бундай гапларда биринчи феълни деепричастие шаклида ишлатиш мумкин, лекин унда деепричастный оборот юзага келади: *Я, работая днём, учусь вечером* каби.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ПРЕДИКАТИВ БОҒЛАНМА

Боғланма икки мустақил лексик бирликнинг синтактик тобе алоқага киришуви билан юзага келишини айтдик. Боғланма ўз моҳиятига кўра аввало икки турга ажратилади: предикатив боғланма ва нопредикатив боғланма.

Предикатив боғланмада фикр (ҳукм) билдирилади, у гапга тенг бўлади, ёйиқ гапнинг эса асосини ташкил қилади: *Дарс бошланди. Сиртқи бўлимда дарслар ҳали бошланмади* каби.

Нопредикатив боғланмада тушунча англантилади, бундай боғланма одатда номлаш вазифасини бажаради ва бирор синтактик бўлак учун қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади: *кечки бўлим, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи* каби.

Предикатив бирлик боғланма билан ҳам, якка сўзшакл билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *укам келди* — предикатив боғланма; *келди* — предикатив сўзшакл. Демак, энг кичик пре

дикатив бирлик (кенгроқ олсак, энг кичик синтактик бирлик) сўзшакл билан ифодаланади; бундай предикатив бирлик кўпинча кесимга тенг бўлади.

Предикатив боғланма икки аъзоли бўлиб, одатда "ҳоким аъзо × тобе аъзо" андозаси асосида шаклланади; бунда ҳоким аъзо эга бўлак бўлиб, фикр субъектини билдиради; тобе аъзо эса кесим бўлиб, фикр предикатини билдиради: *Сув музлади. Вода шилела* каби.

Эга предмет тушунчаси билан боғлиқ бўлгани сабабли асосан билан, от тур олмош билан, феълнинг ҳаракат номи шакли билан ифодаланади: *Поезд прибыл. Поезд келди. Я заканчиваю. Мен тугатаётиман* каби. Бошқа бирликлар эга вазифасида келиши учун отлашади. Жумладан, ўзбек тилида сифатнинг отлашуви кўп учрайди, отлашган сифатнинг эга бўлиб келиши ҳам анчагина: *Яхши етар муродга, ёмон қолар уятга. Таржинаси: Хороший достигнет желаемой цели, плохой будет опозорен.* Рус тилида бундай ҳолларда кўпинча *хороший человек* каби боғланма ишлатилади. Бундан қатъи назар, отлашган сифатнинг эга бўлиб келиши ҳам учрайди: *Красивое всегда привлекает внимание* каби.

Рус тилида феълнинг инфинитив шакли эга бўлиб кела олади: *Курить вредно* каби. Ўзбек тилида эса бундай эга феълнинг ҳаракат номи шаклида (асосан ҳаракат номининг *-и* аффикси билан ҳосил қилинадиган шаклида) ифодаланади: *Чекми зарарли* каби (*Чекмоқ зарарли* каби ифодалаш — ўзбек тили учун ўта унъий).

Ўзбек тилида эга барча ҳолларда бош келишида шаклланади (бу келишиқ ўзбек тилида ноль кўрсаткичли). Рус тилида ҳам, турланмайдиган отларни назардан соқит қилсак, бошқа сўзшакллар эга вазифасида келса, одатда именительный падежда шаклланади (тугалланма ифодалайдиган род, сон маънолари эгани шаклантириш жиҳатидан бетараф): *Зима пришла. Ты (Она) стипендиатка. Вставать запрещается* каби.

Рус тилининг ўзбек тилидан яна бир фарқи шуки, эга, именительный падеждан ташқари, маълум шарт-шароитда родительный падежда ҳам шаклланиши мумкин: а) эга "саноқ сон (один сонидан ташқари) × от + родительный падеж" тузилишли нопредикатив боғланма билан ифодаланади: *Уехали три друга. Объединились пять друзей* каби; б) эга "ноаниқ миқдорни билдирадиган сўз × от + родительный падежнинг кўплиги" тузилишли нопредикатив боғланма билан ифодаланади: *Прошло много времени* каби. Булардан ташқари, эга *Пришло*

меньше ста человек, Прошло больше часа, Детей было много каби шаклларда ҳам ифодаланади. Охирги тур мисолларда родительный падеждаги сўзшаклни эга деб қараш мунозараси дейилади.

Кесим предметнинг белги-хусусияти билан боғлиқ бўлган сабабли асосан феъл билан, сифат билан ифодаланади. Кесимнинг от билан, шунингдек бошқа туркум бирликлари билан ифодаланиши оз учрайди.

Ифода ашёсига қараб феъл кесим ва от кесим ажратилган. Рус ва ўзбек тилларида бундай ажратиш қисман фарқ қилади. Рус тилида феъл кесим деб барча майллардаги феъл билан, шунингдек инфинитив шаклидаги феъл билан ифодаланган кесимларга айтилади; феълдан бошқа туркум сўзи билан, шунингдек сифатдош билан ифодаланган кесимга от кесим дейилади (рус тилида равишдош кесим вазифасида келмайди).

Ўзбек тилида барча майлларнинг тусланувчи феъл шакллари шунингдек равишдош шаклидаги кесимга ҳам феъл кесим дейилади; феълдан бошқа туркум сўзи билан, шунингдек феълнинг ҳаракат номи шакли билан ифодаланган кесимга от кесим дейилади.

Яна бир фарқ шундаки, рус тилида сифатнинг, сифатдошнинг тўлиқ ва қисқа шакллари мавжуд бўлиб, кесим вазифасида кўпинча қисқа шакллар келади: *Он молодой. Ты расстроен* каби. Ўзбек тилида сифатнинг, сифатдошнинг қисқа шакли мавжуд эмас. Сифат шу бир шаклда тусловчи олиб кесим вазифасида келади: *Мен ёшман* каби. Сифатдош эса ўзбек тилида кесим бўлиб келмайди, чунки кесим вазифасидаги сўзшакл ўзбек тилида тусловчи олади, натижада сифатдош тусловчили феълга айланади.

Кесимлар рус ва ўзбек тилларида шахслар бўйича тусланиши-тусланмаслиги жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Рус тилида изъявительное наклонениедаги феълларнинг ҳозирги ва келажакдаги замон шаклларида шахслар бўйича тусланади, демак, тусланиш феъл кесимларнинг бир қисмигагина мансуб. Изъявительное наклонениенинг ўтган замон шаклидаги феъл билан ифодаланган кесим эса шахслар бўйича тусланмайди (сонда, қисман родда эга билан мослашув воқе бўлади). Худди шу ўтган замон шаклида асосланадиган сослагательное наклонениеда ҳам, табиий, шахслар бўйича тусланиш йўқ.

Ўзбек тилида эса барча майллардаги феъл шакллари тусланади; равишдош билан ифодаланган феъл кесимгина тусланмайди.

Рус тилида боғламасиз шаклланган от кесимлар ҳам шахслар билан тусланмайди; боғлама ишлатилган от кесимлардагина тусланиш воқе бўлади. Ўзбек тилида от кесим, боғлама ишлатилган-ишлатилмаслигидан қатъи назар, тусланади.

Рус тилида боғлама ишлатилмаган от кесимларда ноль боғлама (нулевая связка) ҳақида гапирилади. Ўзбек тилида эса от кесим вазифасида келадиган сўзга тусловчи қўшилади, демак, боғламага эриш сезилмайди. Ўзбек тилида боғлама шахс-сон маъносини билдириш учун эмас, балки майл, замон маъноларини ифодалаш учун зарур.

Боғлама бўлиб келадиган бирликлар ҳам рус ва ўзбек тилларида фарқ қилади. Рус тилида боғлама бўлиб, аввало, *быть* шаклидаги феъл келади: *Утро было хмурое. Он всегда будет таким другом тебе.* Боғлама вазифасини ҳали лексик маъносини билдирмаган *делаться, стать, становиться, являться, считать, называться* каби феъллар ҳам бажаради: *Жизнь становится тяжелее. Хатто приходится, притти, вернуться, стоять, ждать* каби ҳаракат-ҳолат феъллари ҳам рус тилида боғлама бўлиб келиши мумкин: *Книга на столе лежала раскрытым. Подога стоит холодная* каби.

Ўзбек тилида боғлама вазифасини одатда *бўлмоқ* ёрдамчи феъл бажаради: *Сен қачон яхши мутахассис бўласан? Мен қандай механизатор бўлдим* каби (ўзбек тилида *бўлмоқ* ёрдамчи феъл, боғлама бўлишдан ташқари, бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Масалан, *Мен заводда инженер бўлиб ишлайман* гапида *бўлиб* ҳол бўлакни шакллантиришга хизмат қилади).

Рус тилидаги *был* боғламасига ўзбек тилида *гуё эди* ёрдамчиси қўри келади: *Он был нашим куратором.— У бизнинг кураторимиз эди.* Аслида русча *был* боғламасига *бўлмоқ* ёрдамчи феълнинг ўтган замон шакли муқобил; *эди* ёрдамчиси эса замон шаклини ясовчи деб қаралиши тўғри. Қуйидаги тур мисоллар билан аниқ кўрсатади: *У бизнинг кураторимиз бўлган эди.* Айни ҳолда ҳам *бўлмоқ* ёрдамчисининг, ҳам *эди* ёрдамчисининг қатнашуви улардан фақат бири боғлама эканидан далолат беради: *Мен ўқитувчи бўлдим. Мен ўқитувчи бўлмоқчиман. Мен ўқитувчи бўлган эдим. Мен ўқитувчи бўлмоқчи эдим. Мен ўқитувчи бўлариман* каби. Шунингдек *экан, эмиш* ёрдамчилари қатнашадиган тур мисолларда ҳам булар ўтган замонни модал маъно билан ифодалашга хизмат қилади, демак, булар ҳам асли боғлама эмас. Масалан, *эди, экан, эмиш* ёрдамчилари от кесимлар таркибига киргани эмас, феъл кесимлар таркибида ҳам қатнашади; энди буларда уларни боғлама деб бўлмайди: *ўқир эди, ўқир экан* каби.

Боғламанинг ўзи тааллуқли сўзнинг грамматик шаклига таъсири ҳам рус ва ўзбек тилларида ҳар хил. Рус тилида боғламани ўзи тааллуқли отнинг, тўлиқ шаклдаги сифатнинг творительный падежда келишини талаб қилади: *Он был студентом* каби. Фақат ноль кўрсаткичли боғлама қатнашса, бундай кесим именительный падежда бўлади: *Он студент* каби. Ўзбек тилида боғлама кесимнинг келишигига таъсир қилмайди: *Мен студентман. Мен студент бўлман. Мен студент бўлдим. Укам уйда. Укам уйда бўлади* каби.

Умуман, боғламанинг табиати ўзбек тилшунослигида қанчалик етарли ўрганилмаган.

КЕСИМНИНГ ЭГА БИЛАН МУВОФИҚЛАШУВИ

Предикатив боғланмада эга ҳам, кесим ҳам одатда тугал грамматик шаклланган бўлади — сўзшакл билан ифодаланган. Эгада синтактик вазифа кўрсатиш келишикка хос. Бундай ташқари, эгада шахс, сон, баъзан род маънолари ҳам ифодаланган. Худди шу маънолар кесимнинг шаклланишига таъсир қилади: кесимнинг қайси шахсда, сонда, ўрни билан қайси родда бўлишини эга вазифасидаги сўзшакл белгилайди (айрим сўзшакл билан ифодаланган эга қатнашмаса, кесимдаги бу маънолар назарда тутилган бажарувчи шахс асосида белгиланади). Демак, кесим ифодалайдиган шахс, сон, род маънолари — тобе маъно, шунга кўра предикатив боғланмани тобе алоқанинг бир кўриниши дейиш тўғри (баъзи адабиётларда предикатив боғланма аъзолари бири иккинчисига на тобе, на ҳоким бўлмайди деган фикр ҳам айтилди), чунки предикатив боғланмада кесимнинг шахс, сон, қисман род жиҳатдан шаклланиши эга томонидан белгиланади, лекин эганинг грамматик шаклланишига кесим таъсир қилмайди.

Эга билан кесим орасидаги синтактик алоқага мослашув дейилар эди, ҳозир координация дейилмоқда (буни ўзбек тилида мувофиқлашув деб номладик). Ҳақиқатда, эга билан кесимнинг синтактик алоқаси том маънода мослашув эмас. Мослашувда боғланманинг тобе аъзоси ҳоким аъзосининг грамматик шаклига мос ҳолда шаклланади ва ўзгаради, мослик одатда боғланма аъзоларининг грамматик маъно ифодалайдиган қисмида (грамматик кўрсаткичлар орасида) воқе бўлади: *полезная книга, полезную книгу* каби.

Предикатив боғланмада бундай эмас: синтактик алоқада эгадан, кесимдан англашиладиган грамматик маъноларнинг бир қисмигина қатнашади. Эга вазифасидаги сўзшаклнинг келишиги

синтактик алоқани таъминлайди, лекин эга билан кесимни мутаносиб шакллантиришда қатнашмайди. Шунингдек кесим вазифасидаги сўзшаклда ифодаланадиган майл, замон каби маънолар ҳам предикативликни таъминлайди-ю, лекин эга билан кесим муносабатида қатнашмайди. Кўринадики, предикатив боғланма аъзоларига хос грамматик шакллар (маънолар) синтактик алоқада тўлиқ қатнашмайди, демак, эга билан кесим алоқасида мослашув эмас, мувофиқлашув воқе бўлади.

Маълумки, рус тилида предикатив боғланма аъзолари орасидаги синтактик алоқада шахс, сон, род ҳисобга олинади; ўзбек тилида эса род йўқ, шунга кўра асосан шахс ва сон ҳисобга олинади.

Эга билан кесим алоқасида шахс, сон, роднинг мавқеи ҳар хил. Бундай синтактик алоқада род қуйидагича намоён бўлади: 1) кесим эгага родда мослашади: *Он работал — Она работала. Он должен работать — Она должна работать. Он красивый — Она красивая. Он был красивым — Она была красивой* каби (*Он будет красивым — Она будет красивой* каби боғланмаларда родда мослашув кесим таркибининг фақат сифат қисмида намоён бўлади); 2) род эгада ифодаланган, кесимда эса ифодаланмайди, демак, грамматик мослашув воқе бўлмайди: *Он работает — Она работает. Он будет работать — Она будет работать* каби; 3) род кесимда ифодаланган, эгада эса ифодаланмайди, демак, грамматик мослашув воқе бўлмайди: *Я красивый || красивая. Я буду красивым || красивой. Ты красивый || красивая. Ты будешь красивым || красивой. Я || Ты учитель || учительница. Я буду учителем || учительницей. Ты будешь учителем || учительницей*. Предикатив боғланмаларнинг бошқа кўринишларида род ифодаланмайди.

Хуллас, род — предикатив боғланма учун жузъий ҳодиса; род ифодаланадиган боғланмаларда бу категория предикатив боғланманинг бир аъзосида ёки икки аъзосида ифодаланган; бир аъзосида ифодаланган, грамматик мутаносиблик бўлмайди; ҳар икки аъзосида ифодаланган, грамматик кўрсаткичлар орасида мослашув содир бўлади. Демак, род маъносининг ифодаланиши асосида предикатив боғланмани мослашув алоқасидан ажратиб олиш мумкин эмас.

Предикатив боғланмада сон маъносининг ифодаланиши қуйидагича: 1) эга ва кесим кўпликда келса, мослашув воқе бўлади: *Мы работаем. Вы работаете. Они работают. Мы || Вы || Они работали. Мы || Вы || Они должны работать. Мы || Вы || Они красивые || учителя. Мы || Вы || Они были*

красивыми || учителями. Мы будем || Вы будете || Они будут || красивыми || учителями каби; 2) эга ва кесим бирликда келса: а) сон маъноси эгада ноль кўрсаткичли тугалланма билан кесимда товуш кўрсаткичли тугалланма билан ифодаланади: Он Ø работает (<—> Они работают). Он Ø будет работать (<—> Они будут работать); б) сон маъноси эгада ҳам, кесимда ҳам ноль кўрсаткичли тугалланма билан ифодаланади: Он Ø работал Ø (<—> Они работали). Он Ø должен Ø работать (<—> Они должны работать). Он Ø учитель Ø (<—> Он учитель). Он Ø был Ø учителем || красивым (<—> Он был учителем || красивыми) каби; в) сон маъноси кесимда тугалланма билан, эгада эса асоснинг ўзи билан ифодаланади: Я работаю. Ты работаешь. Я буду работать. Ты будешь работать. Я || Ты красивый || красивая; г) сон маъноси кесимда ноль кўрсаткичли тугалланма билан, эгада эса асоснинг ўзи билан ифодаланади: Я || Ты работал Ø (<—> Мы || Вы работали). Я || Ты должен Ø работать (<—> Мы || Вы должны работать). Я || Ты был Ø учителем || красивым (<—> Мы || Вы были учителями || красивыми) каби.

Кўринадики, эга билан кесим алоқасида сон маъноси кўпичи грамматик кўрсаткичлар билан ифодаланади ва бундай ифодаланишни мослашув деб қараш керак. Шу билан бирга, сон маъносининг эгада асос билан, кесимда грамматик кўрсаткич билан ифодаланиши ҳам мавжуд ва бундай ифодаланишни мослашув деб бўлмайди. Лекин эга билан кесим алоқасида сон жиҳатдан мослашув устун, шу туфайли предикатив боғланма билан сон маъносига суяниб туриб мослашув алоқасидан ажратиб олиш қийин.

Предикатив боғланмада шахс маъносининг ифодаланиши куйидагича: 1) шахс маъноси кесимда ифодаланмайди (бетараф эгада асоснинг ўзи билан ифодаланади: Я || Ты || Он работает. Она работала. Мы || Вы || Они работали. Я || Ты || Он учитель || красивый; Она учительница || красивая. Я || Ты || Он был учителем || красивым; Она была учительницей || красивой. Мы || Вы || Они учителя || красивые. Мы || Ты || Он были учителями || красивыми каби; 2) шахс маъноси кесимда тугалланма (грамматик кўрсаткич) билан, эгада эса асос билан ифодаланади: Я работаю. Я буду работать. Ты работаешь. Ты будешь работать. Он работает. Он будет работать. Она работает. Она будет работать. Мы будем работать ва ҳоказо.

Кўринадики, шахс маъноси кесимнинг айрим турларида бетараф бўлади, айрим турларида эса грамматик кўрсаткич билан ифодаланади; эгада шахс маъноси доим грамматик кўрсаткич билан эмас, балки асоснинг ўзи билан ифодаланади. Демак, ҳар икки ҳолда ҳам мутаносиблик грамматик кўрсаткичлар орасида воқе бўлмайди, шунга кўра эга билан кесим алоқасида шахс маъносининг ифодаланишини мослашув деб қараш мумкин эмас. Асли предикатив боғланмани мослашувдан ажратиб, мувофиқлашув деб баҳолашда — шахс маъносининг ифода усули ҳал қилувчи омиллардан бири.

Хуллас, предикатив боғланма аъзолари орасида шахс жиҳатидан, қисман сон жиҳатидан мутаносиблик асос билан грамматик кўрсаткич орасида воқе бўлади (родда мутаносиблик мослашувни акс эттиради); эгада ва кесимда ифодаланишдан бошқа грамматик маънолар эга билан кесим алоқасида қатнашмайди. Шуларни ҳисобга олиб, эга билан кесим мослашмайди, балки мувофиқлашади деймиз.

Ўзбек тилида предикатив боғланма аъзолари орасидаги алоқада ҳам шахс, сон ҳисобга олинади. Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, род маъноси йўқ; ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти шуки, эга билан кесим алоқасида модал маънонинг ифодаланиши жуда кучли, шу сабабли модал маъно жиҳатидан мутаносибликни ҳисобга олиш керак.

Кесимга ўзбек тилида доим тусловчи қўшилади (равишдош шакли билан ифодаланган кесимдан ташқари), фақат Мен келганим йўқ, Мен келишим керак каби қурилмалар кесимида шахс-сон нисбатловчи билан ифодаланади, бунда нисбатловчи тусловчи вазифасини бажаради. Эгада шахс маъноси асос билан ифодаланади. Демак, ўзбек тилидаги предикатив боғланма аъзоларида шахс жиҳатидан мутаносиблик асос билан грамматик кўрсаткич орасида воқе бўлади; шахс жиҳатдан мутаносиблик грамматик кўрсаткичлар орасида воқе бўлмас экан, предикатив боғланмада мувофиқлашув ҳақидагина гапириш мумкин.

Предикатив боғланманинг маълум бир туридагина эга шахс жиҳатидан бетараф бўлади: Уқитувчи менман || сенсан || у Ø каби.

Ўзбек тилида Ўзим келдим, Ўзим ўқитувчиман, Ҳаммамиз келдик, Икковимиз келамиз каби қурилмалар ҳам мавжуд бўлиб, буларнинг ҳар икки аъзосида шахс-сон маъноси грамматик кўрсаткич билан ифодаланади. Лекин бундай қурилма таркибида келадиган бош келишидаги сўзшакл (ўзим, ҳаммамиз, икковимиз каби) — эга эмас, балки таъкидловчи (бундай вазифадаги сўзшакл-

ни одада изоҳловчи деб атайдилар); асли эга вазифасини бажариши лозим бўлган кишилик олмоши ишлатилмайди, шу сабабли таъкидловчини эгага тенглаштириш содир бўлади: *Мен ўзим келдим* → *Ўзим келдим* каби. Кўринадики, *Ўзим келдим* каби қурилмалар ҳам умумий қоидадан истисно эмас. Хуллас, ўзбек тилида эга билан кесим шахсда мувофиқлашади.

Предикатив боғланма аъзоларида сон маъносининг ифодаланиши қуйидагача:

1) Кесим сон жиҳатидан бетараф бўлади, бирликдаги эга билан ҳам, кўпликдаги эга билан ҳам ишлатилаверади: *У* || *Улар келсин* || *келади* || *келди* || *келган* || *ўқитувчи* || *келгани йўқ* || *келиши керак* каби. Кўринадики, бундай ҳолат III шахсдагина содир бўлади, чунки ўзбек тилида III шахс тусловчиси фақат шахс кўрсаткичи бўлиб, сон жиҳатидан бетараф (бирлик — кўплик зидланиши йўқ). Ўзбек тили бу хусусияти билан рус тилидан фарқланиб туради. Вақтли матбуотда, кўпинча рус тилидан таржималарда кесимни III шахс кўплигида эга билан сон жиҳатидан мослашга интилиш бор: *Усмонов ва Убайдуллаев ўртоқларнинг бригадалари ҳаммадан олдинда бормоқдалар* каби (Газетадан). Бундай ҳолларда кесимни кўпликда ишлатиш ўзбек тилига табиий хос хусусиятни бузиш бўлади.

2) *Сенлар кел[гин]* || *келдинг* || *келсанг* || *келсан* || *келгансан* || *ўқитувчисан* || *келганинг йўқ* || *келишинг керак* каби "сенлаш" ифодаланадиган предикатив боғланмаларда, эга кўплик шаклида бўлишига қарамай, кесимга бирлик тусловчиси қўйилади, натижада сон жиҳатидан мутаносиблик йўқолади: тусловчи шаклан II шахснинг бирлигига тенг бўла туриб шу шахснинг кўплигини ифодалашга хизмат қилади. Рус тилида бундай ҳолат йўқ.

3) Маълум қурилмаларда сон жиҳатидан мослашув воқе бўлади (сон маъноси эгада ҳам, кесимда ҳам грамматик кўрсаткич билан ифодаланади): *Сизлар келингиз* || *келинглар* || *келдингиз* || *келсангиз* || *келганингиз йўқ* || *келишингиз керак*; *Сенлар келинглар* || *келларинг* || *келдинглар* || *келдиларинг* || *келсаларинг* || *келганларинг йўқ* || *келишларинг керак*; *Бизлар келайлик* || *келдик* || *келсак* || *келамиз* || *келганмиз* каби.

4) Маълум предикатив боғланмаларда эса сон жиҳатидан мувофиқлашув воқе бўлади (сон маъноси эгада асос билан, кесимда грамматик кўрсаткич билан ифодаланади): *Мен келай [ин]* || *келдим* || *келсам* || *келаман* || *келганман* || *ўқитувчиман* || *келганим йўқ* || *келишим керак*; *Биз келайлик* || *келдик* || *келсак* || *келамиз* || *келганмиз* || *ўқитувчимиз*

|| *келганимиз йўқ* || *келишимиз керак*; *Сен кел [гин]* ва ҳоказо; *Сиз келингиз* ва ҳоказо (бундай қурилмаларда модал маъно бўйича ҳам мувофиқлашув содир бўлади).

5) Қуйидаги тур предикатив боғланмаларда ҳам сон жиҳатидан мувофиқлашув воқе бўлади, лекин модал маъно жиҳатидан мослашув юз беради: *Опамлар келсинлар* || *келдилар* || *келсалар* || *келадилар* || *келганлар* || *ўқитувчилар* || *келганлари йўқ* || *келишлари керак*; *Опамлар келишсин* || *келишди* || *келишса* || *келишади* || *келишган* || *келишгани йўқ*.

Предикатив боғланмаларда модал маънонинг ифодаланиши қуйидагича: а) эга *мен, сен, у* олмошлари билан, шунингдек кўплик маъносидаги *биз, сиз, улар* олмошлари билан ифодаланган боғланмаларда модал маъно ифодаланмайди: *Мен келай[ин]* ва ҳоказо; б) баъзи боғланмаларда модаллик фақат кесимда ифодаланади: *Опам келсинлар* || *келишсин* ва ҳоказо; в) модал маъно эгада ҳам, кесимда ҳам грамматик кўрсаткич билан ифодаланади, демак, мослашув воқе бўлади: *Опамлар келсинлар* || *келишсин* || ва ҳоказо; *Сизлар келингизлар* ва ҳоказо; *Сенлар келинглар* || *келларинг* ва ҳоказо; *Улар* (бирлик) *келсинлар* || *келишсин* ва ҳоказо; г) айрим боғланмаларда модал маъно шахс маъноси билан биргаликда эгада асос билан, кесимда эса грамматик кўрсаткич билан ифодаланади, натижада мувофиқлашув воқе бўлади: *Биз* (бирлик) *келайлик* (бирлик) ва ҳоказо; *Сиз* (бирлик) *келдингиз* (бирлик) ва ҳоказо.

Кўринадики, модал маънонинг ифодаланишида асосан мослашув, қисман мувофиқлашув юз беради.

Юқоридаги тасвирлардан маълум бўладики: 1) Рус тилидаги предикатив боғланмаларнинг маълум бир қисмида кесим шахс жиҳатидан бетараф бўлади; ўзбек тилида эса равишдош билан ифодаланган кесимдан бошқа барча кесимларда шахс маъноси ифодаланади. Шу сабабли шахс маъносининг ифодаланишида мувофиқлашув рус тилидан кўра ўзбек тилида кўпроқ; 2) Сон маъноси русча предикатив боғланмаларнинг ҳар икки аъзосида ифодаланади; ўзбекча предикатив боғланмаларда ҳам асосан шундай; лекин, шу билан бирга, ўзбек тилида кесимнинг сон жиҳатидан бетараф бўлиши, эга билан кесим муносабатида сон жиҳатидан мутаносибликнинг йўқолиши ҳам бор. Бундай истиснолардан қатъи назар, эга билан кесимнинг сон жиҳатидан мувофиқлашуви ўзбек тилида рус тилидагидан кўра кўпроқ; эга билан кесимнинг сон жиҳатидан мослашуви эса рус тилида ўзбек тилидагидан кўра кўпроқ; 3) Русча предикатив боғланмаларда род маъносининг ифодаланиши мослашувни акс эттиради; ўзбек

тилида модал маънонинг ифодаланиши асосан мослашувни, қисман мувофиқлашувни акс эттиради; 4) Предикатив боғланмаларнинг баъзиларида фақат мувофиқлашув алоқаси, баъзиларида эса фақат мослашув алоқаси мавжуд бўлиб, қолган турларида эса мувофиқлашув билан мослашув биргаликда содир бўлади; 5) Булардан қатъи назар, предикатив боғланмаларда унинг аъзолари ифодаладиган грамматик маънолар синтактик алоқада тўлиқ қатнашмайди: эгада келишик, кесимда майл, замон кабилар эга билан кесим мутаносиблигида иштирок этмайди, шу сабабли мослашув алоқаси ҳақида гапириб бўлмайди. Мослашув алоқаси қай даражада қатнашувидан қатъи назар, предикатив боғланма аъзолари орасида мувофиқлашув алоқаси воқе бўлади.

Хуллас, предикатив боғланма моҳият жиҳатидан рус ва ўзбек тилларида асосан бир хил бўлса ҳам, бундай боғланма аъзоларининг грамматик шаклланишида ва ўзаро синтактик муносабатида ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА НОПРЕДИКАТИВ БОҒЛАНМАЛАР

Нопредикатив боғланма доим икки аъзодан таркиб топади, улардан бири тобе, иккинчиси эса ҳоким бўлади. Предикатив боғланмада унинг ҳоким аъзоси одатда олдин, тобе аъзоси кейин жойлашади, нопредикатив боғланмада, аксинча, тобе аъзо кўпинча олдин, ҳоким аъзо эса кейин жойлашади. Муҳим фарқ шуки, предикатив боғланмада унинг ҳар икки аъзоси сўзшакл билан ифодаланади, шунга кўра ҳар иккиси синтактик бўлак (эга, кесим) сифатида шаклланади. Нопредикатив боғланмаларда эса унинг тобе аъзоси кўпинча сўзшакл билан ифодаланади, шунга кўра шу аъзогина синтактик бўлак (масалан, тўлдирувчи) сифатида шаклланади.

Нопредикатив боғланмалар (булар бирикма деб ҳам юритилади) турлича тасниф қилинади, шулардан бири тобе аъзосининг синтактик моҳияти асосида таснифлаш бўлиб, бунда сифатловчи бирикма, тўлдирувчи бирикма, ҳолли бирикма каби боғланмалар ажратилади.

Бирикмаларнинг тобе аъзоси (сифатловчи, тўлдирувчи, ҳол) гапнинг иккинчи даражали бўлаги деб юритилар эди, кейинги йилларда ёювчи бўлак деб талқин қилинмоқда. Бундай ёндашувга кўра аввал предикатив боғланма (гап) тузилади, кейин кесимга, эгага доир ёювчи бўлак қўшилади (киритилади), ўз навбатида бу ёювчи бўлак яна ёйилиши мумкин. Агар бу фикрга қўшилсак, синтактик бўлак учун қурилиш ашёси бўлиб сўзшаклдан йирик

синтактик бирикнинг (бирикманинг, гапнинг) кела олишини инкор этган бўламиз. Аслида синтактик бўлакнинг ёйилиши ҳақида эмас, балки синтактик бўлакнинг, сўзшаклдан ташқари, турли-туман боғланмалар билан ифодаланиши ҳақида гапириш ўринли. Гап қурилишида бирор бўлакнинг бошқа бир бўлакка ёки гапга бир бутун ҳолда тааллуқли бўлиши алоҳида масала бўлиб, бу масалани ҳал этишда ёювчи бўлак тушунчасига зарурият йўқ.

Бизнингча, предикатив боғланмани ташкил этадиган эга билан кесимни гапнинг бўлаги деб, бирикманинг тобе аъзосини бирикманинг бўлаги деб номлаш тўғри (гап қурилишида бирикма бўлагининг мавқеи ўзгариши мумкин, бу ҳақда кейинроқ гапиримиз).

I. Тўлдирувчи бирикмалар рус ва ўзбек тилларида моҳият жиҳатидан бир хил. Тўлдирувчи тўлдирилмишига бошқарув усули билан боғланади: тўлдирилмиш бўлиб келган лексеманинг маъноси унга боғланадиган тўлдирувчи қайси синтактик шаклда келишини белгилайди.

Тўлдирувчининг икки тури ажратилади: воситасиз тўлдирувчи (прямое дополнение) ва воситали тўлдирувчи (косвенное дополнение).

I. Воситасиз тўлдирувчи ўтимли феъл томонидан бошқарилади ва ҳаракат ўтган объектни билдиради. Воситасиз тўлдирувчи рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам асосан тушум келишигида шаклланади: *читать книгу — китобни ўқимоқ* каби. Ҳаракат объектга қисман ўтса, бундай воситасиз тўлдирувчи рус тилида родительный падежда, ўзбек тилида эса чиқиш келишигида шаклланади: *выпить молоко — выпить молока; сутни ичмоқ — сутдан ичмоқ* каби.

Рус тилида родительный падеж бўлишсиз шаклдаги ўтимли феъл бошқарган воситасиз тўлдирувчини ҳам шакллантиради: *не покупать карандаша, не писать письма, ничего не делать* каби. Ўзбек тилида воситасиз тўлдирувчининг келишигига феълнинг бўлишли-бўлишсизлиги таъсир этмайди: *китобни ўқимоқ — китобни ўқимаслик* каби. Рус тилидан фарқли ҳолда ўзбек тилида қаратқич келишиги тўлдирувчини шакллантормади.

Ўзбек тилида тушум келишиги белгили (аффикс қатнашади: *пахтани термоқ* каби) ёки белгисиз (аффикс қатнашмайди: *пахта термоқ* каби) ишлатилади, шунга кўра воситасиз тўлдирувчи икки кўринишда намоён бўлади. Рус тилида бундай хусусият йўқ.

3. Ўзбек тилида феълнинг сифатдош, ҳаракат номи шакллари марҳум келишида ёки кўмакчи билан ишлатилиб, ҳол вазифа-роҳатнинг сифатдош шакли бўлади. Рус тилида сифатдош ҳол вазифасида кейинги шакл бўлади. Рус тилининг ўзига хос хусусияти шуки, ҳол бўлак инфинитив билан ифодалангани мумкин: *Она пришла после-после* ташкил қилинади.

4. Ҳар яқини тилда ҳол равишдош билан ифодалангани: *Уинаб гангсанг ҳам, ўилаб гангир.—Хотя и говорить негоя (негоя, ўзига тааллуқли сўзшакл билан ёйилган равишдош ҳол бўлак ўзбек тилида ҳолланмиши олдига келади ва олдда ажратилмайдиган: Мен чин кунгидан севиниб қарши олдига каби. Рус тилида эса ўзига тааллуқли сўзшакл билан ёйилган равишдош ҳол бўлак кўпинча ҳолланмишидан кейин келади, шунга қўра ажратилгани: Он лег в постель, закутавшись ватным одеялом* каби.

III. Сифатловчи бирикмалар рус ва ўзбек тилларида кескин фарқ қилади. Рус тилида сифатловчилар мослашадиган ва мослашадиган сифатловчи дў иккига ажратилади. I. Асли том маънодаги, яъни ҳам грамматик, ҳам семантик жихатдан сифатловчи дў қарашга лойиқ сифатловчи — мослашадиган сифатловчи. Чунки бундай сифатловчи вазифасида предмети белгисини англашадиган туркум лексемаси келади ва сифатланмиш отнинг грамматик шаклига мос ҳолда грамматик кўрсаткич олдига ҳамда мослашиб ўтаради: *чистая бумага, чистую бумагу* каби.

Рус тилида сифатловчи бирикманинг тобе аъзоси (сифатловчи) ҳоким аъзосига (сифатланмишига) қараб грамматик кўрсаткич олдига, грамматик кўрсаткичлар орасида муносиб ўтариш юз беради. Лекин бирикма доирасида на ҳоким аъзонинг, на тобе аъзонинг грамматик шакли аниқ бўлмайди, бундай бирикманинг аъзолари нутқда аниқ бир грамматик шакл касб этади. Турки, сифатловчи бирикмани алоҳида бирлик сифатида талаффуз этиш зарур бўлса, уни марҳум под, бирлик, бош келишик шаклида айтанимиз, чунки шундай грамматик шакл сифатловчи бирикма учун бош шакл дўб қабул қилинган: *черный карандаш, большая лампочка, синее небо* каби. Бундай боғланмада турганмааларни турбулчуякка олсак, қолган қисм бирикманинг аъзосига тенг бўлади: *черный, карандаш, синий, карандаш* [1].

2. Воситали турлидурчи ҳар икки тилда дярли бир хил ифодалангани. Ассий фарқ шуки, рус тилида воситали турлидурчи роҳатнинг сифатдош шакли мумкин (ўзбек тилида эса қараткич келишиги турлидурчи шакллантиришга хизмат қилади): 1) феълларнинг марҳум маъно турмуҳи (глаголы удаленин, лишенин, достижененин, желанин) роҳатнинг сифатдош воситалин турлидурчи бошқаргани: *боятся холода, лютится югом, ждаться ответа* каби; 2) бундай ҳолат роҳатнинг сифатдош шакли бўлади: *не хватает мяса* каби; 3) предметларнинг белгисини қислашда (сифат бошқарувда) ҳам воситали турлидурчи роҳатнинг сифатдош шакли билан ифодалангани, ўзбек тилида эса бундай воситали турлидурчи чикиши келишигидаги сўзшакл билан ифодалангани: *Спать прочнее железа.—Плутать мешком* мустаҳкам каби.

II. Ҳолли бирикмалар ҳам рус ва ўзбек тилларида моҳият жихатдан бир хил. Ҳол билан ҳолланмиш орасидаги синтактик алоқа икки хил: 1) Ҳол вазифасида шакл ўтариши йўқ бирлик (равиш, равишдош; ўзбек тилида сифат ҳам) келса, ҳолланмишига битишув учули билан боғланади: *узок || яхши || мундуб дам олом; стозьь дого || обокотитесь на недуга* каби; 2) Ҳол вазифасида марҳум келишида ёки кўмакчи (рус тилида предлог) билан шаклланиган сўзшакл келса, ҳолланмишига бошқарув учули билан боғланади: *У университетга келди.— Он ушел в университет. Бу бил баҳорда университет кун бўди. В этом году весной осадков было много* каби.

Ҳолнинг маъно турлари рус ва ўзбек тилларида дярли бир хил ажратилгани, фарқ, ўз-ўзидан, ҳолнинг ифода аъзосида намоён бўлади. Бу жиҳатдан энг муҳим фарқлар қуйидагича: I. Равиш ҳоли (обстоятельство образа действия) рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам асосан равиш билан ифодалангани: *говоришь так же — селит гангирмоқ* каби; рус тилидан фарқли ҳолда бундай ҳол ўзбек тилида сифат билан ҳам ифодалангани: *говоришь краснее — чиродил гангирмоқ* каби.

Рус тилида именительный падеж ҳол бўлакни шакллантирилади. Асли ўзбек тилида ҳам шундай, лекин бирикма билан ифодаланганида ҳолнинг марҳум турлари бош келишида шаклланиди: *эта ишт, ту кунин; бу гал, хар сафар* каби.

больша́я], лампочка́, сини́е, небо́. Тилда бундай сифатловчи бирикманинг андозаси бор: (асос + тугалланма) × (асос + тугалланма); бу андозада қайси тугалланмалар (ўз-ўзидан, қайси лексемалар ҳам) қатнашуви нутқдагина аниқ бўлади. Демак, рус тилида сифатловчи бирикманинг тобе аъзоси бирикма доирасида грамматик шаклланиб етмайди; бундай бирикманинг ҳоким аъзоси ҳам (асли бирикманинг ўзи ҳам) нутқда тугал грамматик шаклланади.

Ўзбек тилида сифатловчи бирикманинг тобе аъзоси ҳоким аъзосига битишув усули билан боғланади: сифатловчи вазифасида келадиган бирликка сифатланмиши билан синтактик алоқага киришуви туфайли бирор грамматик кўрсаткич қўшилмайди: *қора қалам, катта лампочка, мовий осмон* каби. Бунда тобе аъзо бирикманинг ўзи доирасида тугал грамматик шаклланади, сўзшаклга тенг бўлади; ҳоким аъзонинг (асли бирикманинг яхлитлигича) грамматик шакли эса нутқда аниқлашади, шунга кўра ҳоким аъзо (асли сифатловчи бирикма) навбатдаги синтактик алоқага киришгунгача асосга тенг бўлади. Юқориди айтилганларни қавслар ёрдамида шундай кўрсатиш мумкин: [(қора) × (қалам =)] = . Демак, рус тилида сифатловчи бирикманинг ҳам тобе, ҳам ҳоким аъзоси айна бир вақтда нутқнинг ўзида грамматик шакл олади; ўзбек тилида эса тобе аъзо бирикма доирасида мустақил шаклланади, ҳоким аъзо (асли бирикма яхлитлигича) нутқда грамматик шакл олади.

Рус тилида сифатловчи вазифасида шакл ўзгариши бор туркум бириклари (сифат, сифатдош, сифат тур олмош, сон) келади. Булардан сон билан ифодаланадиган сифатловчи алоҳида хусусиятга эга. Бошқа туркум бириклари билан ифодаланадиган сифатловчи сифатланмиши билан барча шаклларида мослашади, сон билан ифодаланадиган сифатловчи эса асосан мослашади-ю, лекин баъзи шаклларида гўё бошқарув рўй беради: 1) Сифатловчи бўлиб келган *два, три, четыре* сонлари именительный ва винительный падежларда сифатланмиши родительный падежнинг бирлигида шаклланишини талаб қилади: *четыре студента* каби; 2) Сифатловчи бўлиб келган *пять* ва ундан йирик сон (*два, три, четыре* сонларига тугайдиган мураккаб сонлардан ташқари) именительный ва винительный падежларда сифатланмиши родительный падежнинг кўплигида шаклланишини талаб қилади: *пять студентов* каби. Бошқа ҳолларда сон билан ифодаланган сифатловчи сифатланмиши билан мослашади.

Ўзбек тилида барча сонлар сифатланмишига битишув усул билан боғланаверади.

Яна бир фарқ шуки, рус тилида *два* ва ундан йирик сон сифатловчи бўлиб келганида сифатланмиш от асосан кўплик шаклида ишлатилади: *два студента, лекин двух студентов; пять студентов* каби; ўзбек тилида, сифатловчи қайси сон билан ифодаланишидан қатъи назар, сифатланмиш от бирлик шаклида ишлатилади: *икки студент, ўн студент* каби.

Рус тилидан фарқли ҳолда ўзбек тилида сифатловчи бўлиб баъзан равиш ҳам келади: *кўп гап, оз гап, тез одам* каби. Кўринадикки, бу вазифада сифат тур равишларгина кела олади. Рус тилида равиш сифатловчи бўлиб келмайди.

Ўзбек тилида сифатловчи от билан ҳам ифодаланади: *олтин соат, гишт девор* каби. Бундай вазифада асосан жисм отлари келади. Сифатловчи вазифасида келган бундай от грамматик шакли жиҳатидан сифатга тенглашади: сон ва келишик шаклларига эга бўлмайди.

2. Рус тилида сифатловчининг мослашмайдиган тури ҳам ажратилади. Бундай сифатловчи асосан сифатланмишидан кейин жойлашиб: а) родительный падежда шаклланади: *дом соседа, труд ученого, белизна снега, стая волков, водитель транвая* каби; б) предлог билан шаклланади (предлог именительный падеждан бошқа келишикдаги сўзшакл билан биргаликда аналитик грамматик шакл ҳосил этади): *дом из кирпича, дорога в Чиназ, чай с молоком, книга без твердой обложки* каби.

Мослашмайдиган сифатловчи сифатланмишига бошқарув усули билан боғланади. От сўзшакл билан ифодаланган бундай сифатловчи, белги англатишдан ташқари, табиий, тўлдирувчига, ҳолга мансуб баъзи маъноларни ҳам (объект, ўрин, пайт ва ҳоказо маъноларни ҳам) ифодалайди. Демак, мослашмайдиган сифатловчи шаклан бошқарувни акс эттиради, мазмунан эса мураккаб бўлиб, белги маъносини бошқача маъно билан биргаликда ифодалайди; шунга кўра бундай вазифадаги сўзшаклни сифатловчи дейиш ўзини қисмангина оқлайди. Ўзбек тилида рус тилидаги мослашмайдиган сифатловчига муқобил ҳодиса йўқ.

IV. Ўзбек тилининг рус тилидан фарқли ҳодисаларидан бири — қаратувчи бирикма: *душманинг хужуми, қовуннинг уруғи, шаҳарнинг чекаси* каби. Бундай бирикма рус тилидаги *наступление врага, семена дыни, окраина города* каби бирикмаларга энг яқин туради, лекин тенг эмас. Бу тур бирикманинг тобе аъзоси ўзбек тилида қаратқич келишигида, рус тилида родительный падежда шаклланади (шу нўқтада ўзбек ва рус тилларининг бу келишиклари ўзаро ўхшаш), бу тобе аъзолар бирикма доирасида тугал грамматик шаклланади; ҳоким аъзонинг (асли

яхлитлигича бирикманинг) тугал грамматик шаклланиши нутқдан кейинги синтактик алоқа туфайли воқе бўлади:

(шаҳарнинг) × (чека + Ø I + си) + да
на (окраин) + е × (города)

Мисоллардан кўриниб турибдики, рус тилида бундай бирикманинг ҳоким аъзосига тобе аъзо билан синтактик боғланиш туфайли бирор грамматик кўрсаткич қўшилмайди, ўзбек тилида эса ҳоким аъзога нисбатловчи қўшилади, бундай нисбатловчи қўшилгунга қадар бирикма аъзолари етарли грамматик шаклланимаган бўлади (бу қоидадан маълум истиснолар бор, албатта). Нисбатловчи тобе аъзонинг талабига кўра танлаб қўшилади, лекин синтактик вазифани кўрсатмайди (синтактик вазифани нисбатловчидан кейин қўшиладиган келишик кўрсатади).

Тасвирланаётган бирикманинг тобе аъзоси қаратувчи деб, ҳоким аъзоси қаралмиш деб юритилади. Ҳозиргача қаратувчи билан қаралмишнинг синтактик алоқаси мослашув деб келинади. Аслида эса том маънодаги мослашув эмаслиги аллақачон таъкидланган эди-ю, лекин узил-кесил янги талқин берилмади. Ҳақиқатда, қаратувчили бирикмада ҳоким аъзо тобе аъзонинг грамматик шаклига тўлиқ мослашмайди. Ҳоким аъзога қўшиладиган нисбатловчи тобе аъзога мутаносиб ҳолда танлаб қўшилади, лекин бундай мутаносиблик бу аъзоларнинг грамматик шакллари орасидагина воқе бўлмайди. Масалан, шахс маъноси тобе аъзо вазифасидаги сўзшаклнинг асосидан ангилашилади, ҳоким аъзода эса бу маънони грамматик кўрсаткич (нисбатловчи) ифодалайди. Фақат қаратувчи ўз сўзи билан, ҳамма каби олмош билан, икки каби сон билан ифодаланадиган бирикмаларда мослашув воқе бўлади: *ўзимнинг уйим, ҳаммамизнинг уйимиз, иккимизнинг уйимиз* каби. Кўринадик, бундай қаратувчи билан қаралмиш таркибида айни бир нисбатловчи қатнашади. Агар бундай қурилма асли уч аъзоли эканини ҳисобга олсак (*менинг ўзимнинг уйим* каби), унда тушириладиган аъзо асл қаратувчи эканини, қатнашадиган аъзо эса таъкидловчи эканини сезиш қийин эмас. Демак, бундай қурилмаларда ҳам асли қаралмиш таркибидаги нисбатловчи шахс жиҳатидан қаратувчи вазифасидаги сўзшаклнинг асосига мутаносиб қўшилади. Модомики мутаносиблик грамматик кўрсаткичлар орасида эмас, балки асос билан аффикс орасида содир бўлар экан, энди бундай синтактик алоқани мослашув деб бўлмайди.

Қаратувчили бирикма аъзоларида сон маъносининг ифодаланиши ҳар хил: 1) қаралмиш сон жиҳатидан бетаарф бўлади, бундай хусусият III шахс нисбатловчисига хос: *унинг уйи — уларнинг уйи* каби; 2) қаратувчи билан қаралмиш сон жиҳатидан мослашади: *сизларнинг уйингиз, сенларнинг уйларинг, бизларнинг уйимиз* каби; 3) сонда мослашув йўқолади (кўплик фақат қаратувчида ифодаланади): *сенларнинг уйинг* каби; 4) сонда мувофиқлашув воқе бўлади: *менинг уйим, сенинг уйинг* каби (қаратувчи билан қаралмиш орасидаги мутаносиблик модал маъно бўйича ҳам мавжуд).

Демак, қаратувчили бирикманинг айрим кўринишларида сон жиҳатидан мослашув воқе бўлади ёки сон жиҳатидан мутаносиблик йўқолади, қолган кўринишларида эса сон жиҳатидан мувофиқлашув содир бўлади. Ҳам шахс, ҳам сон жиҳатидан мувофиқлашув юз берадиган бирикмалар билан бирга, шахсда мувофиқлашув, сонда мослашув воқе бўладиган бирикмалар ҳам бор. Мослашув қай даражада мавжуд бўлишидан қатъи назар, қаратувчили бирикмада синтактик алоқани мувофиқлашув деб баҳолаш тўғри. Бу фикрни тасдиқлайдиган муҳим далиллардан бири шуки, қаратувчи билан қаралмиш орасидаги мутаносибликда қаратувчининг келишик шакли ва қаралмишнинг сон шакли қатнашмайди, яъни мутаносиблик икки аъзога мансуб барча грамматик шакллар орасида эмас, балки айрим грамматик шакллар орасида ва асос билан грамматик шакл орасида содир бўлади.

Хуллас, қаратувчили бирикма ўзбек тилининг ўзига хос синтактик боғланма бўлиб, унга муқобил бирикма рус тилида йўқ.

V. Ўзбек тилида қаратувчили бирикмага жуда ўхшаш яна бир синтактик қурилма мавжуд: *Тошкент шаҳри, куз фасли* каби. Бундай боғланма қаратувчили бирикмадан жиддий фарқ қилади: 1) тобе аъзо доим от билан ифодаланади; 2) шунга кўра ҳоким аъзо доим III шахс нисбатловчисига олиб келади; 3) тобе аъзо ҳам, ҳоким аъзо ҳам бирликдаги от билан ифодаланади; 4) энг муҳими — тобе аъзо бош келишикдаги ўзшакл билан ифодаланади: бу аъзога ҳар қандай шарт-шароитда *-нинг* аффиксини қўшиб бўлмайди, демак, бу ерда белгисиз қаратқич келишиги ҳақида гапириш ноўрин. Бу ҳодисадан келиб чиқадиган назарий хулоса шуки, бош келишик боғланманинг ҳоким аъзосинигина эмас, балки тобе аъзосини шакллантириб ела олади.

Тасвирланаётган бирикмани қаратувчи бирикмадан ажратиб изофа бирикмаси деб номлади. Изофа бирикмасида асосий аъзодаги нисбатловчи шахс маъносини ифодалайди ва у тобе асосидан англашиладиган шахс маъносига мутаносиб қўшилган. Сон жиҳатидан гўё мослашув юз беради, аслида эса III нисбатловчиси сон маъносини ифодалаш жиҳатидан бетараф, демак, мослашув йўқ; тобе аъзодаги келишик шакли, ҳоким аъзодаги сон шакли эса бирикма аъзолари орасидаги мутаносибликда қатнашмайди. Демак, изофа бирикмаси аъзолари мувофиқлашув усули билан боғланади.

Хуллас, ўзбек тили бирикмаларида синтактик алоқаниш мустақил тури сифатида мослашув йўқ; ҳозиргача мослашув деб талқин қилинган ҳодисалар асли мувофиқлашув алоқасига тенг; мослашув ана шу мувофиқлашув алоқаси қарамогина қатнашади.

VI. Рус тилида ва ўзбек тилида изоҳловчили бирикма ҳам ажратилади. Бундай бирикма икки от лексеманинг тобе алоқаси асосида тузилади. Изоҳловчили бирикма изофа бирикмасига жуфт ўхшаш, лекин фарқли: изоҳловчили бирикмада синтактик алоқа туфайли иккинчи аъзога нисбатловчи қўшилмайди. Асли ташқи кўриниши жиҳатидан изоҳловчили бирикма сифатловчиси от билан ифодаланган бирикмага ўхшайди, лекин бу ердаги фарқ шуки, от билан ифодаланган сифатловчи таркибида сон ва келишик қатнашмайди.

Изоҳловчили бирикма одатда атоқли от билан турдош отдан тузилади: *Раҳима она, Тўйчи ҳофиз, Карим ғуррак; уста Олим, доцент Фузаилов* каби. Бундай боғланишда, олдин ёки кейин келишидан қатъи назар, турдош от изоҳловчи, атоқли от эса изоҳланмиш бўлади. Изоҳловчили бирикманинг биринчи аъзоси бош келишикдаги сўзшакл билан ифодаланadi, иккинчи аъзо (асли яхлитлигича бирикма) тугал грамматик шаклга нутқда, навбатдаги синтактик боғланиш натижасида эга бўлади: [(*Раҳима*) × (*она*-)]-, [(*доцент*) × (*Фузаилов*-)]-. Кўринадики, ўзбек тилида изоҳловчи бош келишикдаги сўз билан ифодаланadi деган фикр изоҳловчи бундай бирикманинг биринчи аъзоси бўлиб келган ҳолатга нисбатангина тўғри.

Рус тилида изоҳловчи одатда изоҳланмишидан олдин келади: *тетя Лиза, президент Буш, лейтенант Иванов* каби. Бундай бирикмаларда турдош от изоҳловчи бўлиб келади ва у имени-тельный падежда деб қаралади. Аслида бундай бирикмада изоҳловчи ва изоҳланмиш ўзаро мослашиб турланади: *лейтенант Иванова, лейтенанту Иванову* каби. Демак, рус тилидаги

бундай бирикмаларнинг аъзолари, худди сифатловчили бирикмада бўлганидек, грамматик кўрсаткичларни нутқда олади, бирикманинг ўзи доирасида на изоҳловчи ва на изоҳланмишнинг келишиги аниқ бўлмайди: (*лейтенант* | *ул*) × (*Иванов* | *ул*) каби.

Кўринадики, *лейтенант Иванов* каби бирикма ўзбек тилида битишув усули билан, рус тилида эса мослашув усули билан боғланади.

Рус тилида *озеро Байкал, журнал "Работница"* кабилар ҳам изоҳловчили бирикмалар қаторига киритилади. Асли изоҳловчи номланган предметга қўшимча ном бўлиб хизмат қилади. Юқоридаги тур бирикмада эса қўшимча ном бериш эмас, балки бевосита номнинг ўзини келтириш воқе бўлади. Бундан қатъи назар, *озеро Байкал* каби бирикма грамматик табиати жиҳатидан ҳам *лейтенант Иванов* каби бирикмадан фарқ қилади: (*озеро* | *ул*) × (*Байкал*). Кўринадики, бу тур бирикмада атоқли от сўзшакл билан ифодаланadi, шунга кўра ўз шаклини ягартирмайди; турдош от эса (асли яхлитлигича бирикма) нутқдагина тугал грамматик шаклланади. Русча *озеро Байкал* каби бирикмаларга ўзбек тилида *Байкал кўли* каби изофа бирикмаси тўғри келади.

РУСЧА ВА ЎЗБЕКЧА СОДДА ЁЙИҚ ГАПНИНГ ВА ҚЎШМА ГАПНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

I. Содда гапда бўлақларнинг ўрни ва тартиби. Одатда гап бўлақлардан таркиб топади дейилади, асли гап бўлақлардан таркиб топади дейиш тўғрироқ. Синтактик бўлақнинг ифода ашёси бўлиб одатда сўзшакл хизмат қилади (бундай синтактик бирлик сўз деб юритилар эди); шу билан бирга, синтактик бўлақ боғланма билан ҳам ифодаланadi. Кейинги ҳолат ҳисобга олинса, гап сўзлардан (сўзшакллардан) таркиб топади дейиш тўғри бўлавермайди. Асли гап бўлақлардан таркиб топади, бўлақка ўз навбатида сўз билан (тўғрироғи — сўзшакл билан) ёки боғланма билан ифодаланган бўлиши мумкин. Масалан, *Ҳозир II курсда 96 студент ўқийди. Сейчас на III курсе обучаються 96 студентов* гаплари тўрт бўлақдан таркиб топган: 1) *ҳозир сейчас*, 2) III курсда (на III курсе), 3) *96 студент (96 студентов)*, 4) *ўқийди (обучаются)*. Бунда биринчи ва иккинчи бўлақ яқка сўзшакл билан, иккинчи, учинчи бўлақ боғланма билан ифодаланган.

Гап таркибида гапнинг бўлаги (эга, кесим), бирикманинг бўлаги (сифатловчи, қаратувчи, изоҳловчи, тўлдирувчи, ҳол) ва

гап бўлаклари билан синтактик алоқага киришмайдиган бўлак (ундалма, кириш) қатнашувини ҳам ҳисобга олсак, "гап бўлакларининг тартиби" дейишдан ҳам кўра "синтактик бўлакларининг тартиби" дейишимиз тўғри.

Икки ҳодисани фарқлаш лозим: синтактик бўлакнинг ўрни бор ва бу ўринни ўзгартириш имконияти бор. Ўрни қатъий белгиланган бўлакка нисбатан тартиб ҳақида гапириб бўлмайди. Одатдаги ўринни ўзгартиришга йўл қўядиган бўлакдагина тартиб эркинлиги мавжуд. Синтактик бўлакларнинг ўрини ва тартибини белгилашда насрий адабий нутқ асосга олинади.

Предикатив боғланмада рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам аввал эга, кейин кесим жойлашади. Услуга боғлиқ ҳолда бош бошқа бирор мақсад ва сабаб билан эга кесимдан кейинга кўчирилиши мумкин: *Ведь пришел же я! Келдим-ку ахир мен!* каби.

Сифатловчи билан бирикмада аввал сифатловчи, кейин сифатланмиш жойлашади: *широкая дорога, кенг йўл* каби. Рус тилидаги мослашмайдиган сифатловчи сифатланмишидан кейин жойлашади: *суп с фрикодельками* каби. Сифатловчиларда тартиб эркинлиги йўқ. Ўзбек тилидаги қаратувчиларда ҳам тартиб эркинлиги йўқ.

Тўлдирувчи ўзбек тилида тўлдирилмишидан олдин, рус тилида эса кўпинча кейин жойлашади. Ҳам воситасиз, ҳам воситали тўлдирувчи келса, ўзбек тилида тўлдирилмиш олдида воситасиз тўлдирувчи жойлашади, воситали тўлдирувчи эса воситасиз тўлдирувчидан олдин жойлашади (тўлдирилмишга воситасиз тўлдирувчи яқин жойлашади); рус тилида эса тўлдирилмишдан кейин одатда воситали тўлдирувчи, ундан кейин воситасиз тўлдирувчи жойлашади (тўлдирилмишга воситали тўлдирувчи яқин жойлашади): *ўқувчиларга топшириқ бермоқ — дать ученикам задание* каби. Лекин гап таркибида тўлдирувчи турли тартибда жойлаша олади.

Ҳол ўзбек тилида ҳолланмишидан олдин, рус тилида эса асосан кейин жойлашади. Бундан қатъий назар, ҳолнинг маъно турларида ўрин ва тартиб ҳар хил: ҳолланмишга энг яқин равиш ҳоли, ундан олдин (кейин) миқдор ҳоли, мақсад ҳоли, ундан ҳам олдин (кейин) ҳолнинг бошқа турлари жойлашади. Гап таркибида булар, ўз-ўзидан, турлича жойлаша олади.

Ёйиқ гапда аввал эга состави (эга дастаси), кейин кесим дастаси жойлашади. Тўлдирувчи ва ҳол одатда кесим дастасини мансуб бўлади, лекин гап таркибида нисбий мустақиллик қозониб, гапга бутунлигича тааллуқли бўлиши, шу сабабли гапнинг бош

қисмида (эгадан олдин) жойлашуви мумкин. Бундай хусусият тўлдирувчиларга, ҳолнинг эса айрим маъно турларига (асосан пайт ва ўрин ҳолларига) хос.

Гапга бир бутун ҳолда тааллуқли ана шундай синтактик бўлакка детерминант дейилмоқда (тик чизиқ билан бирламчи таҳлилда ажратиладиган синтактик бўлакларнинг чегарасини кўрсатдик): *Уч кундан сўнг! Шоқосим! тиланчиликдан! қутулди* (Ойбек). *В начале июня! часто! шли! необычные для лета дожди* (Шолохов).

Бундан қатъий назар, тўлдирувчи ва ҳол гапда турлича ўринда кела олади, демак, бирикманнинг бўлаги ҳолатидан гапнинг бўлаги ҳолатига кўтарила олади (булар бирикманнинг бўлаги ҳолатида қолиши ҳам мумкин, бундай ҳодиса синтактик бўлак боғланма билан ифодаланганида юз беради): *Бу жувозкашдан! Йўлчи! ўз хўжайинининг сигир-бузоқлари учун! баъзи вақт! кунжара олиб, у билан таниш бўлган эди* (Ойбек). *В степи за хутором! стыла! прозрачная тишина* (Шолохов).

Хуллас, эга, кесим, тўлдирувчи, шунингдек ҳолнинг маълум турлари тартиб эркинлигига эга; сифатловчида, қаратувчида, қисман изоҳловчида бундай хусусият йўқ, шу сабабли булар гап таркибига ўз сифатланмиши, қаралмиши, изоҳланмиши билан биргаликда киради ва биргаликда бир синтактик бўлак вазифасини бажаради. Тартиб эркинлиги бор синтактик бўлакларда уларнинг жойлашуви маъно ва услуб талабига кўра турлича бўлади. Ёйиқ содда гапда синтактик бўлакларнинг одатдаги жойлашуви бўйича асосий фарқ шуки, рус тилида кесим эгадан кейин, лекин тўлдирувчилардан олдин жойлашади, ўзбек тилида эса кесим ҳамма бўлаклардан кейин, гапнинг охирида келади.

II. Ажратилган бўлак. Содда гапга мураккаб тус берадиган ҳодисалардан бири — ажратилган бўлак. Ажратилган бўлак гапнинг бирор бўлак билан синтактик алоқада бўлади, шу бўлакка ажратилган ҳолда боғланиб, уни таъкидлашга, мазмунан кучайтиришга хизмат қилади. Бирор бўлак ажратилиши учун кўпинча гапнинг одатдаги ўрни ўзгартирилади (одатда кейинга кўчирилади), гапда ўзига хос интонация билан айтилади (бошқа бўлаклардан буза билан ажратилади).

Ажратилган бўлак рус тилида анчагина учрайди ва мазмунан ккига гуруҳланади: 1) яримпредикатив ажратилган бўлак, изоҳ ажратилган бўлак.

Яримпредикатив ажратилган бўлак ўз навбатида ажратилган сифатловчи, ажратилган ҳол деб иккига гуруҳланади. Ажратилган

сифатловчиларнинг ўзи бош аъзосига қараб уч турига бўлиниши сифатдош оборот, сифат оборот, от оборот.

Ажратилиш одатда бир неча аъзоли бирликка ҳам, бирликнинг бош аъзоси (сифатдош, сифат, от) уанга тааллуқли сўзшакл(лар) билан биргаликда, бир синтактик вазифада қилиниши сабабли бундай бирлик оборот деб юритилади.

Рус тилида сифатдош оборот (причастный оборот) ўзи тааллуқли сўзшаклдан олдин жойлашса, одатда ажратилмайди, кейин жойлашса, ажратилади: *Прочитанный им доклад стал предметом бурных дискуссий.— Доклад, прочитанный им, стал предметом бурных дискуссий.* Ўзбек тилида сифатдош оборот жуда кўп учрайди, лекин улар деярли ажратилмайди: *Ернинг навони қочирмай экилган чигит тез униб чиқади.*

Сифат оборот (адъективный оборот) ҳам рус тилида айнан сифатланмишидан кейин келади ва ажратилади: *Я прожил жизнь полную неожиданностей и предательства* (Паустовский). Ўзбек тилида сифат оборот жуда оз учрайди ва одатда ажратилмайди: *Шердан кучли ҳайвон йўқ.*

От оборот (субстантивный оборот) деб рус тилида икки ҳолда кўрсатилади: а) ажратилган мослашмайдиган сифатловчи, б) ажратилган изоҳловчи. Ажратилган мослашмайдиган сифатловчи якка сўзшакл билан ҳам, бирикма билан ҳам ифодаланиши мумкин: *Эту кашу, без мяса и моркови, как можно называют пловом!* Ўзбек тилида сифатловчининг бундай тури йўқ.

Ажратилган изоҳловчи ҳам рус тилида юқоридагича ифодаланади: *Мы, студенты III курса, прослушали лекции по курсу "Сопоставление русского и узбекского языков".* Ўзбек тилида бундай ажратилган изоҳловчи кўпинча рус тилидан таржима сабабли учрай бошлади: *Биз, III курс талабалари, "Рус ва ўзбек тилларини қиёслаш" курси бўйича лекциялар тингладик.*

Ажратилган ҳолнинг ўзи икки хил: а) ажратилган равишдош оборот, б) ажратилган от оборот. Рус тилида равишдош уанга тааллуқли сўзшакл(лар) билан биргаликда равишдош оборот ҳосил этади ва одатда ажратилган бўлак бўлиб келади: *Нанивши чайо и отдохнув, она вышла погулять* (Чехов). *Восток незаметно ясенел, отражая свой слабый свет на подернутом тонкими тучами своде неба* (Л. Толстой).

Ўзбек тилида равишдошнинг ўзига тааллуқли сўзшакл(лар) билан биргаликда оборот ҳосил этиши жуда кўп учрайди, лекин, рус тилидан фарқли ҳолда, равишдош оборот ўзбек тилида асосан ажратилмайди: *Эрталабдан бери кетмон чопиб чарчадик.* Ўзбек тилида равишдош, ҳол бўлак вазифасида келишдан ташқари,

кесим вазифасида ҳам келади: *Қалин қор ёғиб, ҳамма ёқни оқ сўртпа қоплади. Ҳафтада тўрт кун ишлаб, уч кун дам оламан.* Равишдош кесим вазифасида келса, ажратилган бўлак, равишдош оборот юзага келмайди.

Ажратилган ҳолнинг от оборот тури *несмотря на, вследствие, благодаря, вопреки, в случае, во избежание* каби предлог ёки предлогли қурилма ёрдамида шаклланади: *За исключением поездов по делам зимой, большую часть времени он проводил дома* (Л. Толстой). Бундай қурилмалар ҳол ажратилмаслиги ҳам мумкин: *Заметки в случае надобности подлежат сокращениям и стилистическим изменениям* (Чехов). Ўзбек тилида бундай ажратилган ҳол деярли учрамайди.

Изоҳ ажратилган бўлак (уточняющие обособленные члены) деб талқин қилинаётган ҳодиса асли ажратилган бўлаклик талабларига қисман жавоб беради, шу сабабли буларни тўғридан-тўғри изоҳ бўлак деб юритавериш маъқул кўринади.

Рус тилида изоҳ бўлак ўзи тааллуқли бўлакка кўпинча *то есть, иначе* каби боғловчи, *особенно, даже, в частности, в том числе, например* каби сўзлар ёрдамида боғланади: *В этом отношении случилось даже одно очень важное для них событие, именно встреча Кити с Вронским* (Л. Толстой). *Все вокруг, даже пепельница из розовой раковины, говорило о мирной и долгой жизни* (Паустовский). Рус тилида изоҳ бўлаклари қаторига *кроме, помимо, наряду с, в отличие от, в противоположность* каби предлог ёки предлогли қурилма билан шаклланидиган бўлаклар ҳам киритилади: *В денежном ящике, кроме денег, хранится и деловая корреспонденция* (Салтыков-Щедрин).

Ўзбек тилида изоҳ бўлакни кўпинча *яъни, шу жумладан, айниқса, ҳатто, масалан* каби ёрдамчилар шакллантиради: *Кечқурун, яъни соат саккиздан кейин келсанг, мени шу ердан топасан.*

Хуллас, ажратилган бўлак — русча нутқда кўп учрайдиган, ўзбекча нутқда эса жуда оз учрайдиган ҳодиса. Изоҳ бўлак ўз табиатига кўра ажратилган бўлакдан фарқланиб туради. Изоҳ бўлак, гарчанд русча нутқдаги даражада бўлмаса ҳам, ўзбекча нутққа ҳам хос.

III. Қўшма гап рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам тузилиши ва мазмунига кўра ўта мураккаб бўлиб, ҳар бир тилнинг ўз имкониятлари доирасида намоён бўлади. Тузилиш жиҳатидан алоҳида таъкидлашга лойиқ ҳодиса шуки, ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, эргашган қўшма гапларнинг маълум

турида эргаш гапнинг кесими шахсли (тусланган) феъл билан эмас, балки равишдош билан ифодаланади: *Эшик очилди. Чўлпонойнинг онаси кўринди* (П. Қодиров). Рус тилида эса қўшма гап таркибидаги ҳар бир предикатив қисмининг кесими шахсли (тусланган) феъл билан ифодаланади: *Благодаря тому что мы строго соблюдаем график движения поездов, количество перевозок значительно увеличивается* (Газетадан).

Рус тилида эргашган қўшма гаплар "сложноподчиненные предложения нерасчлененной структуры" ва "сложноподчиненные предложения расчлененной структуры" деб иккига ажратилади. Биринчи тур қўшма гапда эргаш гап бош гапдаги от билан ифодаланган бўлакка бевосита тааллуқли бўлади, шу бўлакни аниқлайди (сифатлайди); бошқа тур сифатловчилардан фарқи шуки, таркибида эга бўлак қатнашади, демак, тузилиши жиқатидан гапга тенг бўлади. Қиёс қилинг: *Он взял книги, которые нужны ему.*— *Он взял книги, нужные ему.* Биринчи мисол аниқловчи эргаш гапли қўшма гапга, иккинчи мисол эса сифатдош оборотли содда гапга тенг.

Кўринадики, бу қисмлар синтактик алоқа нуқтаи назаридан бир хил; бирини гап, иккинчисини бўлак деб белгилашда уларнинг ички синтактик қурилишидан келиб чиқилади. Бундай эргаш гапли қўшма гапда асли икки предикатив боғланманинг тенг мавқедаги алоқаси содир бўлмайди, эргаш гап бошқа бир гапга эмас, балки ўша гап таркибидаги маълум бир сўзшаклга тааллуқли бўлади. Фақат предикативлик белгиларига тўлиқ эга эканлиги (тўлиқ шаклланган эга ва кесимнинг мавжудлиги) туфайли уни гап деб тан олиш лозим бўлади.

Ўзбек тилида сифатловчи одатда сифатланмишидан олдин жойлашади, бундай ҳолат сифатловчи якка сўзшакл билан ифодаланганда ҳам, бирикма билан ифодаланганда ҳам бирдек воқе бўлади: *У керакли китобларни олди.*— *У ўзига керакли китобларни олди* каби. Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, предикатив боғланма ҳам сифатловчи бўлиб кела олди: *У қариликдан... четлари қизарган кўзларини Гулнорга аллақандай ҳирс билан тикди* (Ойбек). Предикатив боғланма сифатловчи бўлиб келиши учун маълум ўзгаришлар юз беради, албатта. Масалан, *Мен ёқтирдим* предикатив боғланмаси сифатловчи бўлиб келиши учун тусловчи ташланиши, замон ясовчиси эса сифатдош ясовчисига алмаштирилиши лозим. Натижада предикатив боғланма гаплик ҳолатини йўқотиб, сифатловчи бўлакка хос шакл олади. Бундай ўзгаришлардан кейин предикатив

боғланмани гап деб бўлмайди: *Мен ёқтирган куйни чалинг* каби.

Рус тилида қўшма гап билан ифодаланган мазмун ўзбек тилида ҳам кўпинча гап билан ифодаланади: *Выпал обильный снег, поэтому стало ходить трудно.*— *Қор жуда қалин ёғди, шу сабабли юриш қийинлашди* каби. Бундан қатъи назар, рус тилида қўшма гап билан ифодаланадиган мазмунни ўзбек тилида содда гап билан ифодалаш ҳам анчагина учрайди, бунда рус тилида гап билан ифодаланган мазмун ўзбек тилида оборот билан ифодаланади: *Я знаю, что ты сегодня работаешь.*— *Мен сенинг бугун ишлашингни биламан. Он благодарен тебе за то, что ты оказывал помощь его матери.*— *У сендан онасига ёрдам бериб турганинг учун миннатдор* каби. Бу мазмунни ўзбек тилида қўшма гап билан ҳам ифодалаш мумкин: *У сендан миннатдор, чунки сен унинг онасига ёрдам бериб турдинг* каби.

АСОСИЙ АДАБИЁТ

1. И. А. Киссен. Курс сопоставительной грамматики русского и узбекского языков. "Учитель", Ташкент, 1966.
2. А. И. Абражеев, П. А. Данилов, Р. И. Вигаев. Очерки по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков. Ташкент, 1960.
3. А. А. Азизов. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология. "Ўқитувчи", Ташкент, 1983.
4. О. Азизов, А. Сафаев, Ҳ. Жамолхонов. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. "Ўқитувчи", Тошкент, 1986.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Қиёсий фонетиканинг баъзи масалалари	5
Умумий мулоҳазалар	5
Рус ва ўзбек тилларининг ушли товушлари	8
Рус ва ўзбек тилларининг ундош товушлари	10
Русча ва ўзбекча лексемаларнинг бўгин тузилиши	13
Рус ва ўзбек тилларида лексик ургу	15
Рус ва ўзбек тилларида лексемаларнинг тузилиши	17
Қиёсий морфологиянинг баъзи масалалари	19
Ўзбек ва рус тилларида сўзшаклларнинг таркиби	19
Рус ва ўзбек тилларида сўзларни туркумлаш	23
Рус ва ўзбек тилларида от туркуми	25
Рус ва ўзбек тилларида от туркумига мансуб грамматик категориялар	26
Отларда сон категорияси	27
Келишик категорияси	28
Ўзбек ва рус тилларида сифат туркуми	32
Рус ва ўзбек тилларида равиш туркуми	34
Рус ва ўзбек тилларида сон туркуми	38
Рус ва ўзбек тилларида олмош туркуми	40
Рус ва ўзбек тилларида феъл туркуми	49
Рус тилида инфинитив ва ўзбек тилида ҳаракат номи	50
Рус ва ўзбек тилларида вид ҳамда ҳаракатнинг усули	51
Ўзбек ва рус тилларида ўтимли-ўтимсизлик	53
Рус ва ўзбек тилларида залог (даража)	55
Рус ва ўзбек тилларида майл (наклонение)	60
Рус ва ўзбек тилларида замон	62
Рус ва ўзбек тилларида шахс-сон	65

Рус ва ўзбек тилларида сифатдош	111
Рус ва ўзбек тилларида равишдош	112
Рус ва ўзбек тилларида ёрдамчи туркумлар	113
Қиёсий синтаксиснинг баъзи масалалари	114
Рус ва ўзбек тилларида уюшиқ қатор	115
Рус ва ўзбек тилларида предикатив боғланма	116
Кесимнинг эга билан мувофиқлашуви	117
Рус ва ўзбек тилларида нопредикатив боғланмалар	118
Русча ва ўзбекча содда ёйиқ гапнинг ва қўшма гапнинг баъзи масалалари	119
Асосий адабиёт	120

Шавкат Рахматуллаев

**СОПОСТАВЛЕНИЕ УЗБЕКСКОГО
И РУССКОГО ЯЗЫКОВ**
(краткое изложение)

Учебное пособие для студентов вузов

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"—700129, Ташкент, Навои, 30. 1993.

Кичик муҳаррир *Н. КАРИМОВА*
Муқова рассоми *Д. СОБИРОВА*
Бадий муҳаррир *И. КУЧЕНКОВА*
Техник муҳаррир *С. СОБИРОВА*
Мусахҳиҳа *Ў. АБДУҚОДИРОВА*

Теришга берилди 16.10.92. Босишга рухсат этилди 05.10.93.
Формати 60x84 ¹/₁₆. "Таймс" гарнитурда юқори босма усулида босилди.
Шартли босма л. 6,51. Нашр л. 6,42. Адади 5000.
Буюртма № 1218 Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Шартнома № 123-92.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий
ва программавий воситалар базасида тайёрланиб
Тошкент "Ўзгипрозем" картфабрикасида босилди. Муқимий кўчаси, 182.

Раҳматуллаев Шавкат.

Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш: (Қисқача баён): Олий ўқув юрт. "Ўзбек тили ва адабиёти" ҳамда ўзбек мактабларида "рус тили ва адабиёти" ихтисосликлари бўйича таҳсил кўраётган талабалар учун ўқув қўлл.— Т. 1. Ўзбекистон, 1993.—110 б.

ISBN № 5-640-01317-6

Раҳматуллаев Шавкат. Сопоставление узбекского и русского языков: (Краткое изложение): Учеб. пособие для студ. вузов.

ББК 81. 2Ўз —923+81.2Р — 923

№1286-93

Навий номли

Ўзбекистон Республикаси

давлат кутубхонаси

Р 6020000000—48 93
М 351 (04) 93